


Д.ЛУТФУЛЛАЕВА, О.ЭШОНҚУЛОВ

ЛИСОНИЙ ЗИФДИЯТ
ВА НЕЙТРАЛЛАШУВ

TOSHDO'TAU



0000000250

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ


Д.ЛУТФУЛЛАЕВА, О.ЭШОНҚУЛОВ

ЛИСОНИЙ ЗИДДИЯТ ВА НЕЙТРАЛЛАШУВ

МОНОГРАФИЯ

13588 256711

“NAVRO’Z” нашриёти NAVROYI NOMIDAGI
Тошкент - 2018



КБК: 81.14

Л 32

УДК: 82.(14+22)

ISBN 978-9943-381-4-07

Лутфуллаева Д., Эшонкулов О. ЛИСОНИЙ ЗИДДИЯТ ВА НЕЙТРАЛЛАШУВ / Монография / – Тошкент: NAVRO'Z, 2018. – 110 б.

Ушбу монографияда тил бирликларининг зиддиятли муносабати ҳамда нейтраллашуви масаласи таҳлил қилинди, нейтраллашувнинг синтактик сатҳда амал қилиши қонуниятлари ўзбек тилидаги айрим содда ва қўшма гаплар мисолида очиқ берилди. Ўзбек тилидаги олмошлар мисолида тил бирликларининг зидланиш тизимидаги ўрни масаласига ойдинлик киритилди, олмошларнинг нутқ вазиятида зидланиш белгисини йўқотиши ва зидланувчи аъзо билан бир хил семантик-функционал қийматга эга бўлиб қолиши сабаблари белгиланди, бу ҳодисани юзага келтирувчи омиллар аниқланди ҳамда олмошлар нейтраллашувини ўзида акс эттирган гапларнинг услубий жиҳатлари ёритилди.

Монография тилшунос олимлар, олий ўқув юртлари филология факультети талабалари, магистр, докторант ва мустақил изланувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

И.Йўлдошев – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Д. Худойберганова – филология фанлари доктори,
катта илмий ходим

М.Сапарниязова – филология фанлари номзоди, доцент

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (6-сонли мажлис қарори, 31.01.2018)

© «NAVRO'Z» нашриёти, 2018

© Д. Лутфуллаева, О. Эшонкулов

СЎЗБОШИ

Тил сатҳи бирликларининг умумий ва зидланишга асос бўлган фарқли белгиларини аниқлаш, ўхшашликларнинг бир-бирига мос келиш тамойилига асосланиши, зиддиятларнинг эса ўзаро мувофик келмаслик асосида юзага чиқиши қонуниятларини ўрганиш ҳар доим тилшуносларнинг диққат-эътиборида бўлган.

Тил сатҳи бирликларини тил-нутқ зидланишида тадқиқ этиш лисоний бирликларнинг нутқда юзага чиқадиغان семантик, функционал-услубий, коннотатив-прагматик хусусиятларини аниқлашга имкон бериши маълум.

Шу кунга қадар жаҳон тилшунослигида лисоний бирликларнинг функционал имкониятларини аниқлашга бағишланган турли тадқиқотлар амалга оширилди. Аммо бу йўналишда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, тил сатҳи бирликларининг зидланишига асос бўлган фарқли белгиларнинг муайян нутқ вазиятида йўқолиб, бир хил семантик қийматга эга бўлиб қолиши, яъни нейтраллашуви масаласини текшириш назарий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Монографияда бу муаммо ўзбек тилидаги айрим содда ва қўшма гаплар ҳамда олмошлар мисолида таҳлил этилди.

Бугунги кунга келиб ўзбек тилшунослигида содда ва қўшма гаплар, олмошларнинг грамматик-семантик хусусиятлари, функционал-услубий вазифалари атрофлича тадқиқ этилган. Аммо уларнинг муайян нутқ вазиятида нейтраллашуви муаммоси алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Бу ҳолат ўзбек тилининг морфологик ва синтактик сатҳларида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисасини тадқиқ этиш муаммосини ўртага қўяди. Монографияда айни шу масалани ёритиш мақсад қилиб белгиланди.

Тадқиқотда куйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилди:

- лисоний зиддият ва нейтраллашув ҳодисасига тавсиф бериш;
- тилшунослиқда лингвистик нейтраллашувнинг ўрганилиши масаласига муносабат билдириш;
- айрим содда ва қўшма гаплар мисолида ўзбек тилининг синтактик сатҳида нейтраллашув ҳодисасининг амал қилишини илмий асослаш;

– ўзбек тили олмошларининг зидланиш тизимига муносабатини белгилаш;

– морфологик сатҳда олмошлар нейтраллашувини юзага келтирувчи омиллارни белгилаш;

– олмошлар нейтраллашувини ўзида акс эттирган гапларнинг услубий жиҳатларини ёритиш.

Монографияда гапнинг ифода мақсадига кўра айрим турлари, тасдиқ-инкор белгисига кўра зидланувчи баъзи содда гаплар, ҳавола бўлакли эргашган кўшма гаплар ҳамда олмошлар таҳлилга тортилди. Олмошларнинг вариантлари – тарихий шакллари, услубий вариантлари текширилмади.

Монографиянинг илмий натижаларидан ўзбек тилининг назарий грамматикасини яратишда, олий ўқув юртлири филология факультетларида тил бирликларида зиддият ва нейтраллашув масаласига бағишланган махсус курс ва семинарларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

1. ЛИСОНИЙ ЗИДДИЯТ, СИНТАКТИК ВА МОРФОЛОГИК НЕЙТРАЛЛАШУВ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

1.1. Лисоний зиддият ва нейтраллашув ходисасининг талқини ҳамда ўрганилиши

Тил ўзаро алоқа-боғланишда бўлган бирликлар мажмуи сифатида ўзида зиддиятли муносабатларни ҳам акс эттиради. Зиддият тил бирликларининг тил тизимида яшовчанлиги ҳамда тараққиётининг асосий шартларидан биридир. Проф. Н.Махмудов келди тарзда қайд этганидек, "... тил умумий ривожининг, хусусан, маъно тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан энг кудратлиси диалектик зиддият, қарама-қаршилик бўлиб, у тил шартларининг барчасида турли даражада кузатилади"¹.

Лисоний зиддият тил бирликларининг муайян белгисига кўра бир-биридан фарқланиши ва шу асосда турли категориялар, гуруҳлар, синфларга бирлашувининг асосий омилларидан биридир. Дарҳақиқат, лисоний зиддият тилнинг барча сатҳ бирликларига хос, ammo ҳар бир сатҳ доирасида турли кўринишларда намоён бўлади. Жумладан, фонетик сатҳдаги зиддият товушларнинг асосан акустикаси, артикуляцион белгиси, маъно фарқлаши кабилар асосида, лексик сатҳдаги зиддият кўпинча лексемаларнинг маъновий фарқланиши асосида, синтактик сатҳдаги зиддият эса синтактик бирлиكنинг ҳам шакли, ҳам мазмунидаги фарқловчи белгиларига кўра белгиланади. Демак, лисоний зиддият тил бирликларининг фарқловчи белгиларига таянадиган, тил тизимига хос хусусийликларни фарқлашга хизмат қиладиган категориядир.

Шуниси характерлики, тил бирликларининг ўзаро зиддиятли муносабати уларнинг ўхшашлик белгиларини бутунлай йўққа чиқармайди. "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" китоби муаллифлари бу ҳақда қуйидагиларни баён қилишган эди: "Тил бирликлари орасидаги фарқ кучайиб, зиддият даражасига етиши ҳам мумкин. Киёсланг: [оқ]; [қора]; [кун]; [тун]. Тил бирликлари орасидаги фарқлар зиддият, қарама-қаршилик даражасига кўтаришганда ҳам улар орасидаги ўхшашликлар сақланади. Аниқроғи [оқ] ва [қора] сифат, аслий сифат эканлиги, [кун] ва [тун] эса от

¹ Махмудов Н. Зиддият ва лисоний бирликда маъно тараққиёти / Махмудов Н., Одиналов Е. Суз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: "Akademnashr". 2014. – Б.13.

эканлиги, вақт номини, сутканинг бир қисмини англатиши билан ўхшашдир”².

Англашиладики, тил бирликларининг хусусий фарқловчи белгилари ўзаро зидланишига сабаб бўлса, ўхшаш белгилари бир умумий парадигмага бирлаштиради. Тил бирликларининг бири-биридан фарқланиши ва зидланишига асос бўлган хусусий белгилари уларнинг тизим доирасида мустақил бирлик сифатида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Тил тизимида кузатиловчи зиддиятли муносабатларини ўрганиш муайян тил бирлигининг бошқа бирликларда учрамайдиган ўзига хос жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради. Шу сабабли тилшунослик фани тараққиётининг ҳар бир даврида лисоний зиддият масаласи чуқур ўрганилган. Бугунги кунда ҳам тил бирликларига хос зиддиятли муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу кунга қадар тилшуносликда лисоний зиддият турли жиҳатдан таснифлаб келинди. Лисоний зиддиятлар таснифи асосида тил бирликларига хос зидланиш муносабатининг бир қанча турлари ажратилди. А.Нурмоновнинг қайд этишича, “Зидланишлар турли томонларига кўра тасниф қилинади. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш хусусиятига кўра зидланиш *доимий* ва *мўътадиллашган* турларга ажратилади. Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, доимий, сақлаб қолмаса, мўътадиллашган бўлади”³.

Н.С.Трубецкой фонемалар доирасида кузатилган зиддият кўринишларини қуйидагича таснифлаган: 1.Зиддиятлар системасига муносабатига кўра. 2. Зидланувчи аъзолар муносабатига кўра. 3. Маъно фарқлаш кучига кўра.⁴

Кўринадикки, таснифида зиддият турли жиҳатдан фарқланган. Яъни зидланувчи бирликларнинг ҳам зиддиятлар системасига муносабати, ҳам ўзаро муносабати ва хусусий жиҳати, маъно фарқлаш томони инobatга олинган.

² Незьматов Х., Расулов Р. Ўзбек систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 14.

³Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 138-139.

⁴Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Издательство иностр. лит. 1960. – 371 с.

Хар қандай лисоний зиддият тил бирликларида қиёслаш учун асос бўлган белгиларни тақозо этади. Қиёслаш учун асос бўлган белгига кўра фонологик оппозицияда куйидаги зиддият турлари ҳам ажратилган: 1. Бир ўлчовли зиддият. 2. Кўп ўлчовли зиддият.

Бир ўлчовли зиддиятда зидланиш учун асос бўлган умумий белги фақат шу зиддиятга хос бўлиб, фонологик сатҳнинг бошқа зидланувчи аъзоларида кузатилмайди. Кўп ўлчовли зиддиятда эса, аксинча, зидланиш учун асос бўлган белги зиддият тизимининг бир қатор аъзоларида кузатилади.⁵

Д.Нурмонова бу ҳақда фикр юритар экан, лотин график тизимидаги Е ва F ҳарфларининг зидланиши бир ўлчовли, Р ва R ҳарфларининг зидланиши эса кўп ўлчовли эканини қайд этади. Унинг фикрича, “Е ва F ҳарфларидаги ўхшаш белгилар – вертикал ва икки горизонтал чизик лотин алфавитидаги бирор ҳарфда кузатилмайди, шу боис уларнинг зидланиши бир ўлчовли. Р ва R ҳарфлари ўртасидаги қиёсга асос бўлган белги – вертикал чизик ва унинг устига ўнг томондан чизилган ярим доира фақат шу жуфтликда эмас, бошқа ҳарфларда, масалан, В ҳарфида ҳам мавжуд. Шу боис бу жуфтликнинг зидланиши кўп ўлчовлидир.”⁶

Фонологияда зиддиятларнинг *пропорционал* ва *ажралган* турлари ҳам фарқланган. Зиддият аъзолари ўртасидаги муносабат фонологик тизимнинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабат билан бир хил бўлса, *пропорционал зиддият*; аксинча, маълум бир зиддият аъзолари ўртасидаги муносабат бошқа аъзолар ўртасида учрамаса, *ажралган зиддият* ҳисобланиши қайд этилган. Жумладан, Д.Нурмонова ўзбек тилидаги к-г фонемаларининг жарангсизлик, портловчилик белгилари асосида умумийликни ҳосил қилиши фақат шу жуфтликка хос эмаслигини, бу белгилар п-б, т-д жуфтликларида ҳам кузатилишини инobatга олиб, улар ўртасидаги зиддиятини *пропорционал зиддият* ҳисоблайди. Олима билабиаллик, лабиоденталлик белгилари ўртасидаги муносабат бошқа ҳеч бир жуфтликда такрорланмаслиги боис бу белгилар асосидаги зиддиятни *ажралган зиддиятга* киритган.⁷

Зидланувчи аъзоларнинг ўзаро муносабатига кўра *приватив*, *градуал*, *эквиполент зиддиятлар* ҳам ажратилади. Приватив зиддият

⁵Нурмонов А. Кўрсатилган манба. – Б. 136-137.

⁶ Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент. 1998. – Б.7.

⁷ Нурмонова Д. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 8.

зидланиш учун асос бўлган белгининг зидланувчи аъзоларнинг бирида мавжуд, иккинчисида эса йўқлигини акс эттиради. Зидланувчи аъзоларнинг белгининг даражасига кўра муносабати градуал (даражали) зидланиш, зидланувчи аъзоларнинг белгининг икки даражасини ҳам, тасдиқ ёки инкорини ҳам билдирмайдиган зидланишлар эквиолент (тенг қийматли) зидланиш саналади.

Шунингдек, фонемаларнинг маъно фарқлаш кучига кўра *доимий ва нейтраллашган зиддият* турлари ҳам фарқланади. Бундай зиддият тил бирлигининг нутқий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Тил бириклари нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини саклаб қолиши ҳам, сакламаслиги ҳам мумкин. Шу асосда доимий ва нейтраллашган зиддиятлар фарқланади.

Зиддиятнинг фонологик тизимда қайд этилган кўринишлари тилнинг бошқа сатҳларда ҳам кузатилади. Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар лексик сатҳда зиддиятнинг куйидаги тўрт хил турини фарқлашган: 1) тенг қийматли (эквиолент) зиддиятлар; 2) мутаносиб (пропорционал) зиддиятлар; 3) даражали (градуал) зиддиятлар; 4) нотўлиқ (приватив) зиддиятлар.⁸ А.Нурмонов эса синтактик сатҳда, хусусан, тасдиқ-инкор гаплар зидланишида доимий ва нейтраллашган оппозицияни ажратган.⁹

Тил бирликларининг зидланиш муносабати таҳлилида баъзан зиддият учун асос бўлган белгининг йўқолиши масаласига дуч келинади. Бу ҳолат тил бирлигининг нутқий қўлланишида муайян омиллар таъсирида юз берадики, натижада зид аъзолар бири ўрнида иккинчиси эркин қўлланаверади. Бу ҳодиса тилшуносликда *нейтраллашув* (нейтрализация¹⁰) деб юритилади.

Нейтраллашув термини лотинча «neuter»¹¹ (у ҳам, бу ҳам эмас) сўздан олинган бўлиб, лингвистикада тил бирликларининг зидланишига асос бўлган белгисининг муайян нутқий вазиятда йўқолиши сифатида тушунилади.

Тилшуносликка *нейтраллашув* тушунчаси тил бирликларини функционал аспектда ўрганувчи функционал грамматика орқали кириб келган. *Нейтраллашув* термини дастлаб фонологияда

⁸ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 16-22.

⁹ Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №6. – Б. 45-51.

¹⁰ Шипилова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, вып. 10 (54). 2007. – С. 63.

¹¹ <http://omop.su/ruwiki/103/5449.php>

қўлланган. Бошқа сатхлардан фаркли ўларок фонологик сатхда нейтраллашув икки фонеманинг муайян фонологик позицияда бири-биридан фарқланмаслиги сифатида тушунилади. Н.С.Трубецкой талқинига кўра, нейтраллашув фонемаларга хос фарқловчи белгининг муайян позицияда йўқолиши, аммо бошқа позицияларда фарқнинг сақланишидир. Бу қарашга кўра нейтраллашув бири-биридан фаркли белгига эга ўхшаш бирликлар муносабатида кузатилади.¹²

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб нейтраллашув ҳодисаси лексик, морфологик, синтактик сатх доирасида ҳам ўрганилди. А.А.Реформатский грамматик оппозициялар нейтрализацияси ҳақидаги мулоҳаза юритар экан, фонологиянинг бинар дихотомик жиҳати бирмунча осон аниқланиши, аммо морфологияда дихотомияни яратишга интилиш кутилган натижа бермаслигини эътироф этган.¹³

Бизнингча, бошқа сатх бирликлари муносабатида ҳам бинар зиддият ва бу зиддиятга асосланган нейтраллашув кузатилар экан, бу муаммони тилнинг турли сатхларида ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиши тил бирликларининг нутқдаги иккиламчи вазифалари, кўшимча функционал имкониятлари, зидланиш тизимидаги ўрни, тил меъёри ва унинг нутқда ўзгаришга учраши каби масалаларни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Тилшуносликда нейтраллашув ҳодисасига турлича таъриф берилган. В.Г.Руделевнинг талқинича, нейтраллашув зиддиятнинг нафакат мақбул кўрсаткичи (у нейтраллашувни зиддиятнинг ягона кўрсаткичи ҳисоблаш мумкинлигини ҳам қайд этган), балки унинг шаклланиши омили ҳамдир.¹⁴

Д.Нурмонованинг маълумотига кўра, "... мўътадиллашув ҳолатида зидланувчи аъзоларнинг ўзига хос белгилари, яъни зидланувчи аъзоларнинг ўзаро фарқловчи белгилари йўқолади, ҳар икки аъзо учун умумий бўлган бирлаштирувчи белгилар (зидланувчи аъзолар ўртасида қиёс учун асос бўлган, ҳар иккисида такрорланувчи белгилар) эса сақланиб қолади. Демак, ҳар қандай зиддият ҳам мўътадиллаша бермайди. Мўътадиллашув учун энг

¹² Трубецкой Н.С. Кўрсатилган манба.

¹³ Реформатский А.А. О нейтрализации оппозиций / Лингвистика и поэтика. – М., 1982. – С. 89.

¹⁴ Руделев В.Г. Собрание сочинений в 6-и т. Т. 6. Друг мой – язык. Избр. произв. по общему и русскому языкознанию. – Ч.1. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2002. – С. 165-166.

берилувчан зиддият бир ўлчовли зиддият саналади. Мўътадиллашув ҳолатида зидланувчилардан бири шу зиддият “архифонема”сининг вакили бўлиб қолади”.¹⁵

А.Бердиалиев, З.Абдуалиевалар нейтраллашувни тил тизими бирликлари ўртасидаги зидликнинг позицион жиҳатдан олиб ташланишидир, деб ҳисоблайдилар.¹⁶

Бугунги кунда ҳам тилшуносликда фонологик нейтраллашув сифатида муайян нуткий шароитда фонемалар зидланиш белгисининг йўқолиши ва икки фонеманинг фарқланмай қолиши сифатида тушунилади.

Н.П.Душинанинг қайд этишича, нейтраллашув тил бирликлари миқдорини биттага камайтириш имконини беради, демак, бу вақтда нуткнинг тезлиги ошади. Айнан шу вазиятда нейтраллашувнинг бир белгиси – синонимиянинг қисқариши кузатилади, яъни нейтраллашувчи феъл ва ядро лексема битта феълдан иборат бирлик ҳисобланади. Нейтраллашувнинг янада муҳим белгиси – омонимик шаклнинг кўпайиши ўта муҳим бўлиб, у нейтраллашувнинг кўрсаткичи саналади.¹⁷

В.Журавлёв ҳам лексик бирликлар ифода планидаги нейтраллашувда омонимия, мазмун планидаги нейтраллашувда синонимиянинг юзага келишини қайд этган. Унинг фикрича, «Тилнинг фонологик тизими консонант – консонант эмаслар ўртасидаги зиддиятни намоён қилади. Зиддиятнинг нейтраллашуви сонорларни юзага келтиради./ Морфологик сатҳда равишларни феъл ва от туркумидаги сўзларнинг семантик қориншуви сифатида тавсифлаш мумкин. Лексик тизим лексемаларнинг мазмун ва ифода плани ўртасидаги фарқли белгилар асосида қурилади. Ифода планининг нейтраллашуви омонимияни, мазмун планининг нейтраллашуви синонимияни юзага келтиради».¹⁸

¹⁵ Нурмонова Д. Кўрсатилган тадқиқот. –Б. 14.

¹⁶ Бердиалиев А., Абдуалиева З.У. Функционирование нейтрализации в семантической микроструктуре эквонимов-гипонимов (на материале отдельных названий со значением «животное» в русском и узбекском языках) // arch.kyrlibnet.kg/?& npage=download&nadd=60

¹⁷ Душина Н.П. Явление контекстной нейтрализации каузативного и татального глаголов / <http://do.gendocs.ru/docs/index-332281.html>

¹⁸ Қаринг. Журавлёв В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций // Вопросы языкознания. 1972. – №3. – С. 36-49.

Дарҳақиқат, нейтраллашув тил бирликларининг вазифа имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади, нейтраллашувда тил бирлигига хос белгининг йўқолиши ҳисобига зидланишлар сонининг фақат маълум бир муддатга қисқариши кузатилади. Аммо бу жараёнда ҳосил бўлган омонимик ва синонимик ҳолатларнинг ҳар қандай нутқ шароитида эмас, фақат муайян нутқий вазиятда шаклланиши, нутқий вазиятдан ташқарида уларга йўл бекилиши нейтраллашув оқибатида юзага келадиган омонимия ва синонимияни тилга хос лисоний ҳодисалар эмаслигини кўрсатади.

Тилнинг турли сатҳларида зиддият ўзаро фарқланар экан, нейтраллашув ҳодисаси ҳам турли сатҳда фарқли жихатларга эга бўлади. Масалан, синтактик сатҳда содда гап ва қўшма гап ўзаро синтактик, семантик структурасига кўра зиддиятга киришади. Улар ўртасида зиддиятнинг йўқолиши нейтраллашув ҳодисасига сабаб бўлади. Албатта, фонологик сатҳдаги нейтраллашув лексик ва грамматик сатҳ бирликларида юз берадиган нейтраллашувдан моҳиятан фарқ қилади. Бу фарқ, асосан, қуйидагиларда кузатилади:

1. Фонологик сатҳда фонемаларнинг акустик хусусиятига кўра фарқли белгилари нейтраллашса, лексик ва синтактик сатҳда ифода ва мазмун плани ўртасида зиддиятга асос бўлган белгининг нейтраллашуви кузатилади.

2. Фонологик сатҳда нейтраллашув фонемаларнинг позицион хусусиятлари билан боғланса, лексик ва грамматик сатҳда нейтраллашув контекст, вазият каби ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда юз беради.

3. Фонологик сатҳда фонемалар зидланишига асос бўлган белгининг нейтраллашуви архифонеманинг шаклланишига олиб келса, лексик ва грамматик сатҳ бирликларининг нейтраллашуви асосида учинчи элемент юзага келмайди.

Англашиладики, нейтраллашувнинг фонологик сатҳдаги моҳияти лексик ва грамматик сатҳларда тубдан фарқ қилади.

Я.Н.Скрипникнинг кайд этишича, лексик-семантик ва грамматик сатҳ икки томонлама хусусиятга эга бўлгани боис нейтраллашувни ифода плани (масалан, келишиқлар синкретизми) ва мазмун планига кўра (турли грамматик шакллар мазмунининг

контекста бир-бирига мос келиши, масалан, пойдём в кино? = пошли в кино?) фарқлаш лозим.¹⁹

Дарҳақиқат, икки тил бирлигининг зидланишига шаклий ё мазмуний ёки товуш жиҳати асос қилиб олинар экан, нейтраллашувда зиддиятга асос бўлган бу белгилар инобатга олинаши ва шу асосда нейтраллашув турларини ажратиш мақсадга мувофиқ.

Тилшунослиқда анъанавий тарзда нейтраллашувнинг куйидаги икки тури фарқланади: 1. Контекстуал нейтраллашув. 2. Структур (сўз структураси) нейтраллашув.

Контекстуал нейтраллашувда контекст билан боғлиқ ҳолда нейтраллашув юз беради. Бундай нейтраллашувда тил бирликларининг контекстуал хусусиятларига аниқлик киритилади.

Сўз структурасига асосланган нейтраллашувда тил бирликлари зидланиш белгисининг нейтраллашуви синтактик куршовга, контекстга боғлиқ бўлмайди. Аксинча, нейтраллашув тил бирликларининг муайян ўрни, позицияси билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Биринчи турдаги нейтраллашув лексик ва грамматик сатҳ бирликлари муносабатида кузатилса, иккинчи турдаги нейтраллашув фонологик сатҳда қайд этилади. Монографияда грамматик сатҳдаги биринчи тур нейтраллашув ўрганилди.

Хуллас, нейтраллашув тилининг алоҳида олинганда ўзаро зиддиятдаги, аммо муайян нутқ вазиятида зиддият белгисини йўқотиши натижасида бир-бирига мос келиб қолувчи бирликларини бир тизимга бирлаштирувчи тил ҳодисасидир.

Тил бирликларининг нейтраллашуви муаммосини турли сатҳ бирликлари мисолида қиёсан тадқиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Рус тилшунослигида бу масала илк бор Н.С.Трубецкой томонидан фонологик сатҳ доирасида ўрганилган. Унинг 1939 йида эълон қилинган «Фонология асослари» номли асарида фонемалар ўртасида кузатилувчи зиддият турлари ва нейтраллашув ҳодисаси таҳлил этилган.²⁰ Н.С.Трубецкой томонидан илгари сурилган фонологик нейтраллашув назарияси кейинчалик

¹⁹ Скрипник Я.Н. К вопросу о нейтрализации фоносемантических оппозиций / Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. Выпуск № 79. 2012. <http://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-neutralizatsii-fonosemanticheskikh-oppozitsiy#ixzz3fwCxaZ7z>

²⁰ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 352 с.

Л.И.Богораз-Бухман, А.А.Виноградов, В.М.Бельдиян, В.К.Журавлёв томонидан ривожлантирилди.²¹

Ўтган асрда лексик, морфологик, синтактик бирликлар муносабатида кузатилувчи нейтраллашувни ҳам ўрганишга эътибор қаратилди.²² Шунга қарамай, нейтраллашув ҳодисасининг ҳар бир сатҳ бирлигидаги моҳияти ҳанузгача тўлиқ аниқланган эмас. Масалан, нейтраллашувнинг турли сатҳдаги фарқли жиҳатлари, ҳар бир сатҳда кузатилувчи ўзига хос қонуниятларни белгилаш лозим. Ҳанузгача нейтраллашувнинг тил ҳодисаси ёки нутқий ҳодиса эканлиги масаласи бўйича аниқ тўхтамга келинмаган.

Нейтраллашув ҳодисаси ўзбек тилшунослигида дастлаб А.Ғуломов, кейинчалик А.Нурмонов, А.Абдуазизов томонидан фонологик сатҳ доирасида ўрганилди.²³ Бу йўналишда амалга оширилган сўнгги иш сифатида Д.Нурмоновнинг «Ўзбек тилида

²¹ Богораз-Бухман Л.И. Фонологическая нейтрализация на уровне дифферентов и фонем в русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1963; Виноградов В.А. Некоторые вопросы теории фонологических оппозиций и нейтрализации / Проблемы лингвистического анализа. Фонология. Грамматика. Лексикология. – М., 1966. – С. 13-21; Бельдиян В.М. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1968; Журавлёв В.К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций // Вопросы языкознания. 1972. – №3. – С. 36-49; Журавлёв В.К. Диахроническая фонология. – М., 1986.

²² Martinet A. La notion de neutralisation dans la morphologie et le lexique II Travaux de l'Institut de linguistique 2. – Paris: Librairie C. Klincksieck, 1957. – P. 21-76; Булыгина Т. В. О нейтрализации семантических оппозиций / Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М.: Наука, 1969. – С. 310-316; Брагина А. А. Нейтрализация на лексическом уровне // Вопросы языкознания. – 1977. – № 4. – С. 61 -71; Крылова Е. В. Грамматические оппозиции в системе форм на в современном английском языке и их нейтрализация: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 20 с.; Попова Э.М. Нейтрализация семантических противопоставлений в системе способов глагольного действия: Дисс. ... канд. филол. наук. – Симферополь, 1980. – 168 с.; Носова И. К. Нейтрализация оппозиции адъективного класса в современном русском языке / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 70-81; Петрякина В. И. К вопросу об интонационных единицах и их нейтрализации / Функциональная просодия текста. Вып. 201. – М.: МГПИИЯ, 1982. – С. 167-179; Шишлова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, вып. 10 (54). 2007. – С. 63-66; Эшонкулов О. Ўзбек тили олмошлари оппозициясида нейтраллашув / Хорижий тилларни ўқитишнинг бугуни ва эртаси. Халқаро илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2016; Душина Н.П. Явление контекстной нейтрализации каузативного и стального глаголов. <http://do.gendocs.ru/docs/index-332281.html> ва бошқалар.

²³ Ғуломов А. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке: Научные труды ТашГУ, вып. 211. – Ташкент, 1963. – С. 45-95; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 35-44.

парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви» деб номланган тадқиқотини кўрсатиш мумкин.²⁴

Мазкур тадқиқотда ўзбек тили фонемалари тизимида нейтраллашувни юзага келтирувчи омиллар белгиланган. Олима унли ва ундош товушларда зидланиш белгисининг йўқолиши бу фонемаларнинг сўздаги жойлашган вазияти (позицияси) билан боғлиқ тарзда амалга ошишини аниқлаган. У ўзбек тили фонологик тизимидаги нейтраллашув ҳодисасини қуйидаги турларга бўлиб ўрганган: “1. Мўътадиллашувчи қисмлар /а:б/ хусусиятига кўра. 2. Мўътадиллаштирувчи позиция /Pn/ хусусиятига кўра. 3. Мўътадиллашиш хусусиятига кўра”.²⁵

Тадқиқотда фонеманинг мўътадиллашиш ўрнига кўра *контакт* ва *дистант мўътадиллашув*; мўътадиллашув йўналишига кўра *прогрессив* ва *регрессив мўътадиллашув*; мўътадиллашув позициясининг таъсир хусусиятига кўра *ассимилятив*, *диссимилятив мўътадиллашув*; мўътадиллашув характерига кўра *структур*, *контекстуал*, *структур-контекстуал мўътадиллашув* турлари фарқланган. Шунингдек, мўътадиллашув даражасига кўра *тўлиқ* ва *тўлиқсиз мўътадиллашув*, реал борлиққа муносабатига кўра *реал* ва *потенциал мўътадиллашув* ажратилган.²⁶ Кўринадики, Д.Нурмонова фонологик сатҳдаги нейтраллашувни турли жиҳатдан таснифлаб ўрганган.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг бошқа сатҳ бирликлари зидланишида кузатиловчи нейтраллашув ҳодисасига айрим ишларда қисман муносабат билдирилган.²⁷ А.Нурмонов нейтраллашув ҳодисасини айрим синтактик бирликлар мисолида таҳлил қилар экан, «Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви» номли мақоласида тасдиқ ва инкор белгилари асосида зидланувчи равишдош ўрамли синтактик конструкцияларда зидланиш белгисининг йўқолишига инкор шаклидаги равишдош ўрамларнинг нутқда иккиламчи вазифада – тасдиқни ифодалашда қўлланиши сабаб бўлишини кўрсатади. Шунингдек, у кесими *борми*, *йўқми* сўзларидан ташкил топган

²⁴Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 106 б.

²⁵Нурмонова Д. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 44.

²⁶Нурмонова Д. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 47-51.

²⁷Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №6. – Б. 45-51; Шу муаллиф. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982. – 152 с.

сўроқ гапларда тасдиқ ва инкорни ифодаловчи *бор* – *йўқ* сўзлари ўртасидаги зидланиш белгисининг нейтраллашуви жараёнини текшириб, нейтраллашувга *йўқ* сўзининг иккиламчи вазифада қўлланиши сабаб бўлишини аниқлаган.²⁸

Кейинги йилларда айрим морфологик бирликларда нейтраллашув ҳодисасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, ўзбек тилидаги олмошларнинг нейтраллашуви муаммоси Д.Лутфуллаева, О.Муродуллаева, О.Эшонқуловлар томонидан айрим мақолаларда ёритиб борилди.²⁹

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларига хос фаркли белгиларнинг муайян нутқ вазиятида нейтраллашуви масаласи бошқа сатҳ бирликлари доирасида махсус тадқиқ этилмаган. Жумладан, монографияда таҳлилга тортилган айрим содда ва қўшма гаплар ҳамда олмошлар нейтраллашуви масаласи ҳам махсус текшириш объекти бўлган эмас. Умуман, ўзбек тилшунослигида барча тил бирликлари муносабатида кузатилувчи нейтраллашув ҳодисаси махсус тадқиқини кутмоқда.

²⁸Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б.47-51.

²⁹ Муродуллаева О, Сўроқ олмошларида зидланиш белгисининг йўқолиши ва мўътадиллашуви / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: ТДПУ. 2009. – Б.92-94; Лутфуллаева Д., Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар зидланиш белгисининг мўътадиллашуви / Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.-метод. статей в 24 частях. Часть 24. – Ташкент. Узб. науч.-иссл. инст. пед. наук им. Кары-Ниязи. 2009. – С.13-15; Муродуллаева О. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг зидланиши. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б. 102-104; Лутфуллаева Д. Ўзбек тили морфологик бирликларида лингвистик нейтраллашув / М.Аскарлова ва ўзбек тилшунослиги масалалари. (Профессор М.Аскарлова таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, ТДПУ, 2014. – Б.58-62; Лутфуллаева Д., Эшонқулов О. Ўзбек тили олмошлари оппозициясида нейтраллашув / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари ҳамда таълим тизимида тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари (регионал илмий семинар материаллари) 1-чиқиш. – Андижон, 2015. – Б.21-24; Эшонқулов О. Микдорга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланиш белгисининг йўқолиши ва нейтраллашув / Профессор К.Назаров хотирасига бағишланган “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истикболлари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2016. – Б.44; ва бошқалар.

1.2. Синтактик ва морфологик нейтраллашув масаласига муносабат

Синтактик нейтраллашув. Нейтраллашув тилнинг турли сатҳларида ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Жумладан, синтактик сатҳ бирликларида нейтраллашув фонологик ёки морфологик сатҳларда кузатилувчи нейтраллашувдан тубдан фарқ қилади. Синтактик нейтраллашув шаклий-мазмуний асимметрия билан боғлиқ ҳолда юз беради. Синтактик сатҳда ортиқчалик, тежамлилик тамойилларининг амал қилиши шаклий-мазмуний асимметрияни юзага келтириш билан бирга, синтактик бирликларнинг нейтраллашувига ҳам олиб келади. Бу жиҳатдан синтактик нейтраллашувни тил эгаларининг прагматик мақсади билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш муҳим ўрин тутаети.

А.Нурмонов фонологик ва грамматик сатҳда нейтраллашувни қиёслаб, қуйидагиларни ёзган эди: “Фонологик сатҳда оппозиция аъзоларининг шакл жиҳатдан бир хил бўлиб қолиши фонологик оппозиция нейтраллашувини ҳосил қилса, юқори сатҳда уларнинг мазмуни бир хил бўлиб қолиши ҳам грамматик оппозиция нейтраллашувини деб қаралиши лозим. Чунки оппозиция аъзолари мазмунан оппозициядан чиқиб, ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган бир семантик парадигмани ҳосил қилади. Бу вақтда оппозиция аъзоларидан бири транспозитив ҳолатда қўлланган бўлади.”³⁰ Англашиладики, синтактик нейтраллашувда зидланувчи аъзолардан бири доимий белгисини йўқотади ва зидланувчи аъзо билан семантик жиҳатдан эркин алмашиниб қўллана оладиган бирликка айланади.

Е.Шипилова синтактик сатҳдаги нейтраллашувни *сатҳлараро* ва *сатҳ доирасидаги нейтраллашув*га ажратади. У содда ва қўшма гап зиддиятидаги нейтраллашувни сатҳлараро нейтраллашув сифатида баҳолади. Олиманинг фикрича, полипредикатив бирликларда кузатилувчи сатҳ доирасидаги нейтраллашув бир ҳолатда мазмун планини, бошқа ҳолатда семантик-структур жиҳатни қамраб олади.³¹

³⁰ Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозиция-ларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №1. – Б.50.

³¹ Шипилова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, вып. 10 (54). 2007. – С. 64.

Маълумки, содда гаплар бир предикатив муносабат асосига курилади. Бу жиҳатдан улар бирдан ортиқ предикативликни акс эттирувчи қўшма гапларга зидланади. Содда ва қўшма гаплар уларда акс этган ахборот сифимига кўра ҳам бир-биридан фаркланади. Демак, монопредикативлик-полипредикативлик, монопропозитивлик-полипропозитивлик содда ва қўшма гапларнинг зидланиши учун асос бўла олади. Е.Шипилова бундай зиддиятда қўшма гапларнинг маркерланган компонент эканини қайд этади. Нейтраллашув ифода плани ва мазмун плани доирасида амал қилиб, қўшма гапдаги мураккабликнинг йўқолиши ҳисобига юз беради.³²

Ўзбек тилида айрим содда гаплар ҳам муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зид аъзога нисбатан нейтрал ҳолатга келиб қолади. Бундай вақтда нейтраллашган содда гап зидланишдаги иккинчи содда гап билан эркин алмашилиб қўллана олади. Бу жараёнда содда гаплар оппозициясида қуйидаги жиҳатлар кўзга ташланади:

1. Ўзаро оппозициядаги содда гаплар ҳар қандай нутқ вазиятида ҳам зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотмайди.


2. Ўзаро оппозициядаги айрим содда гаплар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотиши мумкин. Шунга қарамай, бу вазиятда зиддиятдаги аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлмайди.

3. Ўзаро оппозициядаги айрим содда гаплар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зиддиятдаги аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлиб қолади.

Биринчи вазиятда содда гаплар фарқловчи белгилари, жумладан, тасдиқ – инкор, дарак – сўроқ, дарак – буйруқ, дарак – нотак, буйруқ – истак кабиларни англатиши асосида ўзаро фаркланади ва шу белгилари асосида оппозицияга киришади. Бундай зиддиятда оппозиция аъзолари зидланишга асос бўлган белгисини саклаб қолади. Масалан: *Мен сайр қилдим. – Мен сайр қилмадим* (содда гапларнинг тасдиқ – инкор белгисига кўра зидланиши)

Иккинчи вазиятда икки содда гапдан бирининг зидланиши учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолади, ammo бунинг

³² Шипилова Е.А. Кўрсатилган мақола.



натижасида у зидланувчи аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлиб қолмайди. Содда гапнинг нутқда амал қилган иккиламчи вазифаси зиддиятдаги аъзо билан эркин алмашилиб қўлланишига имкон бермайди. Масалан, “*Нимасини айтасиз?*” синтактик курилмаси аслида сўроқ гап, “*Айтаверинг*” гапи эса буйруқ гап саналади. Бу икки гапдан бири сўроқ, иккинчиси буйруқни ифодалашига кўра ўзаро фарқланади ва шу белгиси асосида ўзаро зидланади. Аммо “*Нимасини айтасиз?*” гапи шаклан сўроқ гап бўлса-да, нутқ эгасининг субъектив муносабатини ифодалашга хизмат қилганда, модал маъно ифодалаб, кўрсатилган буйруқ гапга нисбатан зидланишга асос бўлган белгисини йўқотади. “*Нимасини айтасиз?*” гапи фарқловчи белгисини йўқотса-да, “*Айтаверинг*” буйруқ гапи билан эркин алмашилиб қўллана олмайди.

Сўнги вазиятда икки содда гапдан бирининг зидланиши учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолади ва зидланувчи аъзо билан бир хил семантик-функционал қийматга эга бўлади. Масалан, “*Овқатингни емайсанми?*” сўроқ гапи “*Овқатингни е*” буйруқ гапига нисбатан зидланиш белгисини йўқотганда у билан эркин алмашилиб қўллана олади. Сўроқ гапнинг иккиламчи вазифада, яъни сўроқни эмас, буйруқни ифодалашда (“*Овқатингни е*”) қўлланиши натижасида унинг буйруқ гап билан зидланиш учун асос бўлган белгиси йўқолади. Бундай ҳолатда айна сўроқ гап нейтраллашув ходисасига учрайди.

Текширувларимиз шуни кўрсатадики, содда гапларда зидланиш учун асос бўлган белги йўқолиб, зиддиятдаги аъзо билан семантик жиҳатдан тенг қийматли бўлиб қолишига кўпинча нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ тарзда иккиламчи вазифада қўлланиши сабаб бўлади.

Лингвистик нейтраллашув содда гапларнинг барча тури учун бирдай хос хусусият эмас. Нейтраллашув, айниқса, риторик сўроқ гапларда, тасдиқ-инкор гапларда, равишдош ўрамли содда гапларда яққол кўзга ташланади. Улардан айримларига муносабат билдириб ўтамиз.

Маълумки, сўроқ гаплар дарак ва буйруқ гапларга нисбатан семантик жиҳатдан оппозитив муносабатда бўлади. Сўроқ гапларнинг алоҳида кўриниши сифатида риторик сўроқ гаплар ҳам дарак, ҳам буйруқ гаплар билан зидланади. Риторик сўроқ гапларнинг бу икки гап тури билан зидланиши учун асос бўлган

белгиси (сўзловчи учун номаълум бўлган нарса-предмет, белги, микдор кабилар ҳақидаги сўроқни ифода этиш)нинг йўқолишига пресуппозицияни ифодалашга хосланиши сабаб бўлади.

Нутқда риторик сўроқ гаплар орқали буйруқ ёки дарак ахборотини англатувчи пресуппозиция ифодаланади. Риторик сўроқ гаплар нутқ эгасининг ифодада таъсирчанликни ошириш мақсадини юзага чиқаради. Шу боис риторик сўроқ гаплар кўпинча дарак ёки буйруқ гапларга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан, *“Қайси бир хотин қанчадан-қанча аҳду паймонлар, орзу-умидлар билан кириб келган уйини ташлаб кетади?”* (С.Ахмад. “Баҳор сувлари”) риторик сўроқ гапи *“Ҳеч бир хотин қанчадан-қанча аҳду паймонлар, орзу-умидлар билан кириб келган уйини ташлаб кетмайди”* дарак гапига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Риторик сўроқ гап орқали ифодаланган *“Ҳеч бир хотин қанчадан-қанча аҳду паймонлар, орзу-умидлар билан кириб келган уйини ташлаб кетмайди”* пресуппозицияси унинг кўрсатилган дарак гап билан семантик жиҳатдан зидланишига тўсқинлик қилади.

Сўроқ синтактик шакли орқали хабар маъносини ифодаловчи бу типдаги гапларни таҳлил қилар экан, Д.Нурмонова “бундай гапларда шакл ва мазмун ўртасида кўпинча икки белги асосида зиддият мавжуд бўлади: биринчидан, ифода мақсадига кўра зиддият (сўроқ шакли орқали дарак маъносининг ифодаланиши), иккинчидан, тасдиқ-инкор белгисига кўра зиддият (тасдиқ шакли орқали инкор ифодаланиши, ёки аксинча, инкор шакли орқали тасдиқ ифодаланиши)” деган қарашни илгари суради.³³ Дарҳақиқат, риторик сўроқ гапларда икки томонлама зиддият кўзга ташланади, нейтраллашув ҳам бир вақтда икки турдаги зидланиш муносабатига юз беради. Бунда нафақат сўроқ ва дарак гаплар, балки уларга хос тасдиқ ва инкор белгилар ҳам зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Мен сенга бирон марта ёлгон гапирганмидим? – Мен сенга ҳеч ёлгон гапирган эмасман.*

Кўринадикки, берилган гаплар сўроқ-дарак, тасдиқ-инкор белгисига кўра ўзаро зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашган. Бу ҳолат риторик сўроқ гаплар орқали буйруқни ифодаловчи пресуппозиция ифодаланганда ҳам кузатилади. Қуйидаги мисолда сўроқ гап буйруқ гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади ва

³³ Нурмонова Д. Синтактик сатҳда нейтрализация ҳодисаси / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2009. – Б.49-50.

нейтраллашувга учрайди: —... *Иш бўлмаса чой олиб келмайсизми?* (С.Ахмад. “Пойқадам”) // —... *Иш бўлмаса чой олиб келинг.*

Ушбу сўроқ гапдан буйруқ-илтимос характеридаги “*Чой олиб келинг*” пресуппозицияси англашилади. Сўроқ гапдан бу ахборотнинг англашилиши унинг буйруқ гап билан семантик жиҳатдан зидланишига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолатда ҳам сўроқ гапнинг буйруқ гапга нисбатан икки томонлама зиддиятли муносабати кўзга ташланади. Яъни сўроқ гап буйруқ гап билан ҳамда сўроқ гапга хос инкор белги дарак гапга хос тасдиқ белги билан ўзаро зидланади. Нейтраллашув зиддиятга асос бўлган мана шу белгиларнинг пресуппозиция ҳисобига йўқолиши натижасида юз беради.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу типдаги сўроқ гапларда пресуппозиция ифодаланмаганда, улар нейтраллашув ҳодисасига учрамайди. Қуйидаги матнда қўлланган сўроқ гапга эътибор қаратамиз:

Уйқум қочди, фикр-хаёлим Чўл бургутида. Наҳотки, оддий кичкинагина жуассада бургут қалби, бургут парвози бўлса? Наҳот, у бургут етолмаган фазоларда уча олса? (С.Ахмад. “Чўл бургути”)

Матнда берилган сўроқ гап орқали нутқ эгасининг таажжуби, ҳайрати кучли ифода этилган. Бундай гаплар семантик-синтактик тузилишига кўра риторик сўроқ гапларга жуда ўхшайди, негаки уларда акс этган сўроққа бирор жавоб талаб этилмайди. Аммо риторик сўроқ гап каби бундай гапларнинг жавоби ички структурасидан англашилиб турмайди. Демак, бу типдаги сўроқ гаплар соф сўроқ гаплардан ҳам, риторик сўроқ гаплардан ҳам фарк қилади. Яна қиёсланг:

Бирпасдан кейин Башоратни секретарь чақириб буйруқни берди. Башорат буйруққа қараб туриб сесканди. Кўзи тинди. Наҳотки икки йил ишлаб меҳнати синган жойни ташлаб кетади? (С.Ахмад. “Кечиккан севги”)

Мисоллардан англаш мумкинки, *наҳот (наҳотки)* юкламаси билан тузилган барча сўроқ гапларда ҳам муайян сўроққа жавоб талаб этилмайди. Бундай гаплар нутқ эгасининг бўлиб ўтган воқеликдан ҳайрати, таажжубини сўроқ синтактик шакли орқали эмоционал ифода этиш мақсадини намойиш этади.

Синтактик сатҳда қўшма гапларда ҳам нейтраллашув ўзига хос тарзда кечади. Маълумки, содда ва қўшма гаплар оппозициясини белгиловчи омиллардан бири предикативлик ва ифодадаги ахборот (пропозиция)нинг миқдорий фаркланишидир. Тилда содда гаплар ягона воқелик ифодачиси сифатида, қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ воқеалар ўртасидаги муносабат ифодачиси сифатида баҳоланади. Бироқ бу қатъий ҳолат эмас. Баъзан содда гапларда бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади. Худди шундай, қўшма гапларда предикативлик бирдан ортиқ бўлса-да, унинг ахборот сизими сиқик бўлади, баъзан шаклан қўшма гапда бир воқелик ифодаси турлича акс этган бўлиши ҳам мумкин.

Содда ва қўшма гаплар орасидаги ўзаро фарқловчи белгилар айрим ҳолларда йўқолиши, бундай вақтда қўшма гап нейтраллашувга юз тутиши мумкин. Н.Маҳмудов эргашган қўшма гапларда нейтраллашув масаласи хусусида фикр юритар экан, куйидагиларни ёзади: “Шуниси ҳам табиийки, модус ифодаловчи тизим ихчамлашишга мойил бўлади. Буни яхлит гапда денотатив воқеага қараганда модуснинг номухимлиги билан изохлаш мумкин. Ана шу номухимлик, аслида, тегишли сўз шаклларидаги маъноларнинг («шарт», «пайт» каби) кучсизланишига ёки нейтраллашишига олиб келади. Бу нейтраллашув кўпгина эргаш гапли қўшма гапларда жуда аниқ бўлади. *Мен сенга айтсам, одамларга яхшилик қил. Кейинги масалага келсак, асосий маърузани касоба уюшмасининг раиси қилади. Гапнинг очигини айтганда, ишга жиддий киришмоқ шарт. Мен ўйлайманки, у бугун келади* каби эргаш гапли қўшма гапларда ана шундай нейтраллашувни кўриш мумкин. Бу нейтраллашувга ва гапнинг тегишли қисмларида ифодаланган модуснинг мантикий-мазмуний табиатига кўра бундай шаклан қўшма гаплар ҳақли равишда кириш тизимли содда гаплар сифатида баҳоланади.”³⁴

Кўринадикки, нутқ жараёнида қўшма гап таркибидаги эргаш гапларнинг модусни ифодалашга ўтиши улардаги шарт, пайт каби мазмун муносабатларининг йўқолишига сабаб бўлади. Бу ҳолат нафақат гапда акс этган мазмуний муносабатларга таъсир кўрсатади, балки эргаш гап ўз моҳиятини йўқотади ва кириш

³⁴ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Уқитувчи, 1995. – Б. 80-81.

қурилмага яқинлашади. Шаклан қўшма гап семантик жиҳатдан мураккаблашган содда гапга айланади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу каби гапларни мураккаблашган содда гаплар тарзида талқин этиш шакл ва мазмун муносабатидаги зиддиятга ўрин қолдирмайди. Н.Маҳмудов ҳам “модус ифодаланган ва предикатларидаги тегишли шакллар маъноси аниқ нейтраллашган аксар эргаш гапларни кириш гаплар сифатида баҳолаш бундай шаклан қўшма гаплардаги мазмуний-синтактик номувофикликни бартараф этиши” ҳақида фикр юритади. Аммо у бундай ҳолатда эргаш гапнинг гаплиги инкор этилмаган ҳолда у қўшма гапнинг синтактик таркибидан ташқарига чиқарилиши ҳақида фикр юритади.³⁵

Н.Аҳмедова ва Ф.Солиевалар синтактик нейтраллашув масаласини таҳлил қилишар экан, содда ва қўшма гапларга хос мўътадиллашувни куйидаги турларга ажратишади: 1. Содда гапнинг полипропозитив характериға кўра юзага келадиган мўътадиллашув. 2. Қўшма гапнинг монопропозитив характериға кўра юзага келадиган мўътадиллашув.³⁶

Мақола муаллифлари биринчи ҳолатда содда гапларнинг мазмунан мураккаблашиб, икки ва ундан ортиқ пропозицияни ифодалаш натижасида қўшма гаплар билан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашуви ҳақида фикр юритишган. Уларнинг қайд этишича, “*Неч нимага ҳайрон қолмайдиган одамдан олим чиқади. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди*” (Ў.Ҳошимов) мисолида биринчи гап содда гап, аммо иккита пропозицияни ифодалаган, бу гапда сифатдош ўрам гапни мазмунан мураккаблаштириб, пропозиция ифодалашга хизмат қилган. Иккинчи гап эса қўшма гап бўлиб, у ҳам иккита пропозиция ифодалашга хизмат қилади. Шу нутқда содда ва қўшма гаплар пропозиция ифодалашига кўра зидланиш белгисини йўқотиб, нейтралзацияга учрайди. Икки объектив мазмуннинг бир синтактик шакл орқали ифодаланиши содда ва қўшма гап ўртасидаги мўътадиллашувга сабаб бўлади”.³⁷

Бизнингча, муаллифлар айтишганидек, “*Ҳеч нимага ҳайрон қолмайдиган одамдан олим чиқади*” содда гапи қўшма гап каби

³⁵ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Кўрсатилган манба. – Б. 81.

³⁶ Аҳмедова Н., Солиева Ф. Қўшма гапларда мўътадиллашув / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари мавзусидаги VIII Республика илмий-назарий анжумани. – Тошкент: ТДПУ, 2015. – Б. 66-68.

³⁷ Аҳмедова Н., Солиева Ф. Кўрсатилган мақола.

мураккаб мазмунни ифода этса-да, пропозиция ифодалашига кўра “Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди” кўшма гапига нисбатан нейтраллашувга учрамаган. Бошқача айтганда, бу содда гап пропозиция ифодалашига кўра айна кўшма гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотган бўлса-да, бу гап билан эркин алмашилиб қўллана олмайди. Демак, ушбу содда гап нейтраллашув жараёнига юз тутмаган. А.Нурмонов ҳам грамматик нейтраллашув хусусида фикр юритар экан, бундай нейтраллашувда оппозиция аъзолари мазмунан оппозициядан чиқиб, ўзаро эркин алмашилиш дистрибуцияси муносабатида бўлган бир семантик парадигмани ҳосил қилиши, бу вақтда оппозиция аъзоларидан бири транспозитив ҳолатда қўлланишини қайд этган.³⁸

Аксинча, “*Ҳеч нимага ҳайрон қолмайдиган одамдан олим чиқади*” содда гапи “*У ҳеч нимага ҳайрон қолмайди, бундай одамдан олим чиқади*” кўшма гапи билан шаклан содда-мураккаблик белгисига кўра зидланиш белгисини йўқотган ва нейтраллашувга учраган. Нейтраллашув бирдан ортиқ ахборотнинг содда гапда баён этилиши ҳисобига юз берган. Бундай содда гапларда шаклий-мазмуний номутаносиблик билан бирга, нейтраллашув ходисаси ҳам акс этади. Нейтраллашув айна содда гапнинг кўшма гап билан эркин алмашилиб қўлланишида кўзга ташланади.

Мақолада иккинчи турдаги нейтраллашув кўшма гапда битта пропозициянинг ифодаланишида кузатилиши кўрсатилган. Мақолада қайд этилишича, кўшма гап таркибидаги содда гаплардан бири денотатив воқеани эмас, модусни ифодалашга хизмат қилиши натижасида гапда битта пропозиция ифодаланади. Бундай ҳолат асосан эргашган кўшма гапларда учрайди. Бундай нутқий шароитда битта объектив мазмунни ифодалаётган кўшма гап ва содда гап орасида мўътадиллашув юзага келади. Бунда ортиқчалик тамойили асосида бош ёки эргаш гап пропозиция эмас, модус ифодачисига айланади. Муаллифлар “*Гапнинг қизиги шундаки, холам ҳамма гандан хабардор экан*” (Ў.Ҳошимов) гапини таҳлил қилиб, бош гапда модал маънони ифодалайдиган қизиги бўлининг эга вазифасида келганлиги, натижада бош гап орқали фақат модус воқеа ўз ифодасини топганлиги, асосий ахборот эса (*Холам ҳамма гандан хабардор экан*) эргаш гап орқали

³⁸ Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №1. – Б.50.

ифодаланганлигини қайд этишади. Улар бу қўшма гапда иккита эмас, битта пропозициянинг ифодаланиши натижасида унинг содда гап билан бўлган зидланиши мўътадиллашган деб ҳисоблашади.³⁹

Дарҳақиқат, юқоридаги каби қўшма гапларда бош гап модал маъно ифодалаб келганда, қўшма гап семантик жиҳатдан содда гапга тенг бўлиб қолади. Бундай вақтда қўшма гап бу содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади ва у билан эркин алмашилиб қўллана олади. Қиёсланг: *Гапнинг қизиги шундаки, холам ҳамма гапдан хабардор экан – Қизик, холам ҳамма гапдан хабардор экан.*

Бу типдаги қўшма гапларда нейтраллашув гапдаги модус вазифа бажаришга мойил бирликлар ҳисобига юз беради. Юқорида кўрсатилган мақолада муаллифлар ўзбек тилида эргашган қўшма гапларнинг нейтраллашувини юзага келтирувчи тил бирликларини ҳам ажратишган. Уларнинг фикрича, бош гапнинг кесими вазифасида *билмоқ, кўрмоқ, айтмоқ, таъкидламоқ, эсда тутмоқ, эсдан чиқармоқ, пайқамоқ, ишонмоқ, кўрқмоқ, фаҳлamoқ, тушунмоқ, огоҳ бўлмоқ, ўйламоқ, сезмоқ, қарор қилмоқ, аниқламоқ, тан бермоқ, ҳис этмоқ, мўлжалламоқ, шубҳаланмоқ* каби ҳис-сезги, идрок, нутқий ва фикрий фаолиятни билдирувчи сўзлар келганда нейтраллашув юз беради. Негаки бундай бирликлар маъноси модус «воқеа» ифодаси учун жуда мувофиқ келади. “*Она шуни сездики, ўзли фақат қорнини ўйларди*” (С.Аҳмад) гапида кесим вазифасида келган *сезди* феъли модусни ифодалашга хосланган. Шу боис бу сўз иштирок этган бош гапни яхлитлигича кириш сўз шаклида ҳам қўллаш мумкин: *Она шуни сездики – Онанинг сезишича*”.⁴⁰

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, ўзбек тилида бош гапдаги ҳавола бўлақларни семантик жиҳатдан изоҳлаб келувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг барча турларида нейтраллашув кузатилади. Эргашган қўшма гапларда семантик изоҳни талаб қилувчи ҳавола бўлақларнинг иштироки уларнинг нейтраллашувига сабаб бўлади. Бундай гапларда бош гапдаги ҳавола бўлақни изоҳловчи эргаш гап бош гапга семантик алоқадор бўлақ сифатида мантиқан унинг таркибига киради. Бунинг оқибатида эргашган қўшма гап семантик жиҳатдан тораяди. Мазкур ҳолат бу типдаги эргашган қўшма гапларнинг содда гап билан семантик жиҳатдан тенг қийматли

³⁹ Аҳмедова Н., Солиева Ф. Кўрсатилган мақола.

⁴⁰ Аҳмедова Н., Солиева Ф. Кўрсатилган мақола. – Б. 68.

бўлиб қолишига олиб келади. Масалан, *“Кимки бировга чоҳ қазиса, унга ўзи тушади”* мақолининг эргаш гапи бош гапдаги ўзи олмоши билан ифодаланган эгани семантик жиҳатдан изоҳлайди. Демак, эргаш гап мантикий-семантик жиҳатдан бош гапнинг эга вазифасидаги бўлагига дахлдор. Бу тарздаги семантик дахлдорлик айни типдаги эргашган кўшма гапларнинг ўзига семантик жиҳатдан тенг қийматли бўлган содда гаплар билан эркин алмашинишига йўл очади. Таҳлил этилган эргашган кўшма гапнинг *“Бировга чоҳ қазиган одам унга ўзи тушади”* содда гапи билан эркин алмашиниб қўлланиши унинг нейтраллашганини кўрсатади.

Нейтраллашув эргашган кўшма гапларнинг ҳавола бўлакли бошқа турларида ҳам кузатилади. Жумладан, кесим эргаш гапли кўшма гаплар асосан бир ҳавола бўлакли кўшма гаплар бўлиб, эргаш гап бош гапдаги кесим вазифасидаги мана шу ҳавола бўлакни семантик жиҳатдан изоҳлайди. Масалан, *“Айбинг шуки, вазифани ўз вақтида бажармагансан”* кўшма гапининг биринчи қисмида *“Айбинг шу”* пропозицияси ифодаланса-да, аслида у семантик жиҳатдан мукамал эмас.

Илмий манбаларда бундай гапларни ҳам содда гапларга айлантириш мумкинлиги қайд этилади. Бунга кўшма гапнинг содда гап билан зидланиш белгисининг йўқолиши йўл очади. Ушбу кўшма гап *“Айбинг вазифани ўз вақтида бажармаганлигингда”* содда гапи билан семантик жиҳатдан тенг қийматли бўлгани боис у билан эркин алмашиниб қўллана олади. Бу ҳолат кесим эргаш гапли ушбу кўшма гапнинг содда гап билан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашувга учраганини кўрсатади. Нейтраллашувга бош гапдаги кесим вазифасида келган *шуки* ҳавола бўлагига сабаб бўлади. Эргаш гапнинг бош гапдаги ушбу ҳавола бўлакка семантик мувофиқлиги, унинг таркибига кириши айни гапнинг содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиши ва у билан эркин алмашиниб қўллана олишини кўрсатади.

Ўзбек тилида тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол эргаш гапли кўшма гапларнинг ҳавола бўлакли турларида ҳам синтактик нейтраллашув кузатилади. Масалан, *“Сизларга шуни эслатиб ўтмоқчиманки, бу йил йиғим-терим ишлари бироз кеч бошланади”* гапи бир ҳавола бўлакли эргашган кўшма гап саналади. Бу кўшма гапнинг эргаш гапи бош гапдаги тўлдирувчи вазифасидаги ҳавола бўлакнинг мазмунига ойдинлик киритади, уни семантик жиҳатдан тўлдиради.

Мазкур эргашган кўшма гапда куйидаги икки пропозиция ифодаланган: 1. *Сизларга эслатиб ўтмоқчиман.* 2. *Бу йил йиғим-терим ишлари биров кеч бошланади.* Биринчи пропозицияда нуткий ҳаракат мавзуси ҳақида маълумот мавжуд эмас. Шу боис гапда кейинги пропозиция ифодасига зарурат туғилади. Бу пропозиция бош гапнинг семантик тўлиқлигини таъминлайди.

Бу типдаги эргашган кўшма гапларда ҳам семантик изоҳни талаб қилувчи ҳавола бўлақларнинг қўлланиши унинг нейтраллашувига сабаб бўлади. Таҳлил қилинаётган эргашган кўшма гапнинг *“Бу йил йиғим-терим ишлари биров кеч бошланишини айтмоқчиман”* мураккаблашган содда гапи билан эркин алмашилиб қўлана олиши эргашган кўшма гапнинг мураккаблашган содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашганини англатади.

Бош гапдан ҳавола бўлаги тушириб қолдирилган тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапларда ҳам нейтраллашув юз беради. Қиёсланг: *Кимки илм ўрганса қилса, ҳаётида қоқилмайди. / Илм ўрганган ҳаётида қоқилмайди.*

Ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларда ҳам бош гапдаги ҳавола бўлақка эргаш гап томонидан аниқлик киритилиши бу турдаги гапларнинг семантик жиҳатдан ўзига муқобил содда гаплар билан эркин алмашилиб қўлланишига йўл очади. Бу ҳолат ҳам бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларда, ҳам икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли эргашган кўшма гапларда кузатилади. Масалан, икки ҳавола бўлакли *“Кимки кўп ўқиса, унинг дунёқараши кенг бўлади”* аниқловчи эргаш гапли кўшма гапда эргаш гап бош гапдаги унинг аниқловчиси мазмунига аниқлик киритади. Демак, эргаш гап бош гапга семантик жиҳатдан алоқадор. Бу алоқадорлик ушбу эргашган кўшма гапни *“Кўп ўқиган одамнинг дунёқараши кенг бўлади”* содда гапига айлантириш ёки у билан эркин алмашилишига йўл очади. Эргашган кўшма гапнинг ўзига семантик жиҳатдан муқобил бўлган содда гап билан эркин алмашилиб қўлланиши унинг ушбу содда гапга нисбатан нейтрал ҳолатга келиб қолганидан далолат беради.

Англашиладики, аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларда ҳам бош гапдаги ҳавола бўлақнинг эргаш гап томонидан изоҳланиши натижасида кўшма гапнинг мазмуни бирмунча тораяди ва уни содда гап орқали ҳам баён қилиш мумкин бўлиб қолади. Бу ҳолат айни

типдаги эргашган кўшма гапларнинг содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашганини кўрсатади.

Хол эргаш гапли кўшма гапларнинг ҳавола бўлакли турларида ҳам бош гапдаги ҳавола бўлак мазмунига аниқлик киритиш эҳтиёжи бундай кўшма гапларнинг нейтраллашувига сабаб бўлади. Масалан, *“Қачон келсанг, ўшанда айтаман”* эргашган кўшма гапида бош гапдаги *ўшанда* ҳавола бўлаги семантик изоҳга мухтож. Эргаш гапнинг вазифаси мана шу эҳтиёжни қондиришдан иборат. Демак, эргаш гап бош гапга семантик жиҳатдан алоқадор, унинг семантик таркибидан ўрин олади. Бу ҳолат мазкур эргашган кўшма гапни *“Келган вақтингда айтаман”* содда гапга айлангириш ёки бу гап билан эркин алмашилиб қўлланишига имконият яратади. Эргашган кўшма гапнинг содда гап билан эркин алмашилиши унинг нейтраллашувга учраганини англатади.

Равиш, даража-миқдор эргаш гапларда ҳам ҳавола бўлақлар ҳисобига нейтраллашув юз беради. Бундай ҳолатда ҳам эргашган кўшма гап содда гап билан эркин алмашилиб қўллана олади. Қиёсланг:

1. *Деҳқонлар қандай кийимда бўлса, мен ҳам шундай кийиниб олдим.* (Т.Мурод. “Отамдан қолган далалар”) (*Деҳқонлар кийган кийимда кийиниб олдим*)

2. *Одам ўзининг ночорлигини қанчалик чуқур ҳис қилса, шунча мағрур бўларкан.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”) (*Одам ўзининг ночорлигини чуқур ҳис қилган сари янада мағрур бўларкан*)

Мисоллар қиёсидан маълум бўладики, эргашган кўшма гаплар муқобил содда гаплар билан эркин алмашилиб қўлланса-да, эргашган кўшма гапларда бош гапдаги ҳавола бўлак мазмунининг эргаш гап томонидан махсус изоҳланиши ва унинг гап урғусини қабул қилиши ифодага таъкид руҳини кўшади ва бу билан тингловчининг эътиборини ўзига қаратади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, эргашган кўшма гапларда куйидаги 2 ҳолатда нейтраллашув юз беради:

1. Эргашган кўшма гапларнинг бош гапи яхлит ҳолда модал маъно ифодалаб келса, кўшма гап содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

2. Эргашган кўшма гапларда бош гапдаги ҳавола бўлакни изоҳловчи эргаш гап бош гапнинг мантиқий-семантик таркибига мансуб бўлганда, кўшма гапнинг мазмуни тораёди ва муқобил

содда гап билан эркин алмашиниш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳолатда ҳам қўшма гап содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

Морфологик нейтраллашув. Тилнинг морфологик сатҳида нейтраллашув турли сўз туркумлари, грамматик шакллар доирасида амал қилади. Профессор А.Нурмонов ўзбек тилида равишдошнинг *-б (-иб)*, *-гунча* (ва унинг фонетик вариантлари) шаклларида ифодаланган эргаш гапнинг кесими ёки равишдош оборотлар тасдиқ – инкор белгисига кўра оппозицияга киришганда, *-б (-иб)* – *-май*, *-масдан*; *-гунча* – *-магунча* каби оппозитив қаторларни ҳосил қилиши, айрим ҳолларда оппозиция аъзоларидаги ана шундай доимий муносабат бузилиши мумкинлигини қайд этади.⁴¹

Дарҳақиқат, равишдошнинг *-б (-иб)* шакли *-май*, *-масдан* шакллари билан, *-гунча* шакли *-магунча* шакли билан бўлишли – бўлишсизликни ифодалашига кўра оппозитив муносабатда бўлади. Баъзан равишдошнинг бўлишсизликни ифодаловчи шакллари бўлишли шаклларига нисбатан зидланишга асос бўлган белгисини йўқотиб нейтраллашувга юз тутади.

А.Нурмонов бу ҳақда қуйидагиларни баён қилади: “Айрим ҳолларда оппозиция аъзоларидаги ана шундай доимий муносабат бузилиши мумкин. Бу вақтда тасдиқ ва инкор қаторга мансуб аъзоларда оппозитив белги йўқолиб, бир тасдиқ мазмун атрофида бирлашади ва мазмунан бир парадигмани ҳосил қилади. Тасдиқ ва инкор қаторлар ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўладилар.”⁴² Шунингдек, у “*Қор қишда тўй қилмай (тўй қилиб), баттар бўлгур, нокас, гов*” (А.Орипов) мисолида *тўй қилмай* конструкциясининг иккиламчи функцияда қўллангани, буни гапнинг кейинги *баттар бўлгур* қисми кўрсатиб туришини қайд этади.

Англашиладики, *-май* равишдош шаклининг иккиламчи вазифада қўлланиши нейтраллашувни юзага келтирган. Бирок мақолада *тўй қилмай* конструкциясининг иккиламчи функцияда қўлланишига туртки бўлган омил ҳақида фикр юритилмайди.

Маълумки, инкор шакл орқали тасдиқни ифода этиш ахборотнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Тилшунослиқда қўш инкор орқали қатъий тасдиқнинг

⁴¹ Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №1. – Б.50-51.

⁴² Нурмонов А. Кўрсатилган мақола.

ифодаланиши ҳақидаги хулосалар ҳам буни далиллайди. А.Орипов ҳам қора қишда тўй қилиш ҳақидаги ахборотни таъсирчан баён этишда инкор шаклдаги равишдош ўрамидан фойдаланган ва бу билан ифодада таъсирчанликка эришган. Бу ҳолат равишдош ўрамининг иккиламчи вазифада қўлланишига олиб келган. Демак, нутқ эгасининг прагматик мақсади баъзи тил бирликларининг доимий вазифасидан чекинишига ва оқибатда зиддиятдаги аъзога нисбатан нейтрал ҳолатга келиб қолишига сабабчи бўлади.

Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш жоизки, равишдошнинг *-май, -масдан* шакллари ҳар қандай ҳолатда ҳам бўлишли шаклдаги *-б (-иб)* равишдоши билан оппозитив муносабатини йўқотавермайди. Масалан, “*Ўтилган мавзунни ўзлаштирмай, уни мустаҳкамлаб бўлмайди*” гапида ҳар қандай ҳолатда ҳам *-май* аффиксли равишдош *-б (-иб)* аффиксли равишдошга нисбатан доимий оппозициясини сақлаб қолади. Худди шундай, *-гунча – -магунча* шакли равишдош ўрамлар оппозициясида ҳам доимо нейтраллашув қайд этилавермайди. Масалан: *Кўлидан тутмагунча нима дейсан?* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Ушбу гапда қўлланган бўлишсиз шаклдаги равишдош ўрами бўлишли шаклига нисбатан доимий зидланиш белгисини сақлаб қолган. Бу ҳолат куйидаги гапда ҳам кузатилади: *Қаматмагунча қўймайман, деяпти.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Маълумки, тил бирликларининг нейтраллашувига махсус лексик бирликлар, контекст, вазият каби омиллар бевосита таъсир кўрсатади. О.Эшонкулов *ҳар нима (ҳар нимани, ҳар нарсани)* белгилаш ва *уни-буни* кўрсатиш олмошларининг зидланиш белгиси йўқолиб нейтраллашуви ҳақида куйидагиларни ёзади: “Сўзлашув нутқида кўпинча *ҳар нима (ҳар нимани, ҳар нарсани)* белгилаш ва *уни-буни* кўрсатиш олмошларининг зидланиш белгиси йўқолиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Ҳар нимани гапираверма. – Уни-буни гапираверма.*

Ўзбек тилида *ҳар нима* олмоши умумдан ажратилган нарса-предметга ишора қилиш вазифасини бажаради. Аммо «*Ҳар нимани гапираверма*» мисолида гапириш ҳаракати *ҳар нима* олмоши бевосита ишора қилган нарса-предметга нисбатан қўлланмаган. Бу гапда *ҳар нима* олмоши турли предметлар (*гап, хабар* кабилар)га ишора қилади. Шу сабабли бу олмош «турли нарсалар» маъносини

англатувчи уни-буни олмоши билан эркин алмашиб кўллана олади”⁴³

Англашиладики, тил бирликларининг нутқ жараёнида нейтраллашувига турли омиллар таъсир кўрсатади. Юқорида қайд этилган бўлишсиз шаклдаги равишдош ўрамларнинг нейтраллашувига нутқ эгасининг коммуникатив мақсадини амалга оширишга йўналтирилган *-ма* аффиксининг иккиламчи вазифаси сабаб бўлади.

Ўзбек тилшунослигида морфологик сатҳда кузатилувчи нейтраллашув ходисасини монографик аспектда ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Мана шуни ҳисобга олиб, монографиянинг кейинги бўлимида бу муаммони олмош сўз туркуми доирасида ўрганишни мақсад қилиб белгиладик.

⁴³ Эшонкулов О. Ўзбек тили олмошлари оппозициясида нейтраллашув / Хорижий тилларни ўқитишнинг бугуни ва эртаси. Халқаро илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2016. – Б. 44.

II. ЎЗБЕК ТИЛИ ОЛМОШЛАРИДА ЗИДЛИК МУНОСАБАТИ

2.1. Олмошлар тадқиқининг бугунги ҳолати: талқин ва муносабат

Ўзбек тили олмошларининг морфологик, семантик-функционал хусусиятлари, этимологияси, тарихий шаклланиши, шеваларда қўлланиши билан боғлиқ жиҳатлари, услубий бўғи қабилар турли тадқиқотлар объекти бўлган. Жумладан, Ҳ.Комилова, И.Суяров, М.Асқарова, Р.Абдулаҳадова, С.Иброҳимов, Ғ.Каримовларнинг тадқиқотларида дастлаб олмошларнинг семантик-функционал хусусиятлари, морфологик белгиси, синтактик вазифаси, этимологияси ўрганилди.⁴⁴ Кейинчалик олмошларнинг тарихий шакллари, ўзбек шеваларида қўлланиши билан боғлиқ ўзига хосликлар, функционал-стилистик хусусиятлари ҳам атрофлича таҳлил этилди.⁴⁵

⁴⁴ Комилова Ҳ. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953; Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960. – №5. – Б. 56-63; Суяров И. Шаҳс олмошларининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. – №2. – Б. 33-37; Шу муаллиф. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1965; Асқарова М. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. – №4. – Б. 27-30; Асқарова М., Абдулаҳадова Р., Дониёрова Н. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Тошкент пед. институтининг илмий асарлари. 87- т., 1972; Каримов Ғ. 20-иниллар ўзбек адабий тилида олмошларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №4. – Б. 50; ва бошқалар.

⁴⁵ Нетьматов Ҳ. «Қутадғу билиг»да ўзлик олмошлари (*кэнду, өз*) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №3. – Б. 46; Шу муаллиф. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. – №1. – Б. 26-30; Содиқов Т. Тошкент области шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. – №5. – Б.43-47; Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги кинилик олмошларининг кўплик формалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. – №4. – Б. 27-31; Исабеков Б. Кишилик олмошларининг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида / ТошДУ илмий асарлари тўплами. № 648. – Тошкент, 1980. – Б. 86-91; Акрамов Т. Кишилик олмошларининг стилистик хусусиятларига доир / Лексика, стилистика ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1980. – Б. 85-91; Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарканд, 1981. – Б. 4-21; Раҳимова К. Туркманистондаги ўзбек шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. – №4. – Б. 50; Шомаксудов А., ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 115-128; Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – №3. – Б.21- 24; Шу муаллиф. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.). – Ташкент: Фан, 1991; Каримов С. Олмошларнинг функционал- стилистик чегараланиши / Ўзбек тилининг грамматик кўриниши на стилистикаси. – Самарканд: СамДУ нашри, 1992. – Б. 80-85; Убайдуллаев Б. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2006. – 21 б; Юсупова О.

Ўтган асрнинг сўнги йилларидан бошлаб олмошларининг нутқда юзага чикувчи айрим прагматик хусусиятлари, хусусан, дейктик белгисини қиёсий-типологик йўналишда ўрганишга жиддий эътибор қаратилди, олмошларнинг сўз туркумлари парадигмаси аъзолари билан ўзаро алоқаси ва кўчиши, эволюцияси масаласи ёритилди.⁴⁶

Олмошлар тадқиқига оид асосий ишлар ичида Ҳ.Комилованинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» номли китоби, И.Суяровнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида олмошлар» номли номзодлик диссертацияси алоҳида ўрин тутади. Бу ишларда олмошларнинг морфологик белги-хусусиятлари, маъно турлари, синтактик имкониятлари махсус тадқиқ этилди.⁴⁷

И.Суяровнинг қайд этилган тадқиқотида ўзбек тилида олмош сўз туркумининг мустақил туркум сифатидаги мақоми белгилаб берилди ҳамда олмошларнинг нафақат от, сифат, сон сўз туркумлари, балки равиш сўз туркуми ўрнида ҳам; айрим ҳолларда эса сўз бирикмаси, гап ва микромаъно ўрнида қўлланиши масаласига муносабат билдирилди.⁴⁸ Бу ишда ҳам бошқа ишлардаги каби олмошларнинг 7 та семантик тури ажратилди ва ҳар бир турга хос морфологик хусусиятлар бирма-бир тавсифланди.

Ўзбек тили олмошларининг морфологик белги-хусусиятлари, маъно ва тузилишига кўра турлари, синтактик вазифаси, функционал-услубий хусусиятлари юзасидан билдирилган назарий хулосалар олий ўқув юртлири учун тузилган қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, А.Н.Кононовнинг «Грамматика современного узбекского языка» (1960 й.),

Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 27 б; Шу муаллиф. Кишилик олмошларининг айрим функционал-услубий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 95-98; ва бошқалар.

⁴⁶ Рахимов С. Проблема дейксиса как категории типологической лингвистики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: Военный Краснознаменный институт, 1990. – 45 с.; Позилова Н. Иккинчи шахс олмошларининг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. – №3. – Б. 41; Элгазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 169 б; Санақулов У. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич): Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 20; Ҳажимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 174 б.

⁴⁷ Комилова Ҳ. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953; Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд 1965.

⁴⁸ Суяров И. Кўрсатилган тадқиқот.

М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловларнинг «Ўзбек тили» (1961 й.) китоби, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тузилиб 1975 йилда нашр этилган «Ўзбек тили грамматикаси» (1-жилд) китобида, Ш.Шоабдурахмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан 1980 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1975, 1992 й.); А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Кўнгуров, Ҳ.Рустамовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» (1983); Ғ.Зиқриллаевнинг «Ўзбек тили морфологияси» (1994 й.) қўлланмалари, 2001 йилда А.Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар томонидан чоп этилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси», М.Асқарова, Р.Юнусов, М.Йўлдошев, Д.Муҳамедоваларнинг «Ўзбек тили практикуми» (2006 й.) ўқув қўлланмаси, Ш.Раҳматуллаевнинг «Ҳозирги адабий ўзбек тили» (2006 й.) дарслиги, Р.Сайфуллаева ва бошқаларнинг «Ҳозирги ўзбек тили» (2007 й.), И.Мадраҳимовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология» (2008 й.) деб номланган ўқув қўлланмалари ва шу каби сўз туркумлари тадқиқига доир бошқа барча нашрий ишларда ўзбек тилидаги олмошларнинг морфологик белги-хусусиятлари, ишоравий белгиси, маъно ва тузилишига кўра турлари, гапдаги синтактик вазифаси, ҳар бир турнинг қўлланиши билан боғлиқ услубий жиҳатлар атрофлича ёритиб берилди.⁴⁹

Қайд этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўзбек тилидаги олмошлар маъно жиҳатдан асосан қуйидаги турларга ажратилди: **кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, сўроқ олмошлари,**

⁴⁹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Д.: Изд-во АНССР, 1960. – 446 б; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1961; Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.332-364; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.290-325; Шомаксудов А., ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 115-128; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 301-315; Зиқриллаев Ғ.Н. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро, 1994; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Исқандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 70-74; Асқарова М., Юнусов Р., Йўлдошев М., Муҳамедова Д. Ўзбек тили практикуми. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – Б. 144- 146; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 210-213; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г, Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент. 2007. – Б. 244-248; Мадраҳимов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. – Фарғона, 2008. – Б. 80-89; ва бошқалар.

ўзлик олмоши, белгилаш (белгилаш-жамлаш) олмошлари, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари.⁵⁰

Бу каби тасниф бошқа илмий манбаларда ҳам кузатилади. Хусусан, Б.Юсуповнинг эски ўзбек адабий тилидаги олмошлар тадқиқига бағишланган «Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.)» номли тадқиқотида ҳам олмошларнинг юқорида қайд этилган таснифи келтирилган. Фарқли жиҳати шундаки, бу ишда бўлишсизлик олмоши **инкор олмоши** тарзида номланган.⁵¹

Куйида республикаимиз мустақиллигидан сўнг олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари ва магистрлари учун тузилган айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўзбек тилидаги олмошлар талқини масаласи юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг олий ўқув юртлари талабалари учун тузилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида (1992 й.) олмошларнинг мустақил сўз туркуми эканлиги, морфологик белги-хусусиятлари, маъно турлари, гапдаги синтактик вазифаси каби масалалар чуқур таҳлил этилган. Дарслиқда олмошларнинг анъанавий тасниф асосидаги 7 та маъно тури фарқланган. Ҳар бир турнинг ўзига хос семантик-функционал хусусиятлари, морфологик белгиси, синтактик вазифаси ёритилган.⁵² Шунингдек, ушбу дарслиқда олмошлар маъноси ва хусусияти жиҳатидан қайси сўз туркуми ўрнида келишига қараб умумлашган предмет (олмош-от), умумлашган белги (олмош-сифат), умумлашган миқдор (олмош-сон) билдирувчи олмошларга ажратилган.⁵³ Назаримизда, олмошларнинг бу тарздаги таснифида уларнинг «алмашилиб қўлланиши» белгиси чеклаб қўйилган.

Ш.Раҳматуллаевнинг «Ҳозирги адабий ўзбек тили» (2006 й.) дарслигида олмошлар таҳлилида ўзгача илмий қарашлар кузатилади. Олим олмош сўз туркумини **олмош лексемалар** деб номлайди. У «бошқа туркум лексемаларига бериладиган сўрокни ва шундай лексемалар ўрнида ишлатилувчи бирликлар»ни олмошлар

⁵⁰ Монографияда мана шу тасниф асосида олмошлардаги контекстуал нейтраллашув ҳодисаси тадқиқ этилди.

⁵¹ Юсупов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Ташкент: Фан, 1991.

⁵² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 302-303.

⁵³ Қўрсатилган дарслик. – Б. 302-303.

лексемалар туркуми деб атайди.⁵⁴ Англашиладики, Ш.Раҳматуллаев олмошларни белгилашда уларнинг бирор сўз туркуми билан алмашилиб қўлланиши хусусиятига асосланади.

Бизнингча, берилган таъриф юзасидан баъзи эътирозлар туғилади. Чунки олмошларнинг барчаси ҳам бошқа туркум сўзлари ўрнида эркин алмашилиб қўлланавермайди. Жумладан, кишилик олмошларининг «алмашиб қўлланиш» белгиси чегараланган. Манбаларда «*Мен, Наргиза Ҳамидова, Тошкент шаҳрида хизматчи ошласида туғилдим*» тарзидаги гапларда мен олмошининг атоқли от билан алмашиб қўлланмаганлиги, бу олмош орқали сўзловчи ўзи шахсини алоҳида қайд этиши айтиб ўтилган.

У, бу, шу, ўша каби кўрсатиш олмошлари ҳам ҳар қандай нутқий вазиятда «алмашиб қўлланиш» белгисига эга бўлавермайди. Қиёсланг:

1. *Бўрихон* укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам бунни танишмади. (С.Аҳмад. «Қорақўз мажнун»)

2. *Лекин* нима учун бунни – бутун умр бўйи тирикчилигини ўтказиш учун маош олиб қилган ишини ўзининг ватанпарварлиги деб тақдим этиши керак. (О.Шарафутдинов. «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан»)

3. – *Бу гапнинг ҳам тўғри, ўзригина болам.* (Ғ.Ғулум. «Менинг ўзригина болам»)

Берилган мисолларнинг фақат биринчисида кўрсатиш олмоши аниқлиги гапнинг эга мавқеидаги бўлаги (*Бўрихон*) ўрнида келиб, унга ишора қилган. Кейинги гапда эса бунни олмошининг ишора маъносига аниқлик киритиш мақсадида ундан кейин ажратилган ишорат бўлак қўлланган. Сўнгги гапда ҳам кўрсатиш олмоши «алмашиб қўлланиш» вазифасини бажармаган. Мана шу хусусияти юзасидан Ш.Раҳматуллаев бу, шу, у, ўша, мана, ана лексемаларини олмош қаторидан чиқаради. Унинг фикрича, «булар ҳақиқатда кўрсатиш маъносини ифодалайди, лекин бирор лексемага олмош бўлиб келмайди. Шунга кўра буларни олмош дейиш тўғри бўлмайди, шартли равишда кўрсатиш бирликлари деб номлаш мумкин».⁵⁵ Бу ўринда савол туғилади. Кўрсатиш бирликлари олмош эмас экан, у ҳолда қайси сўз туркумига мансуб бўлади?

⁵⁴ Раҳматуллаев. Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – В.210.

⁵⁵ Кўрсатилган дарслик. – Б.212.

Олим ўзлик олмошининг ҳам бирор лексемага олмош бўлиб келмаслигини қайд этади ва шунга кўра уни таъкид бирлиги деб аташ маъқуллигини қайд этади.⁵⁶ У ҳолда таъкид бирлигининг туркумини белгилаш лозим бўлади.

Ушбу дарсликда қайси сўроқ олмошининг нутқда сифатга нисбатан қўлланиши қайд этиладики, назаримизда, бу хулоса ҳам мунозарали. Нутқда қайси олмошининг предметнинг тартибини аниқлашга нисбатан қўлланувчи нечанчи сўроқ олмоши билан эркин алмашиниши ҳам кузатилади. Қиёсланг: – *Журналда жавоб ҳам чиққан... Кўп жавоб берилди... – деди Саидий тортиниб. – Қани, қачон, қайси сонларда? – деди Кенжа ва чиққан журналларни олиб Саидийнинг олдига қўйди.* (А.Қаххор. «Сароб»)

Дарсликда ҳамма, барча, бари лексемалари олмошлар қаторидан чиқарилади. Ш.Раҳматуллаевнинг фикрича, бу лексемаларни кўп, бир талай каби миқдор равишлари қаторига қўшиш тўғри, чунки булар «мавжуд миқдордаги» каби лексик маънони англатади.⁵⁷ Албатта, ҳамма, барча, бари лексемаларида миқдор семаси мавжуд, шу билан бирга, улар нутқимизда жамликни ифодалаш вазифасини ҳам бажаради. Бу лексемаларнинг сўз ўзгартирувчи қўшимчалар билан ўзгарувчанлик хусусиятини (ҳаммамиз, ҳаммани, барчага, барчамиз, баридан, биримизга кабилар) эътиборга оладиган бўлсак, уларни равиш туркумига мансуб деб айта олмаймиз, негаки равиш туркумига мансуб сўзларнинг «ўзгармас сўзлар» эканлиги аллақачон тилшунослар томонидан илмий асослаб берилган. Шуларни инобатга олган ҳолда монографияда кўпчилик томонидан тан олинган аънавий тасниф асосидаги олмош турларини тадқиқотимиз объекти сифатида танлашни маъқул ҳисоблаймиз.

Олмошлар тавсифига доир янгича илмий талқин А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиеваларнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» (Морфология) номли ўқув қўлланмасида кузатилади. Бу қўлланмада олмошлар предмет, белги, миқдор, ҳаракат тушунчалари ҳақида аниқ маъно билдирмай, уларга ишора қилувчи сўз туркуми – **иккиламчи номлар** сифатида талқин этилган. Олмош турлари эса мавжуд илмий манбалардан фарқли

⁵⁶ Кўрсатилган дарслик. – Б.213.

⁵⁷ Кўрсатилган дарслик. – Б.210.

тарзда ифода этаётган ишоравий маъносига кўра куйидаги турларга ажратилган:

- шахсга ишора қилувчи олмошлар;
- кўрсатиш маъносини англатувчи олмошлар;
- сўраш маъносини билдирувчи олмошлар;
- таъкид, тегишлилик маъносини англатувчи олмошлар;
- жамлик англатувчи олмошлар;
- инкор англатувчи олмошлар;
- гумон англатувчи олмошлар.⁵⁸

Назаримизда, бу тасниф, қайд этилганидек, олмошларнинг ишоравий маъноси асосида амалга оширилмаган. «Сўраш маъносини билдирувчи олмошлар, таъкид, тегишлилик маъносини англатувчи олмошлар, жамлик англатувчи олмошлар, инкор англатувчи олмошлар, гумон англатувчи олмошлар» тарзида ажратилган олмош турлари ишора хусусияти асосида эмас, лексик-семантик белгиси асосида таснифланган, уларнинг ишора хусусияти таснифда акс этмаган.

Бу таснифнинг олмошлар таснифига доир аввалги таснифлардан фарқли жиҳати шундаки, унда анъанавий тарзда олмошнинг ўзлик олмоши деб номланаётган маъно тури «**таъкид, тегишлилик маъносини англатувчи олмошлар**» деб номланган. Бу ўринда ўзлик олмошининг нафақат таъкид ва тегишлиликни ифода этиши, балки эгалик аффикси билан кўлланганда (ушбу аффикснинг дейктик хусусияти таъсирида) шахс тушунчасини англатишини ҳам назардан соқит қилмаслик лозим. Масалан, «*Бизчи, Ҳошимбой, ўзимизни ўзимиз боқамиз, ўзимизни ўзимиз кишинтирамиз.*» (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб») гапида кўлланган ўзлик олмошлари сўзловчининг ўзига ишора қилади, бу олмошларни I шахс кўшликдаги *биз* кишилик олмоши билан алмаштириб бўлмайди.

Китобда бўлишсизлик олмошлари «**инкор англатувчи олмошлар**» деб аталган. Бизнингча, бўлишсизлик олмошларининг бу тарзда номланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки инкор (тасдиқ ва инкор) гапга хос муҳим белги. «**Бўлишсизлик**» термини эса муайян сўз туркумлари (фeъл, олмош) доирасида қўлланади. Бу жиҳатдан «**бўлишсизлик олмошлари**» терминининг қўлланиши

⁵⁸ Искандарова Ш. Олмош / Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.71.

мақсадга мувофиқ. Назаримизда, «**жамлик** **англатувчи олмошлар**» термини ҳам ўзини оқламаган. Чунки бу турга бирлашувчи олмошларнинг барчаси ҳам жамликни англатмайди. Масалан, *ҳар ким, ҳар қандай* кабилар.

Ушбу китобда «*Шу-шу Нарғиза бу хонадонга келмай қолди*» гапидаги *шу-шу* лексемаси вақтга ишора қилувчи, «*Сиз – унда, биз – бунда*» мисолидаги *унда, бунда* лексемалари эса ўринга ишора қилувчи олмош сифатида баҳоланган.⁵⁹

Бизнингча, ҳозирги кунда *шу-шу* лексемасининг пайт равиши (олмошнинг такроридан равиш ясалган), *унда, бунда* лексемаларининг эса (*у ерда, бу ерда* сўз бирикмалари фонетик ўзгариш асосида равишларга кўчган) ўрин равишлари сифатида баҳоланиши тўғрироқдир.

М.Асқарова, Р.Юнусов, М.Йўлдошев, Д.Муҳамедоваларнинг «Ўзбек тили практикуми» (2006 й.) ўқув қўлланмасида предмет ёки унинг бирор белгисига ном бўлмай, предмет ёки белги тушунчасининг мавжудлигини кўрсатадиган мустақил сўзлар туркумининг олмош эканлиги, олмошларнинг нутқда от, сифат, сон ўрнида келиши қайд этилади.⁶⁰

Кўринадики, берилган таърифда олмошларнинг ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодисага ишораси қайд этилмаган, олмошларнинг «алмашилиб қўлланиш» белгиси от, сифат, сон билангина чегараланиб қолган.

Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Боқиева, М.Қурбонова, З.Юнусова, М.Абузаловаларнинг «Ҳозирги ўзбек тили» (2007 й.) ўқув қўлланмасида олмошлар **бўш – ишора маъноли сўзлар** сифатида талқин этилиб, анъанавий тасниф асосида 7 та маъновий турга ажратилган. Китоб муаллифлари олмошларнинг шахс, предмет, белги, миқдор, пайт, ўрин, ҳаракат-ҳолатга ишора қилишини қайд этадилар.

Ўқув қўлланмада олмошлар талқинига оид асосли қарашлар билан бир қаторда, айрим эътирозли ўринлар кузатилади. Қўлланмада *шундай бўлмоқ, қандай қилмоқ* бирликлари ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар сифатида талқин этилган.⁶¹ Бунга

⁵⁹ Кўрсатилган китоб. – Б. 71.

⁶⁰ Асқарова М., Юнусов Р., Йўлдошев М., Муҳамедова Д. Ўзбек тили практикуми. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – Б. 144.

⁶¹ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент. 2007. – Б. 244-245.

яқин хулоса С.Мадраҳимовнинг «Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари» деб номланган китобида ҳам берилган. У шундай бўлмоқ, қандай қилмоқ бирликларини ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи лексемалар тарзида тавсифлайди.⁶² Бизнингча, шундай бўлмоқ сўз бирикмаси бўлиб, буни қуйидаги мисол орқали ҳам асослаш мумкин: «Худо менга шифо бераётгандир? Ажаб эмас шундай бўлса! (Ў.Умарбеков. «Қизимга мактублар»)

Ушбу гапда қўлланган шундай лексемаси олмош бўлиб, у олдинги гапда акс этган воқелик ифодасига ишора қилган. Қиёсланг: Ажаб эмас Худо менга шифо бераётган бўлса!

Қандай қилмоқ бирлиги эса омонимик характердаги (сўз бирикмаси ва лексема) бирлик ҳисобланади. Лексема сифатида қўлланишида кўпинча қандай қилиб равишдоши шаклида учрайди ва ҳаракатнинг номаълум ҳолати (тарзи)га ишора қилади. Фикримизни қуйидаги гаплар таҳлили асосида асослаймиз: 1. *Жамша. Аяжон, ахир мен буни қандай қиламан? Хонзода. Гап битта! Сен қиласан! (Ҳамза. «Бой ила хизматчи»)* 2. *Қандай қилиб «иннанкейин»га жавоб топиш керак? (Ғ.Ғулом. «Шум бола»)*

Биринчи гапда қўлланган қандай қиламан (қандай амалга ошираман) сўз бирикмаси, кейинги гапдаги қандай қилиб бирлиги эса яхлит ҳолда сўроқ орқали ҳаракат тарзига ишора қилувчи олмошдир.

«Ҳозирги ўзбек тили» ўқув қўлланмасида меники, буларга, ўним, ўзлари, кимга, нималар, ҳаммамиз олмошларининг ясама олмошлар⁶³ тарзида талқин этилиши ҳам ўзини оқламаган. Бизнингча, ясама олмош терминини анъанавий тарзда янги сўз яшаш жараёнига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, берилган олмошлар таркибидаги кўшимчаларнинг ҳаммаси ҳам муаллифлар қайд этганидек, «луғавий шакл ясовчи кўшимчалар» эмас.

Ўзбек тили олмошларининг илмий талқини И.Мадраҳимовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология» (2008 й.) номли ўқув қўлланмасида ҳам берилган. Бу китобда олмошларга қуйидагича таъриф берилган: «Олмошлар мустақил маъноли сўзлар каби шахс, предмет, белги ёки миқдорни билдирмай, баъзан улар ўрнида алмашишиб қўлланади, қандайдир йўл билан уларга ишора қилади,

⁶² Мадраҳимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона, 2005. –

⁶³ Сайфуллаева Р., ва бошқалар. Кўрсатилган манба. – Б. 247.

ўрни билан уларнинг ўринбосари ҳисобланади. Олмошлар муайян маъно билан умум маънонинг алмашилиб қўлланишини характерловчи сўзлардир».⁶⁴ Англашиладики, бу тавсифда олмошларнинг асосий хусусияти – ишора белгиси ҳамда алмашилиб қўлланишига эътибор қаратилган.

Ушбу китобда олмошларнинг бошқа сўз туркумларидан фаркли жиҳатлари, маъно турлари, ясалиши ва тузилиши жиҳатидан турлари, қайси сўз туркумлари ўрнида қўлланишига кўра турлари ҳамда синтактик вазифалари хусусида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Олмошларнинг лингвистик табиати шу муаллифнинг ўзбек тилидаги лексемалар таснифи масаласига оид «Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари» номли монографиясида ҳам ёритилган. Китобда ўзбек тилидаги олмошларнинг маъновий мутақилликка бетарафлиги илмий асосланган. Олим «ишоравийлик» белгиси асосида олмошларга нисбатан «ишора» терминини қўллашни маъқул кўради. Аммо у «олмош» терминидан бутунлай воз кечишни истамайди ва бу атама орқали ишораларнинг ичидаги маълум бир гуруҳни «алмаштириб», уларга «ишора қилиб келувчи гуруҳ»ни номлаганини қайд этади. И.Мадраҳимов ишораларни ўз ичида уч гуруҳга ажратади: 1) соф ишоралар; 2) олмош ишоралар; 3) нисбий ишоралар (боғловчи сўзлар).⁶⁵

Шунингдек, Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари» номли монографиясида олмош сўз туркуми от, сифат, сон ва равиш сўз туркумларининг ўринбосари сифатида талқин этилади. Китоб муаллифининг қайд этишича, «олмош табиатан от, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланидиган аташ (номинатив) хусусиятига эга эмас, ишора қилиш (ўринбосарлик) хусусиятига эга бўлган сўз туркуми ҳисобланади».⁶⁶ Аммо бу ўринда шуни айтиш жоизки, олмошларнинг барча маъно турлари ҳам от, сифат, сон ва равиш сўз туркумлари вазифасида, уларнинг ўринбосари сифатида қўллана олмайди. Айрим олмошлар гапда муайян воқеликка ишора қилади.

⁶⁴ Мадраҳимов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. – Фарғона, 2008. – Б. 80.

⁶⁵ Мадраҳимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона, 2005. – Б. 39-40.

⁶⁶ Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 30-31.

Масалан, «Энди-да... шу пулни вақтида обормаса, жиянинг соғ қолмайди, шуни биласанми?» (Х.Султонов. «Ё, Жамжид!») гапида қўлланган *шуни* олмоши юз бериши мумкин бўлган воқеликка (*пулни вақтида обормаса, жиянининг соғ қолмаслигига*) ишора қилади.

Ўзбек тилидаги олмошлар функционал-стилистик аспектда ҳам тадқиқ этилди. О.Юсупованинг «Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик ишида олмошларнинг вариантдорлиги ва синонимияси масаласи ўрганилди, олмошларда эмоционал-экспрессив оттенкаларнинг юзага келишида услубий омилларнинг аҳамияти очиб берилди.⁶⁷

Олмошларнинг лисоний белги-хусусиятлари айрим мақолаларда ҳам баён этилган. Жумладан, Д.Ҳақимовнинг «*Сиз ва сен* олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари» номли мақоласида олмошлар лексик-семантик аспектда ўрганилди.⁶⁸ Бизнингча, морфологик бирлик ҳисобланган олмошларга нисбатан лексик-семантик таҳлил усулининг татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳ.Ҳожиёвнинг «Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси» деб номланган мақоласида эса олмошларнинг лисоний-нутқий хусусиятлари текширилган. Бу мақолада «кишилиқ олмошларига шахс, сон, хослик (қарашлилиқ, эгалиқ) билан бирга, II ва III шахсда ҳурмат маъноси ҳам хос»лиги қайд этилиб, «нутқий мақсаду вазифа тингловчи (II шахс)га нисбатан ҳурмат ифодалашни тақозо қилса, гап (матн)да *сиз* ва *сизлар* олмоши қўлланиши, кесим ҳам феълнинг ҳурмат маъносини англатувчи шакллари билан ифода этилиши» баён этилган.⁶⁹ Бизнингча, кишилиқ олмошларининг ҳурматни ифодалашда қўлланиши уларнинг нутқда реаллашувчи иккиламчи вазифаси ҳисобланади. Бу жиҳатдан олмошнинг ҳурматни ифодалашда қўлланиши хусусиятини унинг бирламчи вазифаси сифатида баҳоламаслик мақсадга мувофиқ. Шунингдек, *сиз* ва *сизлар* олмоши эга вазифасида қўлланган гапларда феъл- кесимнинг ҳурмат маъносини англатувчи шакллар билан ифода этилиши

⁶⁷ Юсупова О. Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 27 б.

⁶⁸ Ҳақимов Д. *Сиз* ва *сен* олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №5. – Б. 77-79.

⁶⁹ Ҳожиёва Ҳ. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №5. – Б. 37-38.

ҳақидаги хулоса ҳам эътирозли. Бизнингча, мақолада берилган «Сиз айтинг», «Сизлар бормоқчи эдингиз», «Сиз кўрган экансиз» гапларининг феъл-кесими хурмат маъносини англатувчи шакллар билан эмас, кўчма маънода қўлланган шахс-сон қўшимчалари билан ифодаланган.

Олмошлар таҳлиliga оид илмий мақолалар ичида О.Юсупованинг «Кишилик олмошларининг айрим функционал-услубий хусусиятлари» номли мақоласи аҳамиятли. Бу мақолада кишилик олмошларининг услубий имкониятлари, функционал чегараланиши масаласига муносабат билдирилган.⁷⁰

Ўзбек тилшунослигида олмошларнинг матн таркибида боғловчилик вазифасини бажариши, олмошларнинг матн ўрнида қўллана олиши ва бу хусусияти асосида микроматнни шакллантириши масаласи тадқиқига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, М.Тўхсановнинг «Макротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи» номли тадқиқотида олмошларнинг макроматн ҳосил қилиш хусусиятлари очиб берилган.⁷¹

Мавжуд ишлар таҳлилидан маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида олмошлар тадқиқига жиддий эътибор қаратилган. Аммо олмошларнинг зиддият тизимидаги ўрни, нейтраллашуви, дейктик хусусиятлари кабиларни ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

2.1. Олмошлар парадигмаси аъзолари ички турларида зидланиш

Ўзбек тилида олмошлар куйидаги умумий белгилари асосида бир парадигмага бирлашади:

1. Олмошлар парадигмаси аъзолари дейктик (ишора қилиш, кўрсатиш) хусусиятига эга; улар бевосита шахс, нарса-предмет, белги-хусусият, миқдор, ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодисани англатмайди, балки уларга ишора қилади, кўрсатади. Олмошларнинг дейктик маъноси контекст ҳамда нутқ вазияти асосида реаллашади.

⁷⁰ Юсупова О. Кишилик олмошларининг айрим функционал-услубий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 95-98.

⁷¹ Тухсанов М. Макротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987.

2. Олмошлар парадигмаси аъзолари гапда грамматик шакллар (келишик, эгалик, кўплик кабилар)ни олиб ўзгаради, аммо бу хусусият барча турдаги олмошларга бирдек хос эмас.

3. Олмошлар парадигмаси аъзолари гапда турли синтактик вазифаларда (гап бўлаги вазифасида) кела олади.

4. Олмошлар парадигмасининг айрим аъзолари «алмашиниб қўлланиш» белгисига эга. Бундай белгига эга олмошлар гап ва уни ташкил этувчи бўлаклар билан эркин алмашиниб қўллана олади.

Қайд этилган белгилар кишилик, кўрсатиш, ўзлик, сўрок, белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошларининг ҳар бирида ўзига хос тарзда такрорланади. Бу жиҳат уларни бир умумий парадигмага – олмошлар парадигмасига бирлаштиради.

Олмошлар парадигмаси аъзолари умумий белгиси билан бирга хусусий, фарқланишга эга бўлган белгиларга ҳам эга. О.Муродуллаева олмошлар парадигмасининг айрим аъзолари нутқий қўлланишда гап бўлаги мавқеидаги муайян сўз туркуми билан эркин алмашиниб қўлланса, айримларида бу хусусият кузатилмаслигини қайд этади. Унинг фикрича, *у, улар* кишилик олмошлари нутқда от сўз туркуми билан алмашиниб қўлланса, *ҳар ким, ҳеч ким* каби олмошларда бу белги кузатилмайди.⁷²

Маълумки, олмошларнинг алмашиниб қўлланиши фақат нутқда гап (баъзан матн) таркибида амалга ошади. Демак, олмошларнинг «алмашиниб қўлланиши» белгиси уларнинг гапдаги синтактик имкониятини намоён этади. Бу жиҳатдан қараганда, олмошларнинг «алмашиниб қўлланиши»ни сўз туркуми билан боғдаш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнингча, бу ўринда олмошларнинг гап (матн) ва унинг ташкил этувчилари (бўлаклари) билан алмашиб қўлланиши хусусида баҳс юритиш ўринли. Негаки гапнинг қурилиш узварини сўз туркумлари эмас, балки гап бўлаклари ташкил этади.

О.Муродуллаева олмошлар парадигмаси аъзолари ўртасида кузатиладиган зидланишларни қуйидагича фарқлайди:

«1. Олмошларнинг ички маъно турлари фарқловчи белгилари асосида ўзaro зидлик муносабатига киришади.

⁷² Муродуллаева О. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг зидланиши. Ўзбек тилишунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б. 102-104.

2. Олмошлар парадигмаси аъзолари ўзаро муайян фарқловчи белгилари асосида зидлик муносабатига киришади». ⁷³

Дарҳақиқат, олмошлар парадигмаси аъзолари турли белгилари асосида ўзаро зидланиш муносабатида бўлади. Шунингдек, ҳар бир олмошнинг ички турлари муносабатида зидланиш кузатилади. Масалан, кишилиқ ва белгилаш олмошлари шахсларга ишора қилиш белгисига кўра ўзаро фарқли жиҳатларга эга. Мана шу фарқ асосида бу икки олмош тури зидлик муносабатида бўлади. Ўз навбатида кишилиқ олмошлари: *мен, сен, у, биз, сиз, улар* қандай шахслар (нутқ эгаси, нутқ қаратилган шахс ёки нутқдан ташқаридаги шахс)га ишора қилиши жиҳатидан ўзаро зидланиш муносабатида бўлади.

Олмошларнинг дейктик хусусияти асосида юзага чиқадиган фарқли жиҳатлари уларнинг ўзаро зидланишига сабаб бўлувчи муҳим белгилардан биридир. Дейктик белги олмошларнинг моҳиятини белгиловчи энг асосий хусусияти бўлиб, унга кўра олмошлар қандай объектга ишора қилишига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан, кишилиқ олмошларининг дейктик вазифаси шахсларни кўрсатишдир. Аммо қандай шахсларга ишора қилиши жиҳатидан кишилиқ олмошларининг турлари ўзаро фарқланади ва шу фарқловчи белгиси асосида зидлик муносабатига киришади. Қуйида ҳар бир олмош турининг қайд этилган мана шу белгиси асосида зидланиши юзасидан мулоҳазаларимизни баён этамиз.

1. Кишилиқ олмошларида ⁷⁴ **зидлик муносабати.** Кишилиқ олмошлари шахс дейксисини ҳосил қилувчи бирликлардир. Шахсларга ишора қилиши умумий белгиси бўлса, ҳар бир кишилиқ олмошининг нутқ эгаси, нутқ қаратилган шахс ёки нутқий мулоқотда иштирок этмаётган шахсга ишора қилиши, уларнинг сонини кўрсатиши фарқловчи хусусий белгилари саналади. Кишилиқ олмошларини мана шу фарқловчи белгилари асосида қуйидаги ички турларга ажратиш мумкин:

⁷³ Шу жойда. – Б. 102-104.

⁷⁴ Кишилиқ олмошлари айрим адабиётларда **шахс олмошлари** деб юритилган. Қаранг: Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд. 1965. – 32 с; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г, Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент. 2007. – Б. 245.

I. Кишилик олмошларининг нутқ эгаси, нутқ қаратилган шахс ёки нутқий мулоқотдан ташқаридаги шахсга ишора қилиши жиҳатидан турлари:

- 1) сўзловчига ишора қилувчи кишилик олмошлари;
- 2) тингловчига ишора қилувчи кишилик олмошлари;
- 3) нутқий мулоқотдан ташқаридаги шахс (ўзга)га ишора қилувчи кишилик олмошлари.

II. Кишилик олмошларининг нутқ эгаси, нутқ қаратилган шахс ёки нутқий мулоқотдан ташқаридаги ўзга шахслар сонига ишора қилиши жиҳатидан турлари:

- 1) якка шахсга ишора қилувчи кишилик олмошлари;
- 2) бирдан ортиқ шахсларга ишора қилувчи кишилик олмошлари.

Кишилик олмошлари нутқ эгаси, нутқ қаратилган шахс ёки нутқдан ташқаридаги шахсга ишора қилиши жиҳатидан фарқланганда уларнинг қуйидаги турлари ўзаро зидланишда бўлади:

1. Сўзловчи ва тингловчига ишора қилувчи кишилик олмошлари ўртасида зидлик муносабати шаклланади. Бу зидлик қуйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *мен ↔ сен, мен ↔ сиз, биз⁷⁵ ↔ сиз, биз ↔ сен*. Масалан: *Сизгамас, укажон, менга! – деди Нодир миршаб бирдан пис этган пуфакдек бўшашиб.* (З. Аълам. «Афандининг қирк бир пашшаси»)

2. Сўзловчи ва ўзга шахсга ишора қилувчи кишилик олмошлари ўртасида зидлик муносабати шаклланади. Бу зидлик қуйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *мен ↔ у, мен ↔ улар, биз ↔ у, биз ↔ улар*. Масалан: *Кишилар қарс уриб турадилар ва мени анхаралагандек қийқириб, оғиз-бурунларини қийшайтира-дилар, лекин мен уларга парво қилмай ўйинни давом эттираман...* (А. Қодирий. «Жинлар базми»)

3. Тингловчи ва ўзга шахсга ишора қилувчи кишилик олмошлари ўртасида зидлик муносабати шаклланади. Бу зидлик қуйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *сен ↔ у, сен ↔ улар, сиз ↔ у, сиз ↔ улар*. Масалан: *Улар билан итуғулланиши қизиқ, худди улар сени яхши кўргандай, билгандай, айтганларингни билиб қилаётгандай.* (Т. Тўла. «Етти зоғора»)

⁷⁵ Бу ўринда *биз* олмоши бир неча сўзловчини эмас, бир сўзловчининг бошқа шахслар билан биргаликда эканлигини англатади. Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Ҳазратуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 303.

О.Муродуллаева кишилик олмошларининг нутқий мулоқот иштирокчилари – сўзловчи ва тингловчига нисбатан қўлланиши жиҳатидан ҳам ўзаро зидланиши ҳақида фикр юритиб, учинчи шахсдаги *у*, *улар* олмошларининг нутқ жараёнидан ташқаридаги шахсларга нисбатан қўлланиши сабабли бу турдаги зидланишга бетараф бўлиши ҳақида хулоса чиқаради. Аммо *у* сўзловчи шахсга ишора қилувчи кишилик олмошларининг ўзга шахсга ишора қилувчи кишилик олмошлари билан зидлик муносабатига кириша олишини ҳам қайд этади.⁷⁶ Дарҳақиқат, тингловчи ва ўзгага ишора қилувчи *сен* ↔ *у*, *сиз* ↔ *улар* олмошлари ўртасида ҳам уларнинг қандай шахсга ишора қилишига кўра зидлик муносабати шаклланади.

Кишилик олмошлари якка шахсга ёки бирдан ортиқ шахсга ишора қилишига кўра зиддиятда бўлади. Бундай зидлик қуйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *мен* ↔ *биз*, *мен* ↔ *сиз*, *мен* ↔ *улар*, *сен* ↔ *сиз*, *сен* ↔ *биз*, *сен* ↔ *улар*, *у* ↔ *улар*, *у* ↔ *биз*, *у* ↔ *сиз*. Аммо кишилик олмошлари услубий қўлланиш талаби билан кўчма маъноларда қўлланган ҳолатларда зидланиш тизими қуйидаги кўриниш олади:

1. Бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи *биз* олмоши камтарлик, манманлик, мағрурланиш каби маъноларни ифода этиб, *мен* олмоши ўрнида келганда I шахс кўпликдаги *биз* олмоши билан зидлик муносабатига киришади: *биз* (*мен*) ↔ *биз*. Масалан: *Ҳошимжон, бугун қанақа баҳо олдинг, ўғлим? – деб сўрайди. Бешда, ойижон, бизники доим беш, – дейман.* (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб»)

2. *Биз* олмоши кўчма маънода иккинчи шахс кўпликдаги *сиз* олмоши ўрнида қўлланганда ташвиқни ифода этади.⁷⁷ Бундай вақтда бу олмош нафақат тингловчига, сўзловчининг ўзига ҳам ишора қилади. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1980 й.) китоби муаллифларининг фикрича, *биз* олмоши ташвиқни ифодалаб келганда сўзловчининг ўзи ҳам ҳаракатнинг бажарилишида қисман иштирокчи эканлиги англашилади. Дарҳақиқат, «*Қани энди биз ишга тушайлик*» гапида⁷⁸ *биз* олмоши орқали нафақат тингловчи,

⁷⁶ Кўрсатилган мақола. – Б. 102–104.

⁷⁷ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.336.

⁷⁸ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.294.

балки сўзловчига ҳам ишора қилинади. Бу белгиси жиҳатдан биз олмошининг зидланиши қуйидагича тус олади: *биз (сиз) ↔ биз*.

3. *Сиз* олмоши кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *сен* олмоши ўрнида қўлланиб, кесатикни ифода этганда шахс ва унинг сонига ишораси нуқтаи назаридан ўз маъно ва вазифасида келган кўпликни акс эттирувчи *сиз* олмоши билан зидланади: *сиз (сен) ↔ сиз*. Масалан: *Сиз хонимча ақлли-ю, мен катта бўлсам ҳам, оми эканман-да!* (Сўзл.)

Шуниси характерлики, *сиз, сен* кишилиқ олмошлари бадиий нутқда нарса-ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланади.⁷⁹ Бундай ҳолатда *сиз, сен* олмошлари шахсларга нисбатан қўлланган *сиз, сен* олмошлари билан зидланади: *сиз (нарса-предмет) ↔ сиз (шахс), сен (нарса-предмет) ↔ сен (шахс)*

4. *Сиз* олмоши нутқда хурматни ифода этиб, кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *сен* олмоши ўрнида келганда шахс ва унинг сонига ишораси нуқтаи назаридан ўз маъно ва вазифасида қўлланган кўпликни акс эттирувчи *сиз* олмоши билан зидланади: *сиз (сен) ↔ сиз*. Масалан: – *Абдул Ҳамид, шу ривоятни бир дoston қилмайсизми?... Сиз буни жуда эплардингиз.* (С.Ахмад. «Жимжитлик»)

5. *Сен* олмоши нутқда кўчма маънода шахснинг ўзига муурожаатини ифода этиб, биринчи шахс бирликдаги *мен* олмоши вазифасида келганда ўз маъно ва вазифасида қўлланган бирликни акс эттирувчи *сен* олмоши билан зидланади: *сен (мен) ↔ сен*. Масалан: *Сен, нима деган одам бўлдинг энди, – деди ойнага қараб.* (Сўзл.)

6. *Улар* олмоши кўчма маънода хурматни ифода этиб, учинчи шахс бирликдаги *у* олмоши ўрнида келганда шахс ва унинг сонига ишораси нуқтаи назаридан ўз маъно ва вазифасида қўлланган кўпликни акс эттирувчи *улар* олмоши билан зидланади: *улар (у) ↔ улар*. Масалан: *Улар менинг бобомлар.* (Сўзл.)

7. **Кўрсатиш олмошларида зидлик муносабати.** Кўрсатиш олмошлари нутқда нарса-предмет, уларга хос белги-хусусиятни кўрсатиш вазифасини бажаради.

Инглиз илмий-техник матнининг дейктик воситалари тадқиқи ўрнида иш олиб борган А.Шерматов кўрсатиш олмошларининг

⁷⁹ Бу ҳақда қаранг: Юсупова О. Кишилиқ олмошларининг айрим функционал-ривож хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 98.

мантикий алоқа воситаси сифатида матннинг актуал бўлишини учун ҳам қўлланишини, матннинг турли хил бўлақларининг айнан ўхшашлигини аниқлаш вазифасини бажариши, бундан ташқари, нутқ бирлиги элементларини фарқлаш учун ҳам ишлатилишини кайд этади.⁸⁰

Ўзбек тилшунослигига оид илмий манбаларда *у* (*ул*), *бу* (*бул*), *шу* (*шул*), *ўша* (*ўшал*), *ушбу*, *ундай* (*унақа*, *ундоқ*), *бундай* (*бунақа*, *бундоқ*), *шундай* (*шунақа*, *шундоқ*), *ана*, *мана*, *мана бу* (*манави*), *мана шу*, *ана бу* (*анави*), *ана шу*, *ана у* олмошлари кўрсатиш олмошлари сифатида баҳоланади.⁸¹ Сўзлашув нутқида *хў*, *хўв*, *хўв*, *хўв ана*, *ҳов ана* кўрсатиш олмошлари ҳам фаол қўлланади.

Кўрсатиш олмошлари шахс, нарса-предмет, уларга хос белгилар хусусиятни кўрсатиши жиҳатидан умумий белгисини намоён этса; моҳиятан узоқ ёки яқиндаги шахс, нарса-предмет, уларга хос белгилар хусусиятни кўрсатишига кўра фарқланади. Мана шу хусусий белгиси асосида кўрсатиш олмошларининг куйидаги турлари ўзаро зидлик муносабатига киришади:

1. Яқин ва узоқ масофадаги шахс, нарса-предметларни кўрсатувчи олмошлар ўзаро зидланади: *бу* (*бул*), *шу* (*шул*), *ушбу* ↔ *у* (*ул*), *ўша* (*ўшал*); *мана* ↔ *ана* (*ҳов ана*); *мана бу* (*манави*), *мана шу* ↔ *ана у*, *ана ўша*; *ана бу* (*анави*), *ана шу* ↔ *ана у*, *ана ўша*. Масалан: *Абдукарим бу гапларни ўша режаларнинг амалга ошмай қолиши кўрқувидан эзилиб айтди.* (З.Аълам. «Афандининг қирқ бир пашшаси»)

2. Яқин ва узоқ масофадаги шахс, нарса-предметлар белгилар хусусиятини кўрсатувчи олмошлар ўзаро зидланади: *бундай* (*бунақа*, *бундоқ*) ↔ *ундай* (*унақа*, *ундоқ*); *шундай* (*шунақа*, *шундоқ*) ↔ *ундай* (*унақа*, *ундоқ*); *мана бундай* (*мана бунақа*) ↔ *ана ундай* (*ана унақа*); *мана шундай* (*мана шунақа*) ↔ *ана ундай* (*ана унақа*). Мисолларни қиёсланг:

1. У томондан тоғ ортидан қуёш кўтариляпти. (С.Аҳмад. «Жимжитлик») – Бу томондан сиз тоққа кўтариляпсиз. (С.Аҳмад. «Жимжитлик») 2. Бу ҳам ўшалардан эди. (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

⁸⁰ Шерматов А.А. Инглиз илмий-техник матнида дейксининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарканд, 2008. – Б. 32.

⁸¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 307.

Баъзи кўрсатиш оломошлари кўшма гаплар таркибида нисбий сўз вазифасида келиб, сўроқ, белгилаш, бўлишсизлик оломошлари билан зидланиш муносабатига киришади. Бундай зидланиш эргашган кўшма гаплар тахлилига оид илмий манбаларда қайд этилган.⁸² Қиёсланг: *ким (кимки) – у (ўша), ҳар кимки – у (ўша), ҳеч нарса – у (ўша), қанча – шунча* кабилар.

3. Сўроқ оломошларида зидлик муносабати. Илмий манбаларда сўроқ оломошларининг шахс, нарса-предмет, белги, миқдор, вақт, мақсад, сабаб, ўринга нисбатан сўроқни англатиши қайд этилади.⁸³ Бизнингча, бу турдаги оломошлар сўроқ орқали номаълум шахс, нарса-предмет, белги, миқдор, вақт, мақсад, сабаб, ўрин кабиларга ишора қилади. Сўроқ орқали номаълум шахс, нарса-предмет, белги, миқдор кабиларга ишора қилиш бу турдаги оломошларнинг умумий хусусияти бўлса, сўроқ орқали айнан нимага ишора қилиши хусусий жиҳати ҳисобланади. Хусусий белгилари асосида сўроқ оломошлари зидланиш муносабатига киришади. Масалан, ўзбек тилида сўроқ орқали номаълум нарса-предмет ва шахсларга ишора қилувчи оломошлар ўзаро фарқланиб, шу белгиси асосида ўзаро зидликни ҳосил қилади. Бундай зидликни қуйидагича тасвирлаймиз: **номаълум шахсга ишора қилувчи ва номаълум нарса-предметга ишора қилувчи сўроқ оломошлари зидланиши:** *ким ↔ нима*. Қиёсланг: *Кимни айтяпсан?* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси») *«Қора амма», ичингизда нима бор?* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»)

Сўроқ оломошларининг ўзаро зидланиши сўроқ орқали номаълум шахс – белги, шахс – миқдор, нарса-предмет – белги, белги – миқдор кабиларга ишора қилувчи оломошлар муносабатида ҳам кузатилади. Масалан, *ким* оломоши сўроқ орқали номаълум шахсга ишора қилиши жиҳатидан сўроқ орқали номаълум белгига ишора қилувчи *қандай (қанақа)* оломоши билан зидланади. Ёки *нима* оломоши сўроқ орқали номаълум нарса-предметга ишора қилиб,

⁸² Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960; Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 251; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 178-180.

⁸³ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.343; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 302; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 309.

сўроқ орқали номаълум миқдорга ишора қилувчи қанча (*нечта*) олмоши билан зидлик муносабатига киришади.

Айрим сўроқ олмошлари эргашган кўшма гаплар таркибида кўрсатиш, ўзлик олмошлари билан зидланади. Бундай зидланиш кўпинча куйидаги олмошлар ўртасида шаклланади: *ким* (*кимки, кимдаки, кимда ким*) – *у* (*ўша, ўзи*), *кимнинг* – *унинг* (*ўшанинг*), *кимни* – *уни* (*ўшани*), *кимга* – *унга* (*ўшанга*), *кимда* – *унда* (*ўшанда*), *кимдан* – *ундан* (*ўшандан*), *нима* (*нимаики*) – *шу* (*ўша*), *нимани* – *шуни* (*ўшани*), *ниманинг* – *ўшанинг*, *қандай* – *шундай* (*шунақа*), *қанча* – *шунча*, *қанчалик* – *шунчалик* (*шу даражада*).⁸⁴

Қиёсланг: *Ахир ҳаёт қанча ширин бўлса, умр шунча қисқа, инсон шунча ожиз.* (У.Ҳамдам. «Исён ва итоат»)

4. Ўзлик олмошида зидланиш муносабати. Маълумки, ўз ўзлик олмоши эгалик аффиксларини қабул қилиб, шахсни, баъзан предметни кўрсатади. Ўзлик олмоши кишилик олмошлари ўрнида қўлланганда шахслар ва уларнинг сонига ишора қилиш хусусиятига эга бўлади.

Эгалик аффиксларини қабул қилган ўзлик олмошининг шахсларга ишора қилиши умумий жиҳати бўлса (нарса-предметга ишора қилувчи *ўзи* олмоши бундан мустасно), шахслар ва уларнинг сонига ишорасига кўра фарқланиши хусусий жиҳати саналади. Ўзлик олмошлари мана шу фарқловчи белгилари асосида ўзаро зидлик муносабатига киришади. Бундай зидликни куйидагича тасвирлаймиз: **якка шахсга ва бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи ўзлик олмошлари зидланиши:** *ўзим* ↔ *ўзимиз*, *ўзинг* ↔ *ўзингиз*, *ўзи* ↔ *ўзлари*.

Якка ва бирдан ортиқ шахсга ишора қилиш белгиси асосидаги зидланиш *ўзим* – *ўзингиз*, *ўзим* – *ўзлари*, *ўзинг*–*ўзимиз*, *ўзинг* – *ўзлари*, *ўзи* – *ўзимиз*, *ўзи* – *ўзингиз* жуфтлигида ҳам кузатилади. Масалан, «*Ўзи кўчириб олиб кетди*» (С.Аҳмад. «Жимжитлик») гапида қўлланган *ўзи* олмоши якка шахсга ишора қилиши жиҳатидан бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи *ўзлари* олмоши билан зидлик муносабатига киришади.

Сўзловчи ёки тингловчига нисбатан қўлланиши жиҳатидан ҳам ўзлик олмошлари ўзаро зиддиятда бўлади. Яъни, *ўзим*, *ўзимиз* олмошлари сўзловчини; *ўзинг*, *ўзингиз* олмошлари эса тингловчини

⁸⁴ Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 310.

англантиши жихатидан зидлик муносабатига киришади: *ўзим (мен) ↔ ўзинг, ўзингиз (сен, сиз), ўзимиз (биз) ↔ ўзинг, ўзингиз (сен, сиз)*. Қиёсланг: *Ўзинг-чи, ўзинг! Қизимни узатай деяпман-у, нима жин уриб менга илакишиб юрибсан?! (Х.Дўстмухаммад. «Беозор қушнинг қарғиши»)*

Ўзлик олмоши нутқда кўчма маънода қўлланганда зидланиш тизимида куйидаги ҳолат кузатилади:

1. *Ўзлари* олмоши кесатикни ифода этиб, иккинчи шахс бирликдаги *ўзи* олмоши ўрнида келганда, шахснинг сонига ишорасига кўра ўз маъно ва вазифасида қўлланган *ўзлари* олмоши билан зидлик муносабатига киришади. Бундай зидланиш куйидагича тус олади: якка шахсга ва бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи ўзлик олмошларининг зидланиши: *ўзлари (ўзинг) ↔ ўзлари, ўзлари (ўзи) ↔ ўзлари*. Мисолларни қиёсланг: *Ҳа, дарвоқе, бундай нишон тақмаган одам бор экан... Бутун мамлакат бўйича яккаю ягона! Ўзлари! Камтарликни қаранг, балли-е! (Э.Аъзам. «Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати»)*

2. *Ўзлари* олмоши ҳурматни ифода этиб, учинчи шахс бирликдаги *ўзи* олмоши ўрнида қўлланганда шахснинг сонига ишора қилишига кўра шу вазифадаги *ўзлари* олмоши билан зидлик муносабатига киришади. Бундай зидликни куйидагича тасвирлаш мумкин: якка шахсга ва бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи ўзлик олмошларининг зидланиши: *ўзлари (ўзи) ↔ ўзлари*. Қиёсланг: ... *Мухокамага ўрин йўқ, шахсан Ўзлари кўриб берганлар! (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи»)*

Худди шундай, *ўзингиз* олмоши ҳам кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *ўзинг* олмоши ўрнида қўлланиб, ҳурматни ифода этганда шахснинг сонига ишора қилиши жихатидан *ўзингиз* олмоши билан зидлик муносабатига киришади. Яъни: *ўзингиз (ўзинг) ↔ ўзингиз*. Масалан, *«Генерал, ўзингиз бир шугулланиб қўйинг» (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)* гапида қўлланган *ўзингиз* олмоши бирликдаги иккинчи шахсга ишора қилади ва шу белгиси асосида бирдан ортиқ шахсларга ишора қилувчи *ўзингиз* олмоши билан зидланади.

3. *Ўзинг* олмоши кўчма маънода биринчи шахс бирликдаги *ўзим* олмоши ўрнида қўлланиб, сўзловчининг ўзига мурожаатини ифода этганда қандай шахсга ишора қилишига кўра шу вазифадаги *ўзинг* олмоши билан зидлик муносабатига киришади. Бундай зидликни

белгиларини намоён қилади. Фарқли белгилар гумон олмошларининг зидланиши учун асос бўлади. Масалан, тахмин қилинган шахсларга ишора қилувчи гумон олмошлари тахминий нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар билан зидлик муносабатига киришади. Бундай зидлик қуйидаги олмошлар ўртасида шаклланади: *аллаким (аллакимса) ↔ алланима (алланарса), кимдир ↔ нимадир, биров ↔ нимадир*. Қиёсланг: *Аллаким келди. Нимадир тарақлади*.

Гумон олмошлари тахмин қилинган шахс – белги, нарса-предмет – белги ёки белги – миқдор кабиларга ишора қилиши жиҳатидан ҳам ўзаро зидланади. Бундай зидланиш қуйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *аллаким (аллакимса, кимдир, биров) – аллақандай (қандайдир), алланима (алланарса, нимадир) – аллақандай (қандайдир), аллақандай (қандайдир) – аллақанча (қанчадир)*. Масалан, «*Кўлида нимадир бор эди, қандайдир кимса бунни пайқаб уни ёнига имлади*» гапида қўлланган *нимадир, қандайдир* олмошлари нима эканлиги ноаниқ нарса-предмет ва номаълум хусусиятли шахсга ишора қилиши жиҳатидан фарқланади. Мана шу фарқли белги уларнинг зидланиши учун асос бўлади.

Хуллас, ўзбек тилида олмошларнинг ички турлари ҳам фарқловчи белгилари асосида ўзаро зидлик муносабатида бўлади.

2.2. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг ўзаро зидланиши

Юқорида олмошларнинг дейктик хусусияти, гап ва унинг бўлаклари билан эркин алмашилиб қўлланиши (аммо бу хусусият барча турдаги олмошларга бирдек хос эмас), гапда келишик, кўплик, эгалик кўрсаткичларини олиб ўзгариши (бу хусусият ҳам барча турдаги олмошларга бирдек хос эмас) олмошлар парадигмаси аъзоларида такрорланувчи умумий прагматик-функционал, грамматик белгилар эканлиги қайд этилган эди. Олмошлар парадигмаси аъзолари бу каби белгилари асосида умумий парадигмага бирлашса-да, хусусий белгилари асосида зидлик муносабатига киришади.

Ш.Искандарова инкор англаувчи олмошларнинг (бўлишсизлик олмошларининг) бошқа турдаги олмошлар билан тасдиқ ёки

инкорни англатиши нуқтаи назаридан ўзаро оппозицияга киришувини қайд этар экан, *мен, сиз, бу, мана, қандай, қачон* олмошларининг тасдиқ белгиси, *ҳеч нима, ҳеч вақт* олмошларининг эса инкор белгиси асосида ўзаро зидланишини чизма орқали кўрсатган.⁸⁷

Ўзбек тилидаги олмошлар парадигмаси аъзолари, асосан, куйидаги фарқловчи белгилари асосида ўзаро зидлик муносабатига киришади:

1. Олмошлар парадигмаси аъзолари дейктик белгиси асосида зидлик муносабатига киришади.

2. Олмошлар парадигмаси аъзолари морфологик белгиси – келишик, эгалик, кўплик шакллари қабул қилиши даражасига кўра зидлик муносабатига киришади.

3. Олмошлар парадигмаси аъзолари гап ва уни ташкил этувчи бўлақлар билан «алмашилиб қўлланиш» белгиси асосида зидлик муносабатига киришади.

2.2.1. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг дейктик хусусияти асосида ўзаро зидланиши

Маълумки, олмошларнинг барча турлари дейктик хусусиятга эга, улар воқелик ва унинг элементларини бевосита номламайди, фақат уларга ишора қилади. Бу хусусияти асосида олмошларнинг анъанавий тилшуносликда ажратилган барча турлари (кишилик, кўрсатиш, сўроқ, ўзлик, белгилаш, бўлишсизлик, гумон олмошлари) олмошлар парадигмасига бирлашади.

Аммо олмошларнинг қайд этилган бу турлари айнан қандай объектга ишора қилиши, уни кўрсатиши жиҳатдан фаркли белгиларига эга. Масалан, кишилик олмошлари шахсларга ишора қилса, кўрсатиш олмошлари шахслар билан бир қаторда, нарсас-предметларга ҳам ишора қила олади. Бундай фаркли белгилар олмош турларининг ўзаро зидланишига сабаб бўлади.

Ўзбек тилидаги олмошларни дейктик белгиси асосида куйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шахсларга ишора қилувчи олмошлар.
2. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар.

⁸⁷ Искандарова Ш. Олмош / Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 74.

3. Белгига ишора қилувчи олмошлар.
4. Миқдорга ишора қилувчи олмошлар.
5. Ўринга ишора қилувчи олмошлар.
6. Пайтга ишора қилувчи олмошлар.
7. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар.

1. Шахсларга ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Ўзбек тилида қуйидаги олмошларнинг шахсларга ишораси кузатилади:

- кишилиқ олмошлари: *мен, сен, у, биз, сиз, улар*;
- ўзлик олмошнинг эгалиқ кўрсаткичларини қабул қилиб, шахсларга ишора қилувчи морфологик шакллари: *ўзим, ўзинг, ўзи...*;
- кўрсатиш олмошларининг шахсларга ишора қилувчи турлари: *у, шу, ўша, мана бу...*;
- сўроқ олмошларининг сўроқ орқали номаълум шахсларга ишора қилувчи тури: *ким*;
- белгилаш олмошларининг шахсларга ишора қилувчи турлари: *ҳамма, барча, бари, ҳар ким, ҳар кимса*;
- гумон олмошларининг ноаниқ шахсларга ишора қилувчи турлари: *кимдир, аллақим, биров гумон олмошлари*;
- бўлишсизлик олмошларининг шахсларнинг инкорига ишора қилувчи турлари: *ҳеч ким, ҳеч кимса*.

Шахсларга ишора қилувчи бу турдаги олмошлар сўзловчи, тингловчи ёки ўзгага ишораси, уларнинг сонини кўрсатиши, шахсларнинг инкори ёки тасдиғига ишора қилиши жиҳатидан фарқланади ва ўзаро зидлик муносабатида бўлади.

Сўзловчи, тингловчи ёки ўзгага ишораси жиҳатидан шахсларга ишора қилувчи олмошларнинг қуйидаги турлари ўзаро зидланади:

1. Кишилиқ ва ўзлик олмошлари ўзаро зидланади. Бу зидланишда кишилиқ ва ўзлик олмошлари: а) сўзловчи ва тингловчига ишораси (*мен ↔ ўзинг (ўзингиз), биз ↔ ўзинг (ўзингиз)*); б) сўзловчи ва ўзгага ишораси (*мен ↔ ўзи (ўзлари), биз ↔ ўзи (ўзлари)*); в) тингловчи ва сўзловчига ишораси (*сен ↔ ўзим (ўзимиз), сиз ↔ ўзим (ўзимиз)*); г) тингловчи ва ўзгага ишораси (*сен ↔ ўзи (ўзлари), сиз ↔ ўзи (ўзлари)*) жиҳатидан ўзаро зидланади.

2. Сўроқ ва кишилиқ олмошлари ўзаро зидланади. Шахсларга ишора қилувчи сўроқ ва кишилиқ олмошларининг ўзаро зидланиши улар қўшма гап қисмлари орасида бир-бирини тақозо этувчи ҳавола бўлақлар вазифасида қўлланганда янада

ойдинлашади. Бу вазифада куйидаги олмошлар қўлланади: *ким* (*кимки, кимдаки*) ↔ *у* (*уни, унинг, унга, унда, ундан*).

3. Белгилаш ва кишилик олмошлари ўзаро зидланади. Шахсларга ишора қилувчи белгилаш ва кишилик олмошлари ўртасида зидлик муносабати улар қўшма гап қисмлари орасида ҳавола бўлақлар вазифасида қўлланганда шаклланади. Бундай зидлик куйидаги олмошлар муносабатида кузатилади: *ҳар ким* (*ҳар кимки*) ↔ *у* (*уни, унга, ундан*).

Шахсларга ишора қилувчи олмошлар сўзловчи, тингловчи ёки ўзганинг сонини кўрсатиши жиҳатидан ҳам фарқланиб, ўзаро зидлик муносабатига киришади. Бундай зидлик куйидаги олмош турлари ўртасида шаклланади:

1. Белгилаш ва ўзлик олмошлари ўзаро зидланади. Шахслар ва уларнинг сонига ишора қилувчи белгилаш олмошлари ва эгалик кўшимчасини қабул қилиб шахс ва унинг сонига ишора қилувчи ўзлик олмошлари муносабатида ҳам зидлик кузатилади. Бундай зидланишида бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи *ҳамма, барча, бари* белгилаш олмошлари якка шахсга ишора қилувчи *ўзим, ўзинг, ўзи* ўзлик олмошлари билан зидланади. Қиёсланг: *ҳамма (барча, бари)* ↔ *ўзим, ҳамма (барча, бари)* ↔ *ўзинг, ҳамма (барча, бари)* ↔ *ўзи*. Масалан: *Ҳамма кетди. Ўзим қолганимни сезмай қолибман.*

Ш.Искандарованинг қайд этишича, «ишора қилиш, шахсга ишора умумий бўлса, *ўзинг* олмошида яккалик (*фақат ўзинг*), *ҳамма* олмошида жамлик (*гуруҳ, тўда*) ифодалари микдор зидланишини юзага чиқаради».⁸⁸ Бу ўринда *ҳамма* олмошининг фақат бирликдаги эгалик кўшимчаларини қабул қилган ўзлик олмошлари билан зидланишини алоҳида қайд этиш жоиз. Негаки кўшиқдаги эгалик кўшимчаларини қабул қилган ўзлик олмоши яккаликни англатмайди. Қиёсланг: *ўзим* ↔ *ўзимиз, ўзинг* ↔ *ўзингиз, ўзи* ↔ *ўзлари*.

2. Белгилаш ва кишилик олмошлари ўзаро зидланади. Зидланишнинг бу турида бирдан ортиқ шахсларга ишора қилувчи *ҳамма, барча, бари* белгилаш олмошлари якка шахсга ишора қилувчи *мен, сен, у* кишилик олмошлари билан зидлик муносабатига киришади: *ҳамма (барча, бари)* ↔ *мен, ҳамма (барча, бари)* ↔ *сен, ҳамма (барча, бари)* ↔ *у*.

⁸⁸ Бу ҳақда қаранг: Искандарова Ш. Олмош / Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.73.

Олмошлар парадигмаси аъзолари шахсларнинг инкори ёки тасдиғига ишора қилиши жиҳатидан ҳам зидлик муносабатига бўлади. Бундай зидлик қуйидаги олмошлар ўртасида шаклланади:

1. Бўлишсизлик ва кишилик олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш шахсларнинг инкорига ишора қилувчи бўлишсизлик олмошлари ва сўзловчи, тингловчи ёки ўзгага тасдиқ йўли билан ишора қилувчи кишилик олмошлари муносабатига шаклланади: *ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ мен, ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ сен, ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ у, ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ биз, ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ сиз, ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ улар.*

2. Бўлишсизлик ва белгилаш олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш шахсларнинг инкорига ишора қилувчи бўлишсизлик олмошлари ва жамликдаги шахсларни ҳамда жамликдан ажратиб белгиланган шахсларга ишора қилувчи белгилаш олмошлари муносабатига шаклланади: *ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ ҳамма (барча, бари), ҳеч ким (ҳеч кимса) ↔ ҳар ким (ҳар кимса).*

3. Бўлишсизлик ва кўрсатиш олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш шахсларнинг инкорига ишора қилувчи бўлишсизлик олмошлари ва узоқ ёки яқин масофадаги шахсларга тасдиқ орқали ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари муносабатига шаклланади. Қиёсланг: *ҳеч ким ↔ бу (шу, ўша, манави, анави...), ҳеч кимса ↔ бу (шу, ўша, манави, анави...)*

4. Бўлишсизлик ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш мавжуд бўлмаган ҳамда тахмин қилинган шахсларга ишора қилувчи қуйидаги олмошлар муносабатига кузатилади: *ҳеч ким ↔ аллаким (кимдир, биров), ҳеч кимса ↔ аллаким (кимдир, биров)*

II. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Ўзбек тилида нарса-предметларга ишора қилувчи олмошларга учинчи шахс эгалик қўшимчасини қабул қилиб, нарса-предметни кўрсатувчи ўзи олмоши, *у, ўша, мана бу, ана у...* кўрсатиш олмошлари, *нима* сўроқ олмоши, *ҳар нима, ҳар нарса* белгилаш олмошлари, *нимадир, алланима, алланарса* гумон олмошлари ва *ҳеч нима* бўлишсизлик олмоши киради.

Нарса-предметга ишора қилувчи олмошларнинг қайд этилган барча турлари доим ҳам ўзаро зидланавермайди. Бу олмошлардан айримлари қўшма гап таркибида ҳавола бўлақлар вазифасида

қўлланганда зидланиш муносабати аниқ кўзга ташланади. Бундай зидлик сўроқ ва кўрсатиш, белгилаш ҳамда кўрсатиш олмошлари муносабатида кузатилади:

1. Сўроқ ва кўрсатиш олмошлари ўзаро зидланади. Нарса-предметга ишора қилувчи сўроқ ва кўрсатиш олмошларининг куйидаги турлари гап таркибида ҳавола бўлак вазифасида қўлланиб, ўзаро зидланади: *нима (нимани) ↔ шуни (уни, унга, ундан)*. Масалан: *Нима эксанг, шуни ўрасан.* (Мақол)

2. Белгилаш ва кўрсатиш олмошлари ўзаро зидланади. Нарса-предметга ишора қилувчи белгилаш ва кўрсатиш олмошларининг куйидаги турлари кўшма гап таркибида ҳавола бўлак вазифасида қўлланиб, ўзаро зидланади: *ҳар нима (ҳар нимани...) ↔ у (у нарса, ўша нарса, ўша), ҳар нарса (ҳар нарсани...) ↔ у (у нарса, ўша нарса, ўша)*. Масалан: *Ҳар нимани деяверма, бир кунни у бошингга бало бўлади.* (Сўзл.)

Нарса-предметга ишора қилувчи олмошлар нарса-предметларнинг инкори ёки тасдиғига ишора қилиши жиҳатидан фарқланганда ҳам ўзар зидлик муносабатига киришади. Ушбу белгига кўра ўзбек тилида куйидаги олмошлар зидланиши кузатилади:

1. Бўлишсизлик ва кўрсатиш олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш нарса-предметларнинг инкорига ишора қилувчи *ҳеч нима, ҳеч нарса* бўлишсизлик олмошлари ва вокеликнинг мавжуд нарса-предметларини кўрсатувчи *у, шу, ўша, мана бу, мана шу* кўрсатиш олмошлари ўртасида шаклланади. Қиёсланг: *ҳеч нима ↔ у (шу, ўша, мана бу, мана шу...), ҳеч нарса ↔ у (шу, ўша, мана бу, мана шу...)*. Масалан: *Уйда ҳеч нима йўқ. – Уйда фақат мана шу бор.*

2. Бўлишсизлик ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Бу тарздаги зидланиш нарса-предметларнинг инкорига ишора қилувчи *ҳеч нима, ҳеч нарса* бўлишсизлик олмошларининг тахминий нарса-предметларга ишора қилувчи *нимадир, алланима* гумон олмошлари билан муносабатида кузатилади. Қиёсланг: *ҳеч нима ↔ нимадир, ҳеч нарса ↔ алланима*. Масалан: *Ҳеч нима олмадим. – Алланима олдим.*

III. Белгига ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Белгига ишора қилувчи олмошларга *ундай, бундай, мана шундай...* каби айрим кўрсатиш олмошлари, *қандай, қанақа* сўроқ олмошлари,

V. Ўринга ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Ўзбек тилида ўринга ишора қилувчи олмошларга *қаер* (*қаерга, қаерда...*), *қани* олмошлари, *ҳар ер* (*ҳар ерга, ҳар ердан...*) белгилаш олмоши, *ҳеч қаер* (*ҳеч қаерга, ҳеч қаерда...*) бўлишсизлик олмоши, *аллақаер, қаердир* гумон олмошлари киради. Бундай олмошлар инкор қилинган ўринга ёки тахминий ўринга ҳамда сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилиши жиҳатидан хусусий белгиларини намоён этади. Зидланиш куйидаги олмошлар ўртасида кузатилади:

1. Бўлишсизлик ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш ўриннинг мавжудлигига нисбатан инкорни англатувчи *ҳеч қаер, ҳеч қаерга...* бўлишсизлик олмошлари ва тахминий ўринга ишора қилувчи *аллақаер, қаергадир...* гумон олмошлари муносабатида кузатилади. Қиёсланг: *ҳеч қаер* ↔ *аллақаер* (*қаергадир...*) Масалан: *У ҳеч қаерда қўним топмади. – У аллақаерда қўним топди.* (Сўзл.)

2. Сўроқ ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Бу турдаги зидланиш сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилувчи *қаер* (*қаернинг, қаерни...*) олмоши ва тахминий ўринга ишора қилувчи *аллақаер* (*аллақаернинг...*), *қаергадир* (*қаердадир...*) олмошлари муносабатида кузатилади. Қиёсланг: *қаер* ↔ *аллақаер...* Масалан: *Сен қаерда тунамоқчисан? – У қаердадир тунамоқчи бўляпти.* (Сўзл.)

3. Сўроқ ва бўлишсизлик олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилувчи *қаер* (*қаернинг, қаерни...*) олмоши ва ўриннинг мавжудлигига нисбатан инкорни англатувчи *ҳеч қаер* (*ҳеч қаернинг, ҳеч қаерни...*) бўлишсизлик олмоши муносабатида кузатилади. Қиёсланг: *қаер* ↔ *ҳеч қаер...*

VI. Пайтга ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Пайтга ишора қилувчи олмошлар гуруҳига *қачон* сўроқ олмоши, *қачондир* (*қачонлардир*) гумон олмоши, *ҳеч қачон* бўлишсизлик олмоши киради. Ушбу олмошлар ҳам хусусий белгиси – сўроқ орқали номаълум пайтга ишора қилиши, инкор ёки тахминий пайтга ишораси жиҳатидан фарқланиб ўзаро зидлик муносабатига киришади:

1. Бўлишсизлик ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Бу турдаги зидланиш пайтга нисбатан инкорга ишора қилувчи *ҳеч қачон* бўлишсизлик олмоши ва тахминий пайтга ишора қилувчи

қачондир (қачонлардир), аллақачон олмошлари ўртасида шаклланади. Қиёсланг: ҳеч қачон ↔ қачондир (қачонлардир). Масалан: **Қачонлардир** бормаган эдинг. – **Ҳеч қачон** бормагансан. (Сўзл.)

2. Сўроқ ва бўлишсизлик олмошлари ўзаро зидланади. Бундай зидланиш сўроқ орқали номаълум пайтга ишора қилувчи қачон сўроқ олмоши ва пайтнинг инкорига ишора қилувчи ҳеч қачон бўлишсизлик олмоши муносабатида шаклланади. Қиёсланг: қачон ↔ ҳеч қачон. Масалан: **Қачон... қачон** сўнади бу олов?... (У.Ҳамдам. «Исён ва итоат») – **Ҳеч қачон** сўнмайди бу олов.

3. Сўроқ ва гумон олмошлари ўзаро зидланади. Зидланишнинг бу кўриниши сўроқ орқали номаълум пайтга ишора қилувчи қачон сўроқ олмоши ва тахминий пайтга ишора қилувчи қачонлардир, аллақачон гумон олмошлари муносабатида шаклланади. Қиёсланг: қачон ↔ қачонлардир, қачон ↔ аллақачон.

VII. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар зидланиши. Ўзбек тилида ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошларга шу вазифада қўлланувчи айрим кўрсатиш олмошлари (*шу, шуки, шундаки*), шунингдек, баъзи сўроқ олмошлари (*қайси, нима қилмоқ, нима бўлмоқ.. кабилар*) киради. Бу олмошлар ҳаракат-ҳолатни кўрсатиши ёки сўроқ орқали номаълум ҳаракат-ҳолатга ишора қилиши жихатидан бир-биридан фарқланиб, ўзаро зидлик муносабатига киришади. Англашиладики, бундай зидлик **кўрсатиш ва сўроқ олмошлари** муносабатида кузатилади.

Кўрсатиш ва сўроқ олмошларининг ўзаро зидланиши ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи *шу (шул), шундай, бундай...* олмошлари ва сўроқ орқали номаълум ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи *нима қилиш, нима қилган...* олмошлари муносабатида кузатилади. Қиёсланг: *шу(ки) ↔ нима қилиш*. Масалан: *Ниятинг шуми ўзи? (Ниятинг қайтиб кетишими ўзи?) – Ниятинг нима қилиш ўзи?* (Сўзл.)

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, қайд этилган кўрсатиш ва сўроқ олмошларининг ҳаракат-ҳолатга нисбатан қўлланиши умумий хусусияти бўлса, бирининг ҳаракат-ҳолатни кўрсатиши, иккинчисининг сўроқ орқали номаълум ҳаракат-ҳолатга ишора қилиши хусусий белгисидир. Мана шу хусусий белгилар ҳар икки олмошнинг ўзаро зидлик муносабатига киришуви учун асос бўлади.

Айрим кўрсатиш олмошларининг ҳаракат-ҳолатга ишора қилиши қўшма гаплар таркибида нисбий сўз вазифасида қўлланганида яққол кўзга ташланади. Масалан, «*Мусобақадан мақсад шуки, у орқали кучлиларни аниқлаб оламиз*» гапида қўлланган *шуки* олмоши «саралаб олиш» ҳаракатига ишора қилган.

Маълум бўладики, олмошларнинг дейктик белгисига кўра умумий ва фарқли жиҳатларини белгилашда ҳар бир турининг ўз имкониятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Чунки ишора қилиш белгиси ўзбек тилидаги олмошлар турларида ўзаро фарқланади.

Қуйидаги жадвалда олмошларга хос дейктик хусусиятни акс эттирамиз:

1-жадвал

№	Олмошларнинг маъно турлари	Олмошларнинг дейктик белгиси асосида фарқланиши						
		Шахсга ишора қилали.	Нарса-предметга ишора қилади.	Белгига ишора қилали.	Микдорга ишора қилали.	Ўринга ишора қилади.	Пайтга ишора қилали.	Ҳаракат-ҳолатга ишора қилади.
		1	2	3	4	5	6	7
1.	Кишилик олмошлари: <i>мен, сен, биз, сиз, у, улар</i>	+	-	-	-	-	-	-
2.	Кўрсатиш олмошлари: а) <i>у, бу, шу, ўша, ана, мана...</i> ; б) <i>ундай, бундай, шундай, ўшандай, мана бундай...</i> ; в) <i>унча, бунча, шунча, ўшанча...</i>	+	+	-	-	-	-	+
		-	-	+	-	-	-	-
		-	-	-	+	-	-	-

3. Сўрок олмошлари: а) ким; б) нима; в) қандай, қанақа, қайси; г) қанча, нечта, нечанчи; д) қани, қаер...; е) нима қилди, нима бўлди...; ж) қачон...	+	-	-	-	-	-	-
4. Ўзлик олмоши: а) ўз; б) ўзим, ўзинг, ўзимиз, ўзингиз, ўзи, ўзлари	-	-	+	-	-	-	-
5. Белгилаш олмошлари: а) ҳар ким (ҳар кимса); б) ҳар нима (ҳар нарса); в) ҳар қандай, ҳар қанақа...; г) ҳар қанча; д) ҳар қаер...; е) ҳар қачон...; ж) ҳамма, барча, бари, жами...	+	-	-	-	-	-	-
6. Бўлишсизлик олмошлари: а) ҳеч ким (ҳеч кимса); б) ҳеч нима (ҳеч нарса); в) ҳеч қандай, ҳеч қанақа...; г) ҳеч қанча; д) ҳеч қачон; е) ҳеч қаер...	+	-	-	-	-	-	-

7.	Гумон олошлари:							
	а) аллаким, кимдир, бирова;	+	-	-	-	-	-	-
	б) алланима, нима-дир;	-	+	-	-	-	-	-
	в) аллақандай, аллақанақа...;	-	-	+	-	-	-	-
	г) аллақанча, қанча- дир...;	-	-	-	+	-	-	-
	д) аллақачон, қачон- лардир ...;	-	-	-	-	-	-	-
	е) аллақаер, қаер- лардир...	-	-	-	-	+	+	-

Жадвалдан маълум бўладики, шахс ва нарса-предметларга ишора қилиш барча олош турларида кузатилмайди. Аммо бу белги олошларнинг деярли ҳамма ички турларида қайд этилади.

Белгига ишораси жиҳатидан кишилиқ олошлари фарқланади, қолган олошларнинг ички маъно турларида бу белги кузатилади.

Миқдорга ишораси жиҳатидан кишилиқ, ўзлик олошлари бетараф, қолган олошларнинг ички маъно турларида бу белги кузатилади.

Ўринга ишора қилиш белгисига сўроқ, бўлишсизлик, белгилаш ва гумон олошларининг айрим ички турларига хос. Қолган олошларда бу белги кузатилмайди.

Пайтга ишораси жиҳатидан эса шу вазифада қўлланадиган сўроқ ва гумон олошлари кучли белгини, қолган олошлар эса фарқли белгисини намоён қилади.

Ҳаракат-ҳолатга ишораси жиҳатидан эса фақат айрим кўрсатиш ва сўроқ олошлари бу белгига эга бўлиб, қолган олошларда ҳаракат-ҳолатга ишора қайд этилмайди.

2.2.2. Олошларнинг морфологик белгиси (келишиқ, эгалиқ, кўплиқ шакллари қабул қилиши даражаси)га кўра зидланиши

Ушбу белги асосида ўзбек тили олошларини куйидагича фарқлаш мумкин:

1. Келишиқ, кўплиқ, эгалиқ шакллари олиб ўзгарувчи олошлар.

2. Келишик, кўплик, эгалик шакллари олиб ўзгармайдиган олмошлар.

Ўзбек тилида кишилик (*мени, сенга...*), ўзлик (*ўзини, ўзимга...*), айрим сўроқ (*кимни, нимани, қаерга...*), кўрсатиш (*шунга, бунга...*), белгилаш (*ҳаммани, ҳар кимга...*), бўлишсизлик (*ҳеч кимни, ҳеч нимадан...*) ва гумон олмошлари (*аллакимни, кимгадир...*) нутқда келишик кўшимчаларини қабул қилиб қўлланади. Аммо бу олмошларнинг эгалик ва кўплик кўшимчалари билан қўлланишида эҳдиётли жиҳатлар кузатилади.

Олмошларнинг келишик, кўплик, эгалик шакллари олиб ўзгариши парадигмасини куйидаги жадвал орқали кўрсатамиз:

2-жадвал

№	Олмош турлари	Олмошларнинг келишик, кўплик, эгалик шаклларига муносабати		
		Келишик шакллари қабул қилиб ўзгаради.	Эгалик шакллари қабул қилиб ўзгаради.	Кўплик шакли қабул қилиб ўзгаради.
		1	2	3
1.	Кишилик олмошлари	+	-	+ -
2.	Кўрсатиш олмошлари	+ -	+ -	+ -
3.	Сўроқ олмошлари	+ -	+ -	+ -
4.	Ўзлик олмоши	+	+	+ -
5.	Белгилаш олмошлари	+ -	+ -	+ -
6.	Бўлишсизлик олмошлари	+ -	+ -	-
7.	Гумон олмошлари	+ -	+ -	+ -

Жадвалдан кўринадики, фақат кишилик ва ўзлик олмошларининг келишик кўшимчаларини қабул қилиш белгиси

кучли. Қолган олмошларнинг ҳамма турлари ҳам (*қандай, шундай, ҳеч қайси...* кабилар) бу белгига тўлиқ эга эмас.⁹⁰

Олмошларининг эгалик кўшимчаларини қабул қилиш белгисиде эса зиддиятли ҳолатлар анча. Фақат ўзлик олмошининг эгалик кўшимчаларини қабул қилиш белгиси кучли, қолган олмошларда бу белги нисбатан кучсиз. Масалан, *ўша, қандай, аллақандай* кўрсатиш, сўроқ, гумон олмошлари бевосита эгалик кўшимчаларини қабул қилмайди. Шунингдек, кишилик олмошлари ҳам нутқда эгалик кўшимчалари билан қўлланмайди.

Кўплик кўшимчасини қабул қилиш белгисига кўра бўлишсизлик олмошларидан бошқа барча олмошлар нисбатан кучли белгига эга, бўлишсизлик олмошларида эса бу белги намоён бўлмайди.

2.2.3. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг «алмашилиб қўлланиш» белгисига кўра фарқланиши

Олмошлар парадигмаси аъзолари «алмашилиб қўлланиш» белгисига кўра умумий ва фарқли жиҳатларга эга.

Илмий адабиётларда олмошларнинг «алмашилиб қўлланиши» деганда кўпинча уларнинг от, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланиши назарда тутилади.⁹¹ Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тузилган «Ҳозирги ўзбек тили» китобида олмошларнинг нафақат от, сифат, сон, равиш ўрнида; балки феъл, тақлид, ундовлар, гап ва матн ўрнида қўлланиши қайд этилади.⁹²

Ўзбек тили олмошларининг «алмашилиб қўлланиши» белгиси бошқа илмий манбаларда ҳам қайд этилган. И.Мадраҳимов тилшунослигимизда қатор олмошларнинг қандай сўзларини «алмаштириши» ҳануз аниқланмаганини қайд этади. У бир неча мисол келтириб, уларда қўлланган *кимдир, нимадир, қайсидир, қанчадир* каби гумон олмошларининг; *ҳеч ким, ҳеч қандай* бўлишсизлик олмошлари, *нима, қанча, қачон* каби сўроқ

⁹⁰ Жадвалда берилган +– рамзи қайд этилган белги олмошнинг фақат айрим маъно турига хослигини англатади.

⁹¹ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.334; Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 290; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 301.

⁹² Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент. 2007. – Б. 245.

олмошларнинг бирор бир сўзни «алмаштирмаслигини» кўрсатади.⁹³

И.Мадраҳимов олмошларни мана шу хусусияти асосида қуйидаги гуруҳларга ажратади: 1) бирор сўзни алмаштириб, унинг ўрнида келадиган олмошлар; 2) ҳеч қандай сўзни алмаштирмай, шахс, нарса, предмет ва ҳ.к.ларни атамай, уларга ишора қилувчи олмошлар.⁹⁴

Маълум бўладики, «алмашиниб қўлланиш» белгиси олмошларнинг энг асосий ва бирламчи белгиси эмас. Негаки бу белги олмошлар парадигмаси барча аъзоларига бирдек хос хусусият эмас. Бу ўринда олмошларнинг «алмашиниб қўлланиш» белгиси хусусидаги ўз қарашларимизни баён этиб ўтаемиз.

Аввал ҳам қайд этиб ўтганимиздек, олмошларнинг «алмашиниб қўлланиши» белгиси нутқда матн (гап) таркибида амалга ошади. Бунда олмошларнинг синтактик вазифаси юзага чиқади. Шу сабабли олмошларнинг «алмашиниб қўлланиши»ни сўз туркуми билан боғлаш унчалик тўғри эмас. Гапнинг қурилиш узварини сўз туркумлари эмас, балки гап бўлаклари ташкил этишини назарда тутиб, олмошларнинг «алмашиниб қўлланиши» деганда уларнинг гап, гапни ташкил этувчи бўлақлар билан алмашинишини назарда тутиш лозим бўлади.

Ўзбек тилида «алмашиниб қўлланиш» белгисига эга олмошларни гап ва уни ташкил этувчи бўлақлар билан эркин алмашиниб қўлланиши жиҳатидан қуйидагича фарқлаш мумкин:

- 1) гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар;
- 2) гапнинг аниқловчи мавқеидаги бўлаги билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар;
- 3) гапнинг тўлдирувчи мавқеидаги бўлаги билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар;
- 4) гапнинг ҳол мавқеидаги бўлаги билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар;
- 5) гапнинг кесим мавқеидаги бўлаги билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар;
- 6) гапнинг ундалма ва кириш қурилмалари билан алмашиниб қўлланувчи олмошлар.

⁹³ Мадраҳимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона, 2005.

⁹⁴ Мадраҳимов И. Кўрсатилган асар. – Б. 38.

Гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашилиб олмошларга асосан учинчи шахс бирлик ва кўпликдаги *у, улар* кишилик олмошлари; эгалик кўшимчаларини қабул қилган *ўзи, ўзлари* олмошлари; *ким, нима, қаер* сўроқ олмошлари; *у, бу, ўша, мана бу, ана бу...* кўрсатиш олмошлари киради. Англашиладики, олмошларининг ҳаммаси ҳам гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан бирдек эркин алмашилиб қўлланавермайди. Жумладан, биринчи ва иккинчи шахс, бирлик ва кўпликдаги *мен, сен, биз, сиз* кишилик олмошларининг гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланиши деярли чегараланган. «*Камина (мен) қўл силтадим*» типидagi айрим гаплардагина кишилик олмошининг «алмашилиб қўлланиш» белгиси кузатилади. Аммо учинчи шахс, бирлик ва кўпликдаги *у, улар* кишилик олмошларининг «алмашилиб қўлланиш» белгиси анча кучли.

Шунингдек, ўзлик олмоши ва унинг *ўзим, ўзинг, ўзимиз, ўзингиз* каби морфологик шакллари ҳам гапнинг шахс маъносини англаувчи эга мавқеидаги ҳар қандай бўлаги билан эркин алмашилиб қўллана олмайди. Бу хусусият белгилаш, бўлишсизлик, гумон олмошларига ҳам хос.

Ўзлик олмошининг фақат учинчи шахс, бирлик ва кўпликдаги шакллари гапнинг шахс, нарса-предметларни англаувчи эга вазифасидаги бўлаги билан эркин алмашилиб қўллана олади. Масалан, «*Ўзи вақти-вақти билан ўчиб, ёниб туради*» гапида қўлланган *ўзи* олмоши эга мавқеидаги нарса-предметни англаувчи бўлак билан эркин алмашилиб қўлланган.

Гапнинг аниқловчи мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашилиб қўлланувчи олмошларга предмет белгисига ишора қилувчи *у, бу, ўша, мана шу, шунча, ўшанча, мана шунча...* каби айрим кўрсатиш олмошлари ҳамда сўроқ орқали номаълум белгига ишора қилувчи *қандай, қанақа, нечта, нечанчи, қанча* сўроқ олмошлари киради. Қиёсланг: *Тунов кунги (ўша) воқеани яна эслатдим. Ёшлигимда кўп (қанча) одамлардан туртки едим.*

Гапнинг тўлдирувчи мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашилиб қўлланувчи олмошларга *уни, унга..., уларни, уларга...* кишилик олмошлари, *ўзи, ўзига...* ўзлик олмошлари, *шуни, ўшани, шунга, унда...* кўрсатиш олмошлари, *кимни, кимга, нимадан, нечадан...* сўроқ олмошлари киради. Бу олмошлардан баъзиларининг кўшма гаплар таркибида нисбий сўзлар вазифасида

ҳам қўлланиши илмий манбаларда қайд этилган.⁹⁵ Қиёсланг: *Хатни (уни) ўқиши билан ёқиб юборди.* (Сўзл.)

Гапнинг ҳол мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашиниб қўлланувчи олмошларга *шундай, шунақанги, шунча, ўшанча...* кўрсатиш олмошлари киради. Бу олмошларнинг ҳам қўшма гаплар таркибида нисбий сўзлар вазифасида ҳам қўллана олиши маълум. Қиёсланг: *Унинг йиғилиб қолган бир талай (шунча) дарди борлигини билмабман.*

Гапнинг кесим мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашиниб қўлланувчи олмошларга кесимлик шакллари қабул қилган кўрсатиш олмошлари киради. Гапнинг кесими энг кичик гапни ташкил этгани сабабли бундай вақтда олмошнинг гап билан эркин алмашиниб қўлланиши ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин бўлади. Қиёсланг: *Мақсади шу: бор ҳақиқатни тиклаш // Мақсади – бор ҳақиқатни тиклаш.*

Гапдаги ундалма ва кириш қурилмалар билан эркин алмашиниб қўлланувчи олмошларга айрим кўрсатиш, сўроқ, кишилиқ олмошлари киради. Қиёсланг: *1. Ҳой бола, нималар деясан? – Ҳой сен, нималар деясан? 2. Тўғри, унинг гапларида жон бор. – Шундай, унинг гапларида жон бор. 3. Мулоҳазаларингизга қараганда, бу қалтис иш. – Сизнингча, бу қалтис иш.*

Англашиладики, ўзбек тилида олмошлар гап ва унинг ташкил этувчи бўлаклари билан эркин алмашиниб қўллана олиши жиҳатидан фарқли белгиларига эга бўлади. Олмошларнинг бу белгисига кўра умумий ва фарқли жиҳатларини умумлаштираемиз.

Кишилиқ ва ўзлик олмошларининг асосан учинчи шахс бирлик ва кўпликдаги шакллари «алмашиниб қўлланиш» белгисига кўра умумий жиҳатларини намоён қилади. Бу олмошларнинг гапнинг эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва кесим мавқеидаги бўлаклари билан эркин алмашиниб қўлланиш белгиси кучли бўлса, ҳол мавқеидаги бўлаги билан эркин алмашиниб қўлланиши кучсиз белги ҳисобланади. Парадигма аъзолари ичида фақат кўрсатиш ва сўроқ олмошларининг «алмашиниб қўлланиш» белгиси кучли. Шунингдек, белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошлари «алмашиниб қўлланиш» белгисига кўра умумийликни ҳосил

⁹⁵ Қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 185.

килади. Бу олмошларнинг ҳеч қайсисида «алмашилиб қўлланиш» белгиси кузатилмайди.

Кўринадики, «алмашилиб қўлланиш» белгисига кўра ўзбек тилидаги олмошлар парадигмаси аъзоларининг ҳам умумий, ҳам фарқловчи жиҳатлари кузатилади. Олмошларнинг бу белгисига кўра умумий ва фарқли жиҳатларини куйидаги жадвалда умумлаштирамиз:

3-жадвал

№	Олмошларнинг маъно турлари	Олмошларнинг «алмашилиб қўлланиш» белгиси					
		Гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар	Гапнинг аниқловчи мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар	Гапнинг тўлдирувчи мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар	Гапнинг ҳол мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар	Гапнинг кесим мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар	Гапнинг ундалма ва кириш қурилмалари билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар
		1	2	3	4	5	6
1.	Кишилик олмошлари: у, улар	+	+	+	-	+	+
2.	Кўрсатиш олмошлари	+	+	+	+	+	+
3.	Сўрок олмошлари	+	+	+	+	+	+
4.	Ўзлик олмоши: ўзи, ўзлари	+	+	+	-	+	-
5.	Белгилаш олмошлари	-	-	-	-	-	-

6.	Бўлиш- сизлик олмош- лари	-	-	-	-	-	-
7.	Гумон олмош- лари	-	-	-	-	-	-

Жадвалдан маълум бўладики, кишилик ва ўзлик олмошларининг фақат учинчи шахс бирлик ва кўпликдаги шакллари «алмашилиб қўлланиш» белгисига кўра умумий жихатларини намоён қилади. Бу олмошларнинг гапнинг эга, аниқловчи, тўлдирувчи, кесим мавқеидаги бўлаклари билан «алмашилиб қўлланиш» белгиси кучли бўлса, ҳол билан алмашинуви кучсиз белги ҳисобланади.

Парадигма аъзолари ичида фақат кўрсатиш ва сўрок олмошларининг «алмашилиб қўлланиш» белгиси кучли. Шунингдек, белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошлари «алмашилиб қўлланиш» белгисига кўра умумийликни ҳосил қилади. Бу олмошларнинг ҳеч қайсисида «алмашилиб қўлланиш» белгиси кузатилмайд.

III. ЎЗБЕК ТИЛИ ОЛМОШЛАРИДА НЕЙТРАЛЛАШУВ

3.1. Олмошлар зидланиш белгисининг нейтраллашуви

Тил бирлигига хос зидланиш белгисининг нейтраллашуви масаласи муайян нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши лозим. Негаки тил бирлигининг зидланиш белгиси нутқ жараёнида нейтраллашади. Ўзбек тилидаги айрим олмошлар ҳам муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланишдаги олмош билан эркин алмашилиб қўллана олиш хусусиятига эга бўлади.

Олмошларнинг ўзаро зидланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Олмошлар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади, аммо зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлмайди.

2. Олмошлар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолади.⁹⁶

Биринчи ҳолатда олмошнинг зидланиш учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолади, аммо бунинг натижасида зидланувчи аъзо билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолмайди. Олмошнинг нутқда ҳосил бўлган иккиламчи белгиси зидланувчи аъзо билан эркин алмашилиб қўлланишига имкон бермайди. Масалан, «*Мана, уруш бошланганига ҳам бир йилдан ошди...*» (Ғ.Ғулом. «Шум бола») гапида қўлланган мана олмоши модал маъно касб этганлиги сабабли *ана, ана шу, ўша, шундай, шунча...* кўрсатиш олмошлари билан зидланиш белгисини йўқотган. *Мана* олмоши айтилган гапда олмошлар парадигмаси аъзолари билан зидланиш белгисини йўқотган бўлса-да, улар билан бир хил функционал-семантик қийматга эга бўлиб қолмайди. Шу

⁹⁶ Лутфуллаева Д., Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар зидланиш белгисининг мўътадиллашуви / Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.- метод. статей в 24 частях. Часть 24. – Ташкент. Узб. науч.- иссл. инст. пед. наук им. Кары- Ниязи. 2009. – С.13-15; Ушбу мақола О.Муродуллаева томонидан қуйидаги журнал ва тўпламларда такрор эълон қилинган. Қаранг: Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар мўътадиллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2010. – № 3. – Б.78-79; Шу муаллиф. Олмошлар парадигмаси аъзолари зидланишида мўътадиллашув // Фан ва таълим. 2010. – Б.105-107.

сабабли ушбу гапда мана олмоши зиддиятдаги олмошлар билан эркин алмашилиб қўллана олмайди.

Иккинчи ҳолатда олмошнинг зидланиши учун асос бўлган бирламчи фарқловчи белгиси йўқолиб, нейтраллашади ва зидланувчи аъзо билан тенг семантик-функционал қийматга эга бўлади. Бундай ҳолатда олмош зидланишдаги олмош билан эркин алмашилиб қўллана олади. Қиёсланг: *Бугун ҳеч ким борадими? – Бугун кимдир (бирор, бирон кимса) борадими?*

Ушбу гапда *бориш* ҳаракатининг бирор шахс томонидан амалга оширилиш-оширилмаслиги ҳақидаги сўроқ акс этган. Гапда қўлланган *ҳеч ким* олмоши мавжуд бўлмаган шахсни англатмайди. Бу олмош иккиламчи вазифада ноаниқ шахсга ишора учун қўлланган. Натижада *ҳеч ким* олмоши шахсга нисбатан гумонни англатувчи *кимдир (бирор)* олмоши билан зидланиш белгисини йўқотган ва нейтраллашувга учраган.

Олмошларда зидланиш учун асос бўлган белгининг йўқолиб, зидланувчи аъзо билан функционал-семантик жиҳатдан тенг бўлиб қолиши, яъни нейтраллашувига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Олмошларнинг нутқ эгасининг коммуникатив мақсадига боғлиқ тарзда иккиламчи вазифада қўлланиши.
2. Олмошларнинг тилда барқарор ҳолга келиб қолган турли модал маъноларни ифодаловчи синтактик қурилмалар таркибида келиши.

Олмошлар зидланиши учун асос бўлган белгининг йўқолиши асосий ҳолларда уларнинг нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида юз беради. Олмошларнинг нутқда иккиламчи вазифасини юзага чиқарувчи омиллардан бири уларнинг кўчма маънода қўлланишидир.

Олмошлар нутқда кўпинча хурмат, менсимаслик, манманлик, камтарлик каби қўшимча маъноларни юзага чиқаришда қўлланади. Баъзан услуб талаби ёки нутқнинг мантикийлигини таъминлаш, ифодадаги таъсирчанликни ошириш мақсадида олмошларга иккиламчи вазифа юклатилади. Бундай ҳолатда олмошларнинг нутқий қўлланишга хос иккиламчи вазифаси юзага чиқади. Масалан, «*Нозим ҳеч кимни писанд қилмай қўйди*» гапидаги *ҳеч ким* олмоши иккиламчи вазифада – ҳамма олмоши ўрнида қўлланган. Қиёсланг: *Нозим ҳаммани писанд қилмай қўйди.*

Кўринадики, *ҳеч ким* олмоши иккиламчи вазифада қўлланганлиги боис писанд қилмаслик ҳаракатининг «шахслар мавжудлигининг инкори»ни англатувчи *ҳеч ким* олмошига нисбатан қўлланиши мантиқсизликни юзага келтирмаган. *Ҳамма* олмоши ўрнида *ҳеч ким* олмошининг қўлланиши натижасида ифодада таъсирчанликка эришилган, Нозим писанд қилмаган шахсларнинг қолмаганлиги маъноси бўрттирилган.

Ўзбек тилида олмош иштирокида тузилган бугунги кунга келиб барқарор ҳолга келиб қолган ёки барқарорлашаётган *шу десангиз, шундай қилиб* каби синтактик қурилмалар мавжуд. Бундай бирликлар таркибида қўлланган олмошлар ўз вазифасидан узоқлашган бўлиб, олмошлар билан зидлик муносабатига киришмайди. Масалан: *Шундай қилиб, десангиз, бувижон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди.* (Ғ.Ғулум. «Менинг ўғригина болам»)

Маълум бўладики, олмошларнинг нутқда иккиламчи вазифалари юзага чиқади. Олмошларнинг нутқдаги иккиламчи вазифалари кўпинча уларнинг нейтраллашувига сабабчи бўлади.

Нейтраллашув ўзбек тили олмошларига бирдай хос хусусият эмас. Бу нутқий ҳодиса: а) олмошлар парадигмаси аъзоларининг ички маъно турлари муносабатида; б) олмошлар парадигмаси турли аъзолари муносабатида қайд этилади.⁹⁷ Қуйида мана шу масалалар бўйича текширувларимиз натижаларини баён этамиз.

3.1.2. Шахсларга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Шахсларга ишора қилиш белгиси кишилиқ олмоши (*мен, сен, у...*), эгалиқ кўшимчаларини қабул қилган ўзлик олмоши (*ўзим, ўзинг...*) белгилаш (*ҳар ким, ҳамма...*), бўлишсизлик (*ҳеч ким*), кўрсатиш (*у, шу, ўша, анави...*), сўроқ (*ким*), гумон олмошлари (*аллаким, кимдир...*) га хос умумий белгидир. Аммо қандай шахсга ишора қилиши жихатидан бу олмошлар фарқли белгиларини

⁹⁷ Бу ҳақда қаранг: Лутфуллаева Д., Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар зидланиш белгисининг мўъгадиллашуви / Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.-метод. статей в 24 частях. Часть 24. – Ташкент. Узб. науч.-иссл. инст. пед. наук им. Кары-Ниязи. 2009. – С.13-15.

намоён қилади ва мана шу фарқловчи белгиси асосида зидланиш муносабатига киришади.

Шахсларга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида икки ҳолат кузатилади: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

I. Шахсларга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Шахсларга ишораси жиҳатидан *мен, сен, биз, сиз, улар* кишилиқ олмошлари нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади.

Мен олмоши *менга қара (менга қаранг), менга қолса, менга деса, менман деган* иборалари таркибида сўзловчи шахсга ишора қилиш вазифасидан узоқлашади. Бундай ҳолатда *мен* олмошининг тингловчи шахсларга ишора қилувчи *сен, сиз* олмошлари билан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: *Менга қаранг, бойвачча! – Бобом тажанглик билан бўйинини чўзди.* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшиқ ораси»)

Берилган гапда *менга қаранг* ибораси сўзловчининг модал муносабатини акс эттиришга хизмат қилган. Бунинг натижасида *мен* олмошининг тингловчи шахсларга ишора қилувчи кишилиқ олмошлари билан зидланиш белгиси йўқолган.

Сен олмоши кўчма маънода шахснинг ўзига мурожаатини англатиб, биринчи шахс бирликдаги *мен* олмоши вазифасида келганда сўзловчи ёки тингловчи шахсга ишора қилиши жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Энди сен қандай одам бўлдинг, Отамурод?! – дедим ўзимга.*

Биз олмоши кўчма маънода камтарлик, манманлик, мақтаниш ёки ғурурланиш, ғўдайиш кабиларни ифода этиб, биринчи шахс бирликдаги *мен* олмоши ўрнида қўлланганда, шахснинг сонига ишораси жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Ога, мана бу бизнинг Полвон акамиз бўладилар, ўзлари қўқонлик, атайлаб мени деб келган меҳмон.* (Ғ.Ғуллом. «Нетай»)

Ушбу гапда қаратқич келишигидаги *биз* олмоши *мен* олмоши ўрнида қўлланган ва ғурурланишни ифода этган. Бунинг натижасида бирдан ортиқ шахсга ишора қилувчи *биз* олмоши яқка шахсни ифодаловчи *мен* олмошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотган.

Илмий манбаларда *биз* олмошининг *мен* олмоши ўрнида турли мақсадларда, хусусан, илмий услубда камтаринлик, сўзлашув

нуткида фахрланиш, катта кетиш маъноларини ифода этишда қўлланиши ҳақида маълумотлар учрайди.⁹⁸

О.Юсупованинг қайд этишича, илмий матнда баъзан мен ёки унинг ўрнида келиши лозим бўлган *биз* олмоши умуман қўлланмаслиги ҳам мумкин. Аммо маъно гапда бошқа бўлакларга қўшилган *-миз* кўшимчаси орқали англашилаверади.⁹⁹

Дарҳақиқат, бу ўринда мисол тариқасида берилган «*Ишимизда ёритилиши керак бўлган масала ҳозирги кунгача тилшуносликда қўлланиб келинган методлар ёрдамида тадқиқ этилади*» жумласида биринчи шахс бирлик маъноси кўчма маънода қўлланган *-миз* кўшимчаси орқали юзага чиққан.

Биз олмоши кўчма маънода ташвиқни ифода этиб, иккинчи шахс кўпликдаги *сиз* олмоши ўрнида қўлланганда эса сўзловчи ёки тингловчи шахсга ишора қилиши жиҳатидан *сиз* олмошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Болалар, биз ҳам ёзамиз.*

Куйидаги ҳолатларда *сиз* олмошининг зидланиш белгиси йўқолади:

а) *сиз* олмоши кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *сен* олмоши ўрнида қўлланиб, кесатик, кинояни ифодалаганда шахс ва унинг сонига ишораси нуктаи назаридан бу олмошга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: «*Сиз*» пулдор бўлиб қолгансиз, биламан. (Сўзл.);

б) *сиз* олмошининг ҳурматни ифода этиб, кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *сен* олмоши ўрнида келиши меъёрий ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолатда *сиз* олмоши шахс ва унинг сонига ишораси жиҳатидан *сен* олмошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Сиз билан Сайидраҳимнинг ўзи сўзлашаётибди.* (Ғ.Фуллом. «Нетай»)

Нутқда *улар* олмошининг ҳам ҳурматни ифода этишда қўлланиши кузатилади. Бундай ҳолатда *улар* олмоши учинчи шахс бирликдаги *у* олмоши ўрнида келади ҳамда шахс ва унинг сонига ишораси ишораси жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Улар менинг дадамлар бўладилар.* (Сўзл.)

⁹⁸ Қўнғуров Р. Олмош стилистикаси. / Шомақсудов А., ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 116-117.

⁹⁹ Юсупова О. Кишилиқ олмошларининг айрим функционал-услубий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 96.

Баъзан эгалик кўшимчалари билан қўлланган ўзлик олмоши ҳам шахсларга ишораси жиҳатидан зидланиш белгисини йўқотади. Куйидаги ҳолатларда шахсларга ишора қилувчи ўзлик олмошининг зидланиш белгиси йўқолади:

Ўзи олмоши гапда модал маънони ифодалаш вазифасини бажарганда, шахс ва унинг сонига ишораси жиҳатидан ўзаро зидланишдаги *ўзим, ўзинг, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари* олмошларига нисбатан зидлик белгисини йўқотади. Масалан: *Мусулмон миллатиданмисан ўзи?* (Э.Аъзам. «Бизнинг тоға») *Ўзиям бормаган, кўрмаган юрти қолмабди ҳисоб.* (Э.Аъзам. «Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати»)

Ўзи олмоши гапда ўхшатиш маъносини ифодалаб келганда, шахс ва унинг сонига ишораси жиҳатидан *ўзим, ўзинг, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари* олмошларига нисбатан зидлик белгисини йўқотади. Масалан: – *Кўлларини силтаб-силтаб гапиришлариям, шеър ўқишиям, ҳатто овозиям – худди ўзи!* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи»)

Ўзлари олмоши кўчма маънода кесатикни ифода этиб, иккинчи шахс бирликдаги *ўзинг* олмоши ўрнида келганда, шахснинг сонига ишораси жиҳатидан бу олмошга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Гапни ўзларидан бошласак, Ажойиб домла.* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи»)

Ўзлари олмоши кўчма маънода хурматни ифода этиб, учинчи шахс бирликдаги *ўзи* олмоши ўрнида қўлланганда, шахс ва унинг сонига ишора қилиши жиҳатидан бу олмошга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Катта энанг соғ-саломатмилар? ... – Ҳали бақувватлар. Ўзларига ўзлари овқат пишириб ейдилар.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Ўзинг олмоши кўчма маънода биринчи шахс бирликдаги *ўзим* олмоши ўрнида қўлланиб, мурожаатни ифода этганда қандай сўзловчи ёки тингловчига ишораси жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Ўзинг хоҳламадинг-ку... Саодат ўзига ўзи тичирлади.*

Ўзингиз олмоши кўчма маънода иккинчи шахс бирликдаги *ўзинг* олмоши ўрнида қўлланиб хурматни ифода этганда, шахснинг сонига ишора қилиши жиҳатидан бу олмош билан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: – *Бу нарсани ўзингиз ўйлаб топдингизми ё бошқа бировнинг ташаббусими? – деб сўради Раҳимов.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Нутқда баъзан сўроқ орқали номаълум шахсга ишора қилувчи *ким* сўроқ олмошининг ҳам зидланиш учун асос бўлган белгиси йўқолади. Бу ҳолат, асосан, қуйидаги нутқий қўлланишларда кузатилади:

а) *ким* сўроқ олмоши қўшма гаплар таркибида ҳавола бўлак вазифасида қўлланган ҳолатларда сўроқ орқали номаълум шахсга ишора қилмайди. Бундай ҳолатда *ким* олмоши сўроқ олмошлари парадигмаси аъзоларига нисбатан фарқланишга асос бўлган зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи тушади* (Мақол);

б) *ким* сўроқ олмоши «назарда тугилган шахснинг даражаси (амали, унвони, бойлиги ва ш.к.) юқорилигини таъкидлаш учун ишлатилувчи»¹⁰⁰ *кимсан* сўзи таркибида ҳам парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: ... *Энди – кимсан, пойтахтдаги каттакон бир озиқ-овқат трестининг хўжайини!* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи»)

II. Шахсларга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Шахсларга ишора қилувчи *ҳар ким*, *ҳамма*, *барча* белгилаш олмошлари, *ҳеч ким* бўлишсизлик олмоши, *биров* гумон олмоши нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотиб нейтраллашди.

Ҳар ким олмоши баъзан нутқда иккиламчи вазифада ноаниқ шахсга ишора қилиш учун қўлланади. Бундай ҳолатда *ҳар ким* олмоши ўрнида *биров*, *кимдир* олмошларини эркин алмаштириб қўллаш мумкин бўлади. *Ҳар ким* олмошининг иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида *биров*, *кимдир* олмошлари билан зидланиш белгиси йўқолиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Ҳар ким ҳар кимнинг кўзига чўп солиши мумкин, ҳар кимга хиёнат қилиши мумкин.* (Ў.Ҳошимов. «Хиёнат») – *Биров бировнинг кўзига чўп солиши мумкин, бировга хиёнат қилиши мумкин.*

Маълумки, *ҳар ким* олмоши умумдан ажратилган *ҳар қандай* шахсга ишора қилади. Аммо бу гапда *ҳар ким* олмоши шу вазифасида қўлланмаган. Гапнинг семантик тузилишидан маълум бўладики, *кўзга чўп солишлик, хиёнат қилишлик* *ҳар қандай* шахсга хос хусусият бўлмай, қандайдир шахслар томонидан амалга

¹⁰⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / Бегматов Э., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Мирзаев Т., ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – 2006. Ж.2. /Е. – М. – Б. 367.

оширилади. Бу ҳолат айти гапта *ҳар ким* олмошининг иккиламчи вазифада – гумонни англатиш учун қўлланишига йўл очади.

Шуниси характерлики, *ҳар ким* олмоши нутқда жамликдаги шахсларга ҳам ишора қила олади. Бу вақтда *ҳар ким* олмошини *ҳамма, барча* олмошлари билан эркин алмаштириш мумкин бўлади. *Ҳар ким* олмошининг нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида *ҳамма, барча* олмошлари билан зидланиш белгиси йўқолиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Ҳар ким ўқийверса, подани ким боқади?* – *деди аччиғланиб Мирзакаримбой.* (Ойбек. «Қутлуғ қон») – *Ҳамма ўқийверса, подани ким боқади?* – *деди аччиғланиб Мирзакаримбой.*

Р.Қўнғуровнинг фикрича, *ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай* олмошлари *ҳамма, барча, бари* олмошлари каби умумни, умумийликни билдиргани сабабли кўпинча бу олмошларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади.¹⁰¹

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида ҳам *ҳар* сўзининг сўроқ олмошларидан *ким* сўзи билан бирга келиб, «ҳамма», «ҳар қандай одам» маъноларини ифодалаши қайд этилади.¹⁰² Дарҳақиқат, нутқда *ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай* олмошлари жамликдаги шахс, нарса-предмет, белги кабиларга ишора қила олади. Аммо бу хусусият уларнинг нутқдаги иккиламчи вазифаси асосида юзага чиқади.

Баъзи ҳолларда шахснинг мавжудлигига нисбатан инкорни англатувчи *ҳеч ким (ҳеч кимса)* олмошининг гумон қилинган шахсга ишора қилувчи *кимдир, аллаким, биров* олмошлари билан зидланиш белгиси нейтраллашади: *ҳеч ким (ҳеч кимса) – биров, кимдир.* Масалан: *Ҳеч ким борми? – Кимдир (бирова, бирон кимса) борми?*

Берилган гапта сўзловчининг шахснинг мавжудлигини аниқлашдан иборат сўроғи акс этган. Шу сабабли *ҳеч ким* олмоши гапта ўз вазифасида (сўроқ орқали номаълум шахсга ишора қилиш) қўлланмаган, бу олмош гумон қилинган шахсга ишора қилиш вазифасини бажарган. Бунинг натижасида *ҳеч ким* олмоши *кимдир* олмоши билан семантик-функционал жиҳатдан тенг қийматли бўлиб қолган. Бу ҳолат *ҳеч ким* олмошининг айти гапта *кимдир* олмоши билан эркин алмашилиб қўлланишини таъминлаган.

¹⁰¹ Қўнғуров Р. Олмош стилистикаси / Шомақсудов А., ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 116.

¹⁰² Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.315.

Куйидаги ҳолатда эса *биров* гумон олмошининг ҳеч ким бўлишсизлик олмошига нисбатан зидланиш белгиси нейтраллашган. Қиёсланг: *Тоғни қулатсанг ҳам, агар ишинг одамларнинг оғирини енгил қилмаса, меҳнатинг уч пул экан! Биров сени қадрламас экан!... (Ў.Усмонов. «Гирдоб»)* – *Ҳеч ким сени қадрламас экан!...*

Баъзан *ҳеч ким* олмоши иштирокида тузилган гапларда *ҳамма* (*барча*) – *ҳеч ким* олмошлари зидланишида нейтраллашув юз бергандай туюлади. Аммо диққат қилинса, нейтраллашув *ҳеч ким* – *биров* (*бирон кимса*) олмошлари ўртасида амал қилганлиги маълум бўлади. Масалан: *Ҳамма жим. Ҳеч кимдан садо чиқмасди.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»).

Қиёсланг: *Ҳамма жим. Бировдан (бирон кимсадан) садо чиқмасди.*

Бу гапда *ҳеч ким* олмоши гумон қилинган якка шахсга ишора қилувчи *биров* (*бирон кимса*) олмоши ўрнида, унинг вазифасида қўлланган. Маълумки, кишиларнинг нутқий мулоқоти жараёнида садо чиқариши ёки чиқармаслиги муайян шахс томонидан амалга оширилади. *Ҳеч ким* олмоши эса шахснинг мавжуд эмаслигига ишора қилади. Бу ҳолат *ҳеч ким* олмошининг айни гапда ўз вазифасида қўлланмаганлигидан далолат беради.

Ҳеч ким олмошининг гумон қилинган якка шахсга ишора қилувчи *биров* (*бирон кимса*) олмоши вазифасида қўлланиши олдинги гап семантикаси боғлиқ. Ўзаро зидлик муносабатига қурилган икки гапнинг бири тасдиқ, иккинчиси инкор характерида. Биринчи гап тасдиқ гап бўлиб, унда қўлланган *ҳамма* олмоши жамликдаги мавжуд шахсларга ишора қилади. Демак, инкор гапда унга зид тарзда якка шахсга ишора қилувчи олмош қўлланиши лозим. *Ҳеч ким* олмоши эса бу вазифани бажара олмайди. Гапдаги мантиқий мувофиқликни таъминлаш мақсади *ҳеч ким* олмошининг иккиламчи вазифада қўлланишига йўл очади.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, олмошлар зидланиш белгисининг йўқолиши ва нейтраллашуви улар иштирокида тузилган гапларнинг семантик тузилишига жиддий таъсир кўрсатмайди. Нейтраллашув тил бирлигининг коннотатив имкониятини янада кенгайтиради, уни муайян нутқ услубига хослайди.

3.1.3. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Ўзбек тилида нарса-предметларга ишора қилиш белгиси кўрсатиш (*бу, шу, ана...*), белгилаш (*ҳар нима, ҳар нарса...*), бўлишсизлик (*ҳеч нима, ҳеч нарса*), гумон (*алланима, нимадир...*), сўроқ олмошлари (*нима*)га хос. Бу олмошлар қандай нарса-предметларга ишора қилиши жиҳатидан хусусий белгиларини намоён қилади.

Нарса-предметларга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида ҳам икки ҳолат кузатилади: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланиш имконига эга бўлади.

I. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Ўзбек тилида нарса-предметларга ишораси жиҳатидан қуйидаги олмошлар зидланиш белгисининг йўқолиши кузатилади:

1) нарса-предметларга ишора қилувчи *нима* сўроқ олмоши ўз вазифасида қўлланмаган ҳолатларда олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади.

О.Муродуллаева *нима* сўроқ олмошининг гапда «*ҳеч нарса эмас*» маъносида қўлланишида, *сенга (менга, унга, бизга, сизга) нима, ишинг нима, нима гап, нима бўлди, нима қилади (нима қилсин)* синтактик қурилмалари таркибида иккиламчи вазифада қўлланишида *ким* сўроқ олмоши билан зидланиш белгисининг йўқолишини қайд этади.¹⁰³

Дарҳақиқат, *нима* сўроқ олмоши бу каби қўлланишларда ҳамда турли модал маъноларни ифодалаб келганда сўроқ олмошлари парадигмаси аъзолари билан зидланиш белгисини йўқотади. Қиёсланг: *Нима, сизга подшоликнинг одами ёлгон гапирадими?* (З.Аълам. «Афандининг қирқ бир пашшаси»)

¹⁰³ Муродуллаева О. Сўроқ олмошларида зидланиш белгисининг йўқолиши ва мўътадиллашуви / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: ТДПУ. 2009. – Б. 92-94; Шу муаллиф. Сўроқ олмошлари зидланиш белгисининг мўътадиллашуви. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б.114-115.

Шуниси характерлики, *нима* сўроқ олмоши зидланиш белгисини йўқотган барча ҳолатларда нейтраллашув жараёни кузатилмайди;

2) нарса-предметларга ишора қилувчи *у, ўша, ана, мана* кўрсатиш олмошлари ҳам баъзан парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Бу ҳолат ушбу олмошларнинг нарса-предметга ишора қилиш вазифасидан узоқлашиб, иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида юз беради. Масалан:

1. – *Шу десангиз, укагинам, оёқни мазаси йўқ.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

2. *Лекин, буни қарангки, на қабул – танишув чоғи, на суратга тушиши маросими мобайнида йўталибман-а!* (Э.Аъзам. «Чапаклар ёки чалпақлар мамлақати»)

Биринчи гапда қўлланган *шу* олмоши нарса-предмет ёки воқеа-ходисага ишора қилмайди. Бу олмош *шу десангиз* синтактик қурилмаси таркибида модал маънони ифодалашга хизмат қилади. Мазкур ҳолат *шу* олмошининг бошқа кўрсатиш олмошларига нисбатан зидланиш белгисининг йўқолишига сабаб бўлган.

Иккинчи гапда эса *бу* олмоши синтактик қурилма таркибида сўзловчи ҳис-ҳаяжонини ифодалашга хизмат қилган. *Шу* сабабли айни гапда *бу* олмоши олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотган.

Шунингдек, *шу, бу* олмошлари *шу билан, шу тариқа, шу боис, шу сабабли, шу туфайли, шу қадар, бу қадар, бундан чиқди* каби қатор қурилмалар таркибида қўлланганда ҳам ўз вазифасидан узоқлашади. Бундай ҳолатларда ҳам *шу, бу* олмошларининг парадигма аъзолари билан зидланишга асос бўлган белгиси йўқолади. Масалан: – *Шу билан юбилейимизнинг тантанали қисми тугади.* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи») *Шу тариқа Оқсоқол шоирнинг сўнгги бора раислик фаолияти ҳам шарафсиз, балки шармандали яқун топди.* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи») *Эътибор, интизом деганлари шу қадар!* (Э.Аъзам. «Чапаклар ёки чалпақлар мамлақати») *Бундан чиқди, ойим сигирни соғибди.* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»)

Бу олмоши чиқиш келишиги ёрдамида *ташқари* кўмакчиси билан бирикиб, кўчма маънода қўлланган ҳолатларда ҳам зидланиш белгисини йўқотади. Ушбу ҳолат *у* олмошида ҳам кузатилади.

Масалан: *Ундан ташқари, отахонимизга Самарқандни кўрсатмоқчимиз.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Ўзбек тилида *ана, мана* кўрсатиш олмошлари модал маънони ифодалашда қўлланган ҳолатларида ҳам зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади. Масалан: – *Ана, ўзингиз ҳам биласиз буни.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик») – *Мана, мақсадига етди.* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи»)

II. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Нарса-предметларга ишораси жиҳатидан фарқланувчи *ҳеч нима (ҳеч нарса)* бўлишсизлик олмоши, *ҳар нима (ҳар нимани, ҳар нарсани)* белгилаш олмоши, *нима* сўроқ олмоши нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотиб нейтраллашади.

Нарса-предмет мавжудлигининг инкорини англлатувчи *ҳеч нима (ҳеч нарса)* олмоши нутқда *нимадир (бирон нарса)* гумон олмошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади. Бундай нутқ кўринишида *ҳеч нима (ҳеч нарса)* олмоши *нимадир (бирон нарса)* олмоши билан семантик жиҳатдан бир хил бўлиб қолади. Масалан: *Ҳеч нима эшитмадингми? – Нимадир (бирон нарса) эшитмадингми?*

Берилган гапда *эшитиш* ҳаракати муайян воқелик ифодаси – *гап, хабар* кабиларга нисбатан қўлланган. Аммо *ҳеч нима (ҳеч нарса)* олмоши бевосита уларга ишора қила олмайди. Бу ҳолат нарсаси-предмет мавжудлигининг инкорини англлатувчи *ҳеч нима (ҳеч нарса)* олмошининг иккиламчи вазифада – тахминий нарсаси-предметга ишора қилувчи *нимадир (бирон нарса)* гумон олмоши ўрнида қўлланишига йўл очади.

Нутқда кўпинча *ҳар нима (ҳар нимани, ҳар нарсани)* белгилаш ва *уни-буни* кўрсатиш олмошлари ўзаро зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Ҳар нимани гапираверма. – Уни-буни гапираверма.* (Сўзл.)

Ўзбек тилида *ҳар нима* олмоши умумдан ажратилган нарсаси-предметга ишора қилиш вазифасини бажаради. Аммо «*Ҳар нимани гапираверма*» мисолида гапириш ҳаракати *ҳар нима* олмоши бевосита ишора қилган нарсаси-предметга нисбатан қўлланмаган. Бу гапда *ҳар нима* олмоши турли предметлар (*гап, хабар* кабилар)га ишора қилади. Шу сабабли бу олмош «турли нарсалар» маъносини

англатувчи *уни-бун*и олмоши билан эркин алмашилиб қўллана олади.

Маълумки, *нима* олмоши сўроқ орқали номаълум нарс-предметга ишора қилиш вазифаси асосида олмошлар парадигмасининг бошқа аъзолари билан зидлик муносабатига киришади. Бу олмош нарс-предметнинг номаълум белгисига ишора қилганда *қандай*, *қанақа*, *қайси* олмошлари билан эркин алмашилиб қўлланади. Қиёсланг: *Нима ишинг бор эди?* (Ғ.Ғулом. «Шум бола») – *Қандай (қанақа) ишинг бор эди?*

– *Нима гуноҳ қилдим, ўртоқ директор?* – *деди у ҳайрон бўлиб.*
(С.Аҳмад. «Жимжитлик») – *Қандай гуноҳ қилдим, ўртоқ директор?*
– *деди у ҳайрон бўлиб.*

Бу гапларда *нима* сўроқ олмоши иккиламчи вазифада – сўроқ орқали номаълум белгига ишора қилиш вазифасида қўлланган. Натижада *нима* сўроқ олмоши *қандай (қанақа)* олмоши билан тенг қийматли бирликка айланган. Шу сабабли бу каби қўлланишларда *нима* сўроқ олмоши *қандай (қанақа)* сўроқ олмоши билан эркин алмашина олади.

«Ўзбек тили стилистикаси» китобида ҳам *нима* олмоши белги ҳақидаги сўроқни ифодалаганда *қандай* сўроқ олмоши билан синонимик муносабатга киришиши ҳақида маълумот берилади.¹⁰⁴ Худди шундай, «Ўзбек тили грамматикаси» китобида ҳам *нима* сўроқ олмошининг предмет белгисини ифодаловчи *қандай* олмошига яқин вазифада қўлланиши қайд этилади ва бу хулосани далилловчи «*У кўрқувдан не аҳволда эканини ўзи билар эди*» мисоли келтирилади.¹⁰⁵ Назаримизда, бу гапда *не (нима)* сўроқ олмоши *қандай* олмошига яқин вазифада эмас, балки унинг ўрнида бу олмош англатган маъно ва вазифада қўлланган.

О.Муродуллаева «*Отинг нима?*» гапида *нима* сўроқ олмоши белгини аниқлаш вазифасини бажаришга бўйсундирилганлигини, шу сабабли *нима* сўроқ олмоши белгини аниқлаш учун қўлланувчи *қандай (қанақа)* сўроқ олмоши билан вазифадошлик муносабатига киришиши ва бунинг натижасида *нима* сўроқ олмоши нарс-предмет ҳақидаги сўроқни англатиши жиҳатидан фарқловчи белгисини йўқотиб, белги-хусусият ҳақидаги сўроқни англатувчи *қандай (қанақа)* сўроқ олмоши билан нейтраллашувини қайд

¹⁰⁴ Қўнгулов Р. Олмош стилистикаси / Шомаксудов А., ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 122.

¹⁰⁵ Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. – Тошкент: Фаң, 1975. – Б.346.

этади.¹⁰⁶ Дарҳақиқат, бир хил стилистик қийматга эга бўлмаса-да, сўзлашув нутқида «*Отинг нима?*», «*Отинг қанақа?*» гаплари эркин алмашилиб қўлланади. Айрим манбаларда «*Отинг ким?*» қўлланиши ҳам учрайди. Масалан: *Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг кимдир?» («Кунтуғмиш»)*

«*Отинг нима?*», «*Отинг қанақа?*» гапларида *нима* сўроқ олмошининг қандай, қанақа олмошлари билан ёки, аксинча, қандай, қанақа олмошларининг *нима* сўроқ олмоши билан алмашилиб қўлланишини услубий хосланиш сифатида баҳолаш лозим. Услубий хосланиш натижасида бу олмошларнинг ўзаро зидланиши учун асос бўлган фарқли белгиси йўқолиб, семантик-функционал жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлиб қолади.

Нутқда *нима (не)* сўроқ олмоши ва *ҳеч нима (ҳеч нарса)* бўлишсизлик олмошларининг зидланишида ҳам нейтраллашув кузатилади. Масалан, «*Озодликка не етсин*» (Ғ.Ғулом. «Шум бола») гапида қўлланган *не (нима)* сўроқ олмоши *ҳеч нима (ҳеч нарса)* бўлишсизлик олмоши билан эркин алмашилиб қўлланади. Аммо бундай ҳолатда бўлишсизлик олмошига мувофиқ тарзда феъл кесим ҳам бўлишсиз шаклда қўлланади. Бу ҳолат *не (нима)* сўроқ олмошининг бу турдаги гапларда иккиламчи вазифада – нарсас-предметнинг мавжуд эмаслигига ишора қилувчи *ҳеч нима (ҳеч нарса)* бўлишсизлик олмоши билан бир хил семантик-функционал қийматга эга бўлишини кўрсатади. Қиёсланг: *Озодликка не етсин.* – *Озодликка ҳеч нарса етмайди.*

3.1.4. Белгига ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Белгига ишораси жиҳатидан ўзбек тилидаги кўрсатиш (*шундай, бундай...*), белгилаш (*ҳар қандай...*), бўлишсизлик (*ҳеч қандай, ҳеч қанақа*), гумон (*аллақандай, қандайдир...*), сўроқ олмошлари (*қандай, қанақа, қайси*) бир парадигмага бирлашади. Бу олмошлар қандай белгига ишора қилиши жиҳатидан эса фарқли белгиларга эга бўлади.

Белгига ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади;

¹⁰⁶ Муродуллаева О. Кўрсатилган мақолалар. – Б.114-115.

б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашилиб қўлланади.

1. Белгига ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Белгига ишора қилувчи *шундай* (*шунақа, шундоқ*), *бундай* (*бунақа, бундоқ*), *ундай* (*унақа*)... кўрсатиш олмошлари, *қандайдир* гумон олмоши, *қандай* сўроқ олмоши нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади.

Нутқда кўрсатиш олмошларига *-дек, -дай* қўшимчаларининг қўшилиши натижасида юзага келган *шундай* (*шундоқ, шунақа*), *бундай* (*бунақа, бундоқ, бундақа*), *ундай* (*унақа*), *ўшандай* (*ўшанақа, ўшандоқ*), *мана бундай* (*мана бунақа*), *ана ундай* (*ана унақа*), *мана шундай* (*мана шунақа*) олмошлари кенг қўлланади. Кўрсатиш олмошларининг бу шакллари предмет ёки ҳаракат белгисига ишора қилади. Бундай олмошлар нутқда белги ифодалаш вазифасини бажарганда яқин ёки узоқ масофадаги нарса-предмет белгисига ишораси жиҳатидан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан, «*Шундоқ одамга ишончсизлик қилишга Нурмат тоғанинг кўнгли бўлмайди*» (С.Аҳмад. «Жимжитлик») мисолида қўлланган *шундоқ* олмоши (бу олмош *шундай* олмошининг варианты ҳисобланади)нинг яқин масофадаги белгига ишора қилиш вазифаси юзага чиқмаган. *Шундоқ* олмоши олдинги гапда ифода етилган шахс белгисига ишора қилган. Бунинг натижасида узоқ масофадаги белгига ишора қилувчи олмошларга нисбатан зидланиш белгисини йўқотган.

Куйидаги гапда эса *шундоқ* олмоши *жуда, ниҳоятда* равишлари каби даража ифодалаб келгани сабабли олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотган: *Шундоқ қимматли нарсани бекордан-бекорга олиб кетишга хижолат чекардим.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Шундай олмоши гапда кириш бирикма вазифасида қўлланишга хосланиб қолган *шундай қилиб* бирикмаси таркибида ҳам ўз вазифасидан узоқлашади. Бунинг натижасида олмошнинг ўзаро зидланишдаги олмошларга нисбатан зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: *Шундай қилиб, нон ёнгим келди-ю, чолимнинг гапи эсимга тушиб шаштидан қайтдим.* (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»)

Нутқда баъзан *ундай* (*унақа*), *бундай* (*бунақа*), *шундай* (*шунақа*) кўрсатиш олмошларининг иккиламчи вазифада – ҳаракат-ҳолатга ишора қилиш учун қўлланиши кузатилади. Бундай ҳолатда ушбу

олмошларнинг зидланиш белгиси йўқолади. Масалан: *У этигининг кўнжидан пичоқ чиқараётганда хотин кўлига ёпишиди.*

— *Жон укам, ундай қилманг. Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг. Бундай қилманг.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Бу мисолда *ундай, бундай* олмошлари ҳаракат-ҳолатга (пичоқ билан сўйиш ҳаракатига) нисбатан ишлатилиб, белгига нисбатан қўлланувчи олмошлар билан зидланиш белгисини йўқотган.

Куйидаги мисолда эса *шундай* кўрсатиш олмоши ўз гуруҳидаги зид аъзоларга нисбатан зидланиш белгисини йўқотган: *Агар шу иш яхши натижа берса, рўмол тўқийдиган цех очамиз. Мирвали шундай деб деразадан бош чиқариб винтеляторда ип ишираётган Опойни чақирди.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

Берилган мисолда *шундай* кўрсатиш олмоши «*Агар шу иш яхши натижа берса, рўмол тўқийдиган цех очамиз*» гапи ўрнида эркин қўлланган. Олмошнинг айна гап ўрнида эркин алмашинуви унинг ўз гуруҳидаги аъзоларга нисбатан зидланиш белгисини йўқотганидан далолат беради.

Қандайдир гумон олмоши нутқда иккиланиш, эътироф этиш каби модал муносабатларни акс эттиришда қўлланганда тахминий белгига ишора қилиш вазифасидан чекинади. Бундай ҳолатда олмош зид аъзоларга нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан: *Қандайдир айтгим келмаяпти. Маҳкам қандайдир ўзини ақлли ҳисоблайди.* (Сўзл.)

Биринчи гапда қўлланган *қандайдир* гумон олмоши иккиланиш оттенкасини, кейинги гапда эса эътироф этиш маъносини ҳосил қилган. Берилган гапларда *қандайдир* гумон олмоши иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотган.

Қандайдир гумон олмоши нутқда менсимаслик, беписандлик маъноларини ҳосил қилишда қўлланганда ҳам парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан, «*Қандайдир Ҳасаннинг турфа иши-ю, Қандайдир Алининг шўх кирдикорин. Анвар сўзин тинглаб кирди менга жон*» (Р.Ҳамзатов. «Она тилим») мисрасида қўлланган *қандайдир* гумон олмоши шахснинг тахминий белгисига ишора қилмайди, балки унга нисбатан беписандлик, менсимасликни акс эттиришга хизмат қилган. Бундай нутқ кўринишида *қандайдир* олмошининг гумон

килинган шахс, нарса-предмет, микдор, ўрин, пайт кабиларга ишора килувчи олмошларга нисбатан зидланиш белгиси йўқолади.

Адиб бадий матнда *қандайдир* олмошини кўллаш орқали шеърий парчага коннотатив маънони юклайди. Демак, олмош коннотатив маънони ифодалаш вазифасини бажарганда ҳам зидланиш белгисини йўқотади.

Қандай сўроқ олмошининг нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотиши куйидаги ҳолатда кузатилади: *қандай* сўроқ олмоши «*Қандай ажойиб!*», «*Қандай завқли!*», «*Қандай тошбағирлик!*» каби қатор гапларда сўзловчи хис-ҳаяжонини (қувонч, ғазаб кабилар) ифода этишда қўлланганда олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади.

II. Белгига ишора килувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Белгига ишораси жиҳатидан *ҳеч қандай* бўлишсизлик олмоши, *ҳар ким* белгилаш олмоши, *ҳар қандай*, *ҳар қанақа* белгилаш олмошлари, *қандай*, *қайси* сўроқ ва *қандайдир* гумон олмоши зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотганда нейтраллашади.

Нутқ жараёнида *ҳеч қандай* бўлишсизлик олмошининг нарса-предметга нисбатан гумонни билдирувчи *биронта* (*бирор*) олмоши билан зидланиш белгиси нейтраллашади. Қиёсланг: *Бу ердагилар ҳеч қандай такаллуфни билмас эдилар.* (Ғ.Ғулом. «Шум бола») – *Бу ердагилар биронта такаллуфни билмас эдилар.*

Ўзбек тилида *ҳар қандай* олмошининг иккиламчи вазифада *ҳамма*, *барча*, *бари*, *бутун* олмошлари каби жамликдаги белгига ишора қилиш вазифасида қўлланиши ҳамда бу олмошлар билан эркин алмашинуви кузатилади. Бундай вазиятда *ҳар қандай* олмоши *ҳамма*, *барча*, *бари*, *жами*, *бутун* олмошларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Авалло у йўлланган жойдан ҳеч қачон бўйин товламаган, топирилган ҳар қандай вазифани муқаддас билиб, бекаму кўст адо этган...* (Э.Аъзам. «Шоирнинг тўйи») – *Авалло у йўлланган жойдан ҳеч қачон бўйин товламаган, топирилган ҳамма вазифани муқаддас билиб, бекаму кўст адо этган...*

Нутқ жараёнида белгига нисбатан сўроқни билдирувчи *қандай* олмошининг сабабни аниқлаш учун қўлланувчи *нима* учун, *нимага*, *нима сабабдан*, *нечук* олмошлари билан алмашиниб қўлланишини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатда *қандай* сўроқ олмоши зидланиш учун асос бўлган бирламчи белгисини йўқотади ва *нима* учун,

нимага, нечук олмошлари билан эркин алмашилиб қўлланади. Қиёсланг: *Қандай унга рухсат бердингиз, устоз?* – *Нима учун (нимага, нима сабабдан) унга рухсат бердингиз, устоз?* – *Нечук унга рухсат бердингиз, устоз?* (Сўзл.)

Баъзан нутқда қайси олмошининг сўроқ орқали номаълум белгига ишора қилувчи қандай олмошига нисбатан зидланиш белгисини йўқотиши ва бу олмош билан алмашинуви кузатилади. Масалан, «*Бугун қайси фанлардан машгулот бўлади?*» гапида қўлланган қайси олмоши предметнинг тартибига ишора қилмайди, аксинча, предметнинг номаълум бўлган белгисига ишора қилади. Шу сабабли айти гапда қандай олмоши билан алмашинади. Қиёсланг: – *Бугун қандай фанлардан машгулот бўлади?* (Сўзл.)

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, ўзбек тилидаги белгига ишора қилувчи айрим олмошлар нутқда иккиламчи вазибаларда қўлланганда зидланиш белгисини йўқотади ва зидланувчи аъзолар билан бир хил фуекционал-семантик қийматга эга бўлиб қолади.

3.1.5. Миқдорга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Миқдорга ишораси жиҳатидан ўзбек тилидаги кўрсатиш (*шунча, ўшанча...*), белгилаш (*ҳар қанча*), бўлишсизлик (*ҳеч қанча*), гумон (*аллақанча...*), сўроқ (*қанча, неча, нечанчи*) олмошлари умумий белгига эга бўлади. Бу олмошлар қандай миқдорга ишора қилиши жиҳатидан эса фарқли белгиларини намоён қилади.

Миқдорга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида ҳам икки жиҳат кўзга ташланади: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашилиб қўлланади.

I. Миқдорга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Кўрсатиш йўли билан миқдорга ишора қилувчи *бунча, шунча* олмошлари, сўроқ орқали номаълум миқдорга ишора қилувчи *қанча, неча, нечанчи* олмошлари баъзан миқдорга ишораси жиҳатидан зидланиш учун асос бўлган фарқли белгисини йўқотади.

Маълумки, *бунча*, *шунча* олмошлари мавҳум миқдорга ишора қилади. Бу олмошларнинг миқдорга ишорасида фарқли жиҳатлар кузатилади. *Шунча* олмоши мавҳум миқдорга ишора қилган ҳолатларда асосан *кўп* равиши каби маъно ва вазифада қўлланади. Бундай ҳолатда *шунча* олмоши *кўп* равиши билан эркин алмашиниб қўллана олади. Қиёсланг: *Мирвали унга шунча тўсқинликлар қилгани билан сира алаmidан чиқолмасди.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик») – *Мирвали унга кўп тўсқинликлар қилгани билан сира алаmidан чиқолмасди.*

Баъзан *бунча* олмоши модал маънони ифодалашда қўлланади. Бундай ҳолатда олмошнинг миқдорга ишора қилиш белгиси йўқолади. Масалан: *Бунча, ҳадеб тиқилинч қилаверасан?* (Сўзл.)

Нутқда *қанча* олмоши даража-миқдорга ишора қилган ҳолатларда ҳам зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади. Масалан, «*Қанча юртларни кезмадик*» гапида қўлланган *қанча* олмоши сўроқни англамайди. Бу гапда олмош *кўп* равиши каби маънода қўллангани сабабли зидланиш белгисини йўқотган.

Неча, нечанчи сўроқ олмошлари ҳам баъзан даража-миқдорни ифодалаб келади. Қиёсланг: *Неча марта айтдим сенга бормагин деб.* – *Кўп марта айтдим сенга бормагин деб.* (Сўзл.)

Демак, *неча, нечанчи* олмошлари ҳам бу каби иккиламчи вазифасида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади.

II. Миқдорга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Миқдорга ишораси жиҳатидан *ҳар қанча* белгилаш олмоши, *қанча, неча* сўроқ олмошлари нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотиб нейтраллашади.

Ҳар қанча олмоши *қанча* олмоши билан нейтрал ҳолатга келиб қолади. Қиёсланг: – *Ҳар қанча маслаҳат бўлса, қайнонасидан чиқади.* (С.Аҳмад. «Жимжитлик») – *Қанча маслаҳат бўлса, қайнонасидан чиқади.*

Миқдорга ишорасига кўра *қанча* сўроқ олмошининг баъзан *шунча* кўрсатиш олмоши билан зидланиш белгиси нейтраллашади. Қиёсланг: *Қанча ўйласам ҳам ўйимга етолмаяпман.* – *Шунча ўйласам ҳам ўйимга етолмаяпман.* (Сўзл.)

Нутқда *неча* олмошининг *қанча* олмоши билан зидланиш белгиси нейтраллашади. Қиёсланг: *Неча қизлар уни кўришига*

ошиқмаган дейсиз. – Қанча қизлар уни кўришга ошиқмаган дейсиз.
(Сўзл.)

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги айрим микдорга ишора қилувчи олмошлар нутқда иккиламчи вазифада қўлланган ҳолатларда зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

3.1.6. Ўринга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Ўзбек тилида қуйидаги олмошлар ўринга ишора қилиш белгисига эга: белгилаш (*ҳар ерга...*), бўлишсизлик (*ҳеч ерга...*), гумон (*аллақерга...*), сўроқ (*қаерга...*, *қани, қайси*) олмошлари.

Ўринга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида ҳам икки ҳолатни фарқлаш мумкин: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашилиб қўлланади.

I. Ўринга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилувчи *қани, қаёқда, қаерда* сўроқ олмошлари нутқда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади.

Қани сўроқ олмоши модал маъно ифодалаб келганда номаълум ўринга ишораси жиҳатидан фарқли белгисини йўқотади. Масалан, «*Қани, болалар сафга туринг*» гапида *қани* сўроқ олмоши иккиламчи вазифада қўлланган.

Қаёқда сўроқ олмоши баъзан сўз-гап вазифасида қўлланади. Бундай вазиятда олмошнинг зидланишига асос бўлган фарқли белгиси йўқолади. Масалан: *Бу гапдан хабаринг борми? – Қаёқда.* (Сўзл.)

Берилган мисолда *қаёқда* сўроқ олмоши сўз-гап вазифасида қўлланган. Бу ҳолат олмошнинг парадигма аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотганини кўрсатади.

II. Ўринга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. *Қаерга, қаерда, қаердан* олмошлари сўроқ орқали номаълум ўринга ишора қилувчи олмошлар саналади. Баъзан бу олмошлар ўринга ишорасига кўра зидлик белгисини йўқотади ва нейтраллашув ҳодисасига учрайди. Масалан, *қаердан, қаерда* олмошларининг

кимдан, кимга олмошларига нисбатан зидланиш белгиси нейтраллашади.

Баъзан *қаердан* сўроқ олмоши номаълум шахсга ишора қилувчи кимдан олмоши ўрнида қўлланади. Бундай ҳолатда *қаердан* сўроқ олмошининг кимдан олмошидан фарқловчи белгиси йўқолади. Қиёсланг: *Қаердан эшитдинг?* – *Кимдан эшитдинг?* (Сўзл.)¹⁰⁷ Кўринадики, бу гапда сўзловчи *қаердан* олмоши орқали шахсга ишора қилган. Натижада *қаердан* – кимдан сўроқ олмошларининг зидланиш белгиси нейтраллашган. Шунингдек, *қаерга* олмоши ҳам кимга олмоши вазифасида келганда зидланиш белгисини йўқотади. Қиёсланг: *Қаерга учрадинг?* – *Кимга учрадинг?*

3.1.7. Пайтга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Олмошларнинг куйидаги турлари пайтга ишора қилади: белгилаш (*ҳар қачон*), бўлишсизлик (*ҳеч қачон*), гумон (*аллақачон...*), сўроқ (*қачон*), кўрсатиш (*шу-шу*) олмошлари.

Пайтга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида ҳам куйидаги ҳолатлар кузатилди: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашиниб қўлланади.

I. Пайтга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Нутқда *шу* олмоши такрор қўлланганда кўрсатиш маъносидан узоклашади ва муайян пайтга ишора қилиш вазифасини бажаради. Бундай ҳолатда *шу* олмоши кўрсатиш олмошлари парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан, «*Шу-шу уларникига бормаи қўйдим*» гапида қўлланган *шу-шу* олмоши муайян пайтга ишора қилади.

Пайтга ишора қилувчи бошқа олмошларда зидланиш асос бўлган белгининг йўқолиши кайд этилмади.

II. Пайтга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Бу турга мансуб олмошларнинг айримларида нейтраллашув кузатилди. Хусусан, сўроқ орқали номаълум пайтга ишора қилувчи *қачон* олмоши *қачондир* гумон олмошига нисбатан зидланиш

¹⁰⁷ Қаранг: Муродуллаева О. Сўроқ олмошларида зидланиш белгисининг йўқолиши ва мўътадиллашуви / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ. 2009. – Б.92-94.

белгисини йўқотиб нейтраллашади. Қиёсланг: *Қачон айтган эдинг. – Аллақачон айтган эдинг.* (Сўзл.)

Кўринадики, *қачон* олмоши нутқда иккиламчи вазифада келганда *қачон* олмоши билан эркин алмашилиб қўллана олади.

3.1.8. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув

Ўзбек тилида олмошларнинг ҳаракат-ҳолатга ишора қилиши анча чегараланган. Нутқда айрим сўрок (*нима қилди, нима қилган, нима қилиб...*), кўрсатиш (*шу, шундай (шунақа)*) олмошларининг бу вазифани бажариши кузатилади. Бу олмошлар нутқда баъзан иккиламчи вазифада келганда зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади ва нейтраллашади.

Ҳаракат-ҳолатга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: а) олмошлар зидланиш белгисини йўқотади; б) олмошлар зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади ҳамда зидланувчи аъзо билан эркин алмашилиб қўлланади.

I. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошларнинг зидланиш белгисини йўқотиши. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар модал маъно ифодалаганда ёки сўз-гап вазифасида қўлланганда олмошлар парадигмаси аъзоларига нисбатан зидланиш белгисини йўқотади. Масалан, сўзлашув нутқида фикрнинг тасдиғини ифодалаш учун қўлланган *шу* олмоши ҳаракат-ҳолатга ишора қилишдан бирмунча узоклашиб, модал муносабатни акс эттиради. Бундай вазиятда *шу* олмоши зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади. Масалан: – *Ўғри уйнинг орқа эшикдан қочибди. – Шу.* (Сўзл.)

Берилган гапда қўлланган *шу* олмоши ўғрининг *қочиб кетганлиги* ҳақидаги ахборотни тасдиқлаш вазифасини бажарган.

Баъзан нутқда *шу* олмоши ўрнида *шундай, шунақа* олмошлари фикрнинг тасдиғи учун қўлланиб, сўзловчи муносабатини акс эттиришга хизмат қилади. Қиёсланг: – *Ўғри уйнинг орқа эшигидан қочибди. – Шундай.* (Сўзл.)

Шу олмоши матн таркибида муайян прозицияга ишора қилганда ҳам зидланиш учун асос бўлган белгиси (яқин масофадаги нарса-предметни кўрсатиш)ни йўқотади. Масалан: – *Буни*

Чироқчидаги тичоқчига машина рессоридан юз сўмга ясатганман. Ҳамма ишни кўнгилдагидек қилдим, деб ўйлаб залга қараб керилиб туради-да, одамлар ундан яна нимадир кутаётганини сезиб:

– Шу, – дейди.

Берилган матнда қўлланган *шу* олмоши «*Бошиқа гапим йўқ, гапим тугади*» пропозициясига ишора қилади. Бу вазиятда ҳам *шу* олмоши зидланиш учун асос бўлган белгисини йўқотади.

II. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошларнинг нейтраллашуви. Сўроқ орқали номаълум ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар нутқда иккиламчи вазифада – сабабни ифодалашда қўлланганда зидланиш белгисини йўқотади ва сабабга нисбатан сўроқни англатувчи олмошлар билан эркин алмашиниб қўллана олади. Қиёсланг:

– Нима қилиб анграйиб ўтирибсанлар, қони ивиб қолмай туриб сарамжон қилиши керак. (С.Аҳмад. «Жимжитлик»)

– Нима учун (нимага, нима сабабдан) анграйиб ўтирибсанлар, қони ивиб қолмай туриб сарамжон қилиши керак.

Маълум бўладики, ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар иккиламчи вазифасида зидланиш белгисини йўқотади ва нейтраллашган аъзо билан эркин алмашиниб қўллана олади.

Хуллас, олмошларда зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгининг йўқолиши ва зидланувчи аъзо билан бир хил семантик-функционал қийматга эга бўлиб қолиши натижасида нейтраллашув юз беради. Нейтраллашув олмошларларнинг нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши натижасида шаклланади. Нейтраллашув ҳодисасини ўзида акс эттирган олмошларнинг мулоқот иштирокчилари учун тушунарли бўлишида тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тилга оид кўникма ва малакалари муҳим аҳамиятга эга.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Нейтраллашув тилнинг морфологик ва синтактик сатҳ бирликларида ҳам кузатилади. Айрим содда ва қўшма гаплар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зид аъзога нисбатан нейтрал ҳолга келиб қолади. Бундай вақтда нейтраллашувга учраган гап зидланишдаги иккинчи гап билан эркин алмашилиб қўллана олади.

2. Ўзбек тилида содда гаплар оппозициясида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади: а) содда гаплар ҳар доим ҳам зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқомавермайди; б) айрим содда гаплар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотиши мумкин, аммо зиддиятдаги аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлиб қолмайди; в) айрим содда гаплар муайян нутқ вазиятида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зиддиятдаги аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлади.

3. Содда гапларда зидланиш учун асос бўлган белгининг йўқолиб, зиддиятдаги аъзо билан семантик жиҳатдан тенг қийматли бўлиб қолишига кўпинча нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ тарзда иккиламчи вазифада қўлланиши сабаб бўлади.

4. Эргашган қўшма гапларда қуйидаги ҳолатларда нейтраллашув юз беради: 1. Эргашган қўшма гапларнинг бош гапи яхлит ҳолда модал маъно ифодалаб келса, қўшма гап содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади. 2. Эргашган қўшма гапларда бош гапдаги ҳавола бўлакни изоҳловчи эргаш гап бош гапнинг мантикий-семантик таркибига мансуб бўлганда, қўшма гапнинг семантик сифими тораяди ва муқобил содда гап билан эркин алмашилиш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳолатда қўшма гап содда гапга нисбатан зидланиш белгисини йўқотиб нейтраллашади.

5. Ўзбек тилида олмошлар парадигмаси аъзолари учун қуйидаги умумий белгилар хос: а) олмошлар парадигмаси аъзолари дейктик хусусиятга эга: улар бевосита шахс, нарса-предмет, белги-хусусият, миқдор, ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодисани англатмайди, балки уларга ишора қилади, кўрсатади; б) олмошлар парадигмаси аъзолари ишора объектини кўрсатади, уларнинг ишоравий маъноси нутқ вазияти асосида реаллашади.

6. Олмошлар парадигмасининг айрим аъзолари «алмашилиб кўлланиш» белгисига эга. Бундай олмошлар гапнинг муайян бўлаклари; гап, матн ўрнида келиб, улар бажарган вазифада кўлланади. Бу хусусият олмошларининг ҳар бирида такрорланади.

7. Олмошлар парадигмасида кузатиладиган зидланишни қуйидагича фарқлаш мумкин: а) олмошларнинг ички маъно турлари фарқловчи белгилари асосида ўзаро зидлик муносабатига киришади; б) олмошлар парадигмаси аъзолари фарқловчи белгилари асосида ўзаро зидлик муносабатига киришади.

8. Ўзбек тилида кишилиқ олмошлари шахслар ва уларнинг сонига ишораси асосида ўзаро зидланади, кўчма маъноларда кўлланган ҳолатларда зидланиш белгисини йўқотади.

Кўрсатиш олмошлари шахс, нарса-предмет, уларга хос белги-хусусиятни кўрсатиши жиҳатидан умумий белгисини; моҳиятан узок ёки яқиндаги шахс, нарса-предмет, белгини кўрсатиши жиҳатидан фарқланиб, хусусий жиҳатини намоён қилади. Мана шу хусусий жиҳати асосида уларнинг ички маъно турлари ўзаро зидлик муносабатига киришади.

9. Сўроқ олмошлари сўроқ орқали номаълум шахс, нарса-предмет, белги, миқдор, вақт, мақсад, сабаб, ўринга ишора қилади. Сўроқ орқали шахс, нарса-предмет, белги, миқдор кабиларга ишора қилиш уларнинг умумий хусусияти бўлса, айнан нимага сўроқ орқали ишора қилиши хусусий жиҳати ҳисобланади. Мана шу хусусий белгиси асосида сўроқ олмошлари зидланиш муносабатига киришади.

Ўзлик олмошининг эгалиқ аффиксларини қабул қилганда шахсларга ишора қилиши умумий жиҳати бўлса (нарс-предметга ишора қилувчи *ўзи* олмоши бундан мустасно), шахслар ва уларнинг сонига ишораси жиҳатидан фарқланиши зидланишга асос бўлган хусусий жиҳати саналади. Ўзлик олмоши нутқда кўчма маънода кўлланган ҳолатларда зидланиш белгисини йўқотади.

10. Белгилаш олмошлари шахс, нарса-предмет, белгини ажратиб ёки жамлаб кўрсатишига кўра фарқланиб, ўзаро зидлик муносабатига киришади. Бўлишсизлик олмошлари эса шахс, нарса-предмет, белгига нисбатан инкорни ифодалаши жиҳатидан умумий белгиларини, айнан нимага нисбатан инкорни ифодалаши жиҳатидан фарқли белгилари асосида ўзаро зидланади.

Гумон олмошлари шахс, нарса-предмет, белги, миқдор ҳақида ноаниқ, тахминий тасаввур уйғотиши жиҳатидан умумий

белгиларини, айнан ниманинг ноаниклигига ишора қилиши жиҳатидан фарқли белгиларини намоён қилади. Фарқли белгилар гумон олмошларининг зидланиши учун асос бўлади.

11. Олмошлар ишора объектини кўрсатиш белгиси асосида қуйидаги турларга бўлинади: 1. Шахсларга ишора қилувчи олмошлар. 2. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар. 3. Белгига ишора қилувчи олмошлар. 4. Миқдорга ишора қилувчи олмошлар. 5. Ўринга ишора қилувчи олмошлар. 6. Пайтга ишора қилувчи олмошлар. 7. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар.

12. Олмошларни гап ва уни ташкил этувчи бўлақлар билан эркин алмашилиб қўлланиши жиҳатидан қуйидагича фарқлаш мумкин: а) гапнинг эга мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар; б) гапнинг аниқловчи мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар; в) гапнинг тўлдирувчи мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар; г) гапнинг ҳол мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар; д) гапнинг кесим мавқеидаги бўлаги билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар; е) гапнинг ундалма ва кириш қурилмалари билан алмашилиб қўлланувчи олмошлар.

13. Грамматик шакллар билан ўзгариши белгиси асосида олмошларни қуйидагича фарқлаш мумкин: а) келишиқ, кўплиқ, эғалиқ шаклларини олиб ўзгарувчи олмошлар; б) келишиқ, кўплиқ, эғалиқ шаклларини олиб ўзгармайдиган олмошлар. Кишилиқ, ўзлик, айрим сўроқ, кўрсатиш, белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошлари келишиқ шаклларини қабул қилади. Аммо уларнинг эғалиқ ва кўплиқ шакллари билан қўлланишида зиддиятли жиҳатлар кузатилади.

14. Олмошларнинг зидланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: а) олмошлар нутқда зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади, аммо зидланувчи аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлмайди; б) олмошлар нутқда зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотади ва зидланувчи аъзо билан бир хил семантик қийматга эга бўлиб қолади.

15. Олмошларнинг нейтраллашуви қуйидаги омиллар асосида амалга ошади: а) олмошларнинг нутқда иккиламчи вазифада қўлланиши; б) олмошларнинг айрим қурилмалар таркибида қотиб қолиб, модал маъно ифодаловчи бирликка айланиши.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 35-44.
2. Акрамов Т. Кишилик олмошларининг стилистик хусусиятларига доир / Лексика, стилистика ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1980. – Б. 85-91.
3. Аскарова М. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. – №4. – Б. 27-30.
4. Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. – 132 б.
5. Аскарова М., Абдулаҳатова Р., Дониёрова Н. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Тошкент пед. инс. илмий асарлари. 87-т., 1972.
6. Аскарова М., Юнусов Р., Йўлдошев М., Мухамедова Д. Ўзбек тили практикуми. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – Б. 144-146.
7. Афанасьева Р. П. Процессы нейтрализации в семантико-грамматических классах глагола / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 46-53.
8. Ахмедова Н., Солиева Ф. Кўшма гапларда мўътадиллашув / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари мавзусидаги VIII Республика илмий-назарий анжумани. – Тошкент: ТДПУ, 2015. – Б.66-68.
9. Белоусова А.С. К вопросу о семантической классификации местоименных слов / Филологический сборник. – М., 1995. – С. 47-52.
10. Бельдян В. Звуковая система современного русского языка и вопросы нейтрализации фонем: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1968, -16 с.
11. Бердиалиев А., Абдуалиева З.У. Функционирование нейтрализации в семантической микроструктуре эквонимов-гипонимов (на материале отдельных названий со значением «животное» в русском и узбекском языках) // agch.kyrlibnet.kg/?&npage=download&nadd=60
12. Богораз-Брухман Л. И. О нейтрализации и архифонеме в связи с согласными русского языка / Проблемы структурной лингвистики. – М.: АН СССР, 1963. – С. 153-163.

13. Бондарко А.В. О структуре грамматических категорий (отношения оппозиции и неоппозитивного различия) // Вопросы языкознания. – 1981. – №6. – С. 17-28.

14. Булыгина Т. В. О нейтрализации семантических оппозиций / Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М.: Наука, 1969. – С. 310-316.

15. Васильева Г. П. Грамматический статус категории времени русского глагола и процесс нейтрализации оппозиции прошедшее - непрошедшее / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 65-69.

16. Виноградов В. А. Некоторые вопросы теории фонологических оппозиций и нейтрализация / Проблемы лингвистического анализа. Фонология. Грамматика. Лексикология. – М.: Наука, 1966. – С. 3-25.

17. Волков Н.Н. Семантика и дейктические функции личных местоимений в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МГПИИЯ, 1984. – 23 с.

18. Воротников Ю.Л. Местоимения как «языковые категоризаторы» // Филологические науки. – М., 2001. – №5. – С. 43-49.

19. Гак В. Высказывание и ситуации / Проблемы структурной лингвистики - 1972. Науч. тр. – М., 1973. – С. 349-372.

20. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 139 с.

21. Гуломов А. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке: Научные труды ТашГУ, вып. 211. – Ташкент, 1963. – С. 45-95.

22. Душина Н.П. Явление контекстной нейтрализации каузативного и статального глаголов. <http://do.gendocs.ru/docs/index-332281.xhtml>

23. Журавлев В. К. К проблеме нейтрализации фонологических оппозиций // Вопросы языкознания. – 1972. – № 3. – С. 36-49.

24. Журавлев В.К. Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С.11-36.

25. Журавлёв В.К. Диахроническая фонология. – М., 1986.

26. Журавлев В.К. Нейтрализация / Лингвистический энциклопедический словарь. Под ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Большая российская энциклопедия, 2002. – С.328-329.

27. Зикриллаев Ф.Н. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро. 1994.

28. Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960. – №5. – Б. 56-63.
29. Исабеков Б. Кишилиқ олмошларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида / ТошДУ илмий асарлари тўплами. № 648. – Тошкент, 1980. – Б. 86-91.
30. Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги кишилиқ олмошларнинг кўплик формалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. – №4. – Б. 27-31.
31. Каримов Ғ. 20-йиллар ўзбек адабий тилида олмошларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №4. – Б. 50.
32. Каримов С. Олмошларнинг функционал-стилистик чегараланиши / Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1992. – Б. 80-85.
33. Кирвалидзе Н.Т. Дейктические средства в системе современного английского языка и их роль в организации текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: МГЛУ, 1991. – 49 с.
34. Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953.
35. Кравченко А.В. Вопросы теории указательности: Эгоцентричность. Дейктичность. Индексальность. – Иркутск, 1992. – 212 с.
36. Кржишкова Е. О понятии нейтрализации / Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. – М.: Наука, 1969. – С. 289-291.
37. Крылова Е. В. Грамматические оппозиции в системе форм на в современном английском языке и их нейтрализация: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – 20 с.
38. Лутфуллаева Д. Ўзбек тили морфологик бирликларида лингвистик нейтраллашув / М. Аскарлова ва ўзбек тилшунослиги масалалари. (Профессор М. Аскарлова таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, ТДПУ, 2014. – Б. 58-62.
39. Лутфуллаева Д., Муродуллаева О. Ўзбек тилида олмошлар зидланиш белгисининг мўътадиллашуви / Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сб. науч.-метод. статей в 24 частях. Часть 24. – Ташкент. Узб. науч.-иссл. инст. пед. наук им. Кары-Ниязи. 2009. – С. 13-15.

40. Лутфуллаева Д., Эшонкулов О. Ўзбек тили олмошлари оппозициясида нейтраллашув / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари ҳамда таълим тизимида тил компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари (регионал илмий семинар материаллари) 1- чиқиш. – Андижон, 2015. – Б.21-24.

41. Мадрахимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона, 2005. – Б. 39-40.

42. Мадрахимов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. – Фарғона, 2008. – Б. 80-89.

43. Мартине А. Нейтрализация и синкретизм // Вопросы языкознания. – 1969. – № 2. – С. 96-109.

44. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 230 б.

45. Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: “Akademnashr”. 2014. – 284 б.

46. Мещер А.А. Прагматика коммуникативных единиц. – Кишинёв: Штииница, 1990. – 104 с.

47. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов. И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 162 б.

48. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет, 2004. – 222 б.

49. Муродуллаева О. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг зидланиши. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б. 102-104.

50. Муродуллаева О. Сўроқ олмошлари зидланиш белгисининг мўътадиллашуви / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2010. – Б.114-115.

51. Муродуллаева О. Сўроқ олмошларида зидланиш белгисининг йўқолиши ва мўътадиллашуви / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: ТДПУ. 2009. – Б.92-94.

52. Мухин А. М. Понятие нейтрализации и функциональные лингвистические единицы // Вопросы языкознания. – 1962. – №5. – С.53-61.

53. Нехорошкова Т.П. О классификации местоимений в общем и романском языкознании / Коммуникативно-функциональное описание языка. – Уфа, 2003. – С. 122-132.

54. Неъматов Ҳ. «Кутадғу билиг»да ўзлик олмошлари (кэнду, өз) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №3. – Б. 46-48.

55. Неъматов Ҳ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. – №1. – Б. 26-30.

56. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

57. Нигматов Х. Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент, 1989. – 191 с.

58. Носова И. К. Нейтрализация оппозиции адъективного класса в современном русском языке / Теория нейтрализации. – Тамбов, 1980. – С. 70-81.

59. Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982. – 152 с.

60. Нурмонов А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. – №6. – Б. 45-51.

61. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 48 б.

62. Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 292 б.

63. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.

64. Нурмонова Д. Синтактик сатҳда нейтрализация ҳодисаси / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент. 2009. – Б.49-50.

65. Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг нейтраллашуви: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент. 1998. – 22 б.

66. Нурмонова Д., Ўсарова Г. Лисоний бирликлар зидланишларининг мўътадиллашуви / Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. – Андижон, 2002. – Б.72-73.

67.Откупщикова М.И. Местоимения современного русского языка в структурно-семантическом аспекте. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1984. – 88 с.

68.Папенкова Т.А. Текстуальное функционирование местоимений в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1973. – 25 с.

69.Петрухина Е.К. К вопросу о нейтрализации видового противопоставления // *Ceskoslovenska rusistika*. – 1976. – Т. 21, вып. 4. – С. 174-178.

70.Петрянкина В. И. К вопросу об интонационных единицах и их нейтрализации / *Функциональная просодия текста*. Вып. 201. – М.: МГПИИЯ, 1982. – С. 167-179.

71.Позилова Н. Иккинчи шахс олмошларининг прагматик хусусиятлари // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 1999. – №3. – Б. 41.

72.Попова Э.М. Нейтрализация семантических противопоставлений в системе способов глагольного действия: Дисс. ... канд. филол. наук. – Симферополь, 1980. – 168 с.

73.Рахимов С. Проблема дейксиса как категории типологической лингвистики: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М.: Военный Краноснаменный Институт, 1990. – 45 с.

74. Рахимова К. Туркменистондаги ўзбек шеваларида олмошлар // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 1981. – №4. – Б. 50-53.

75.Рахматуллаев. Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – 464 б.

76.Реформатский А.А. О нейтрализации оппозиций / *Лингвистика и поэтика*. – М., 1987. – С. 87-90.

77.Руделев В. Г. Теория нейтрализации. Некоторые результаты. Перспективы развития // *Теория нейтрализации*. – Тамбов, 1980. – С. 3-10.

78.Руделев В. Г. Типы нейтрализации и классификация оппозиций (на материале русского языка) / *Проблемы структурной лингвистики*. – М.: Наука, 1972. – С. 131-140.

79.Руделев В.Г. Собрание сочинений в 6-и т. Т. 6. Друг мой – язык. Избр. произв. по общему и русскому языкознанию. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2002. – 183 с.

80.Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г, Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент. 2007. – Б. 244-248.

81. Санакулов У. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик мсьёрларининг шаклланиши ва тараққийети (илк босқич): Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 32 б.

82. Селиверстова О.Н. Местоимения в языке и речи. – М.: Наука, 1988. – 151 с.

83. Сидоренко Е.Н. Очерки по теории местоимений современного русского языка. – Киев; Одесса: Лыбидь, 1990. – 148 с.

84. Скрипник Я.Н. К вопросу о нейтрализации фоносемантических оппозиций // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. Выпуск №79. 2012. <http://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-neytralizatsii-fonosemanticheskix-oppozitsiy#ixzz3fwCxaZ7z>

85. Содиқов Т. Тошкент области шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. – №5. – Б. 43-47.

86. Стернин И.А. К проблеме дейктических функций слова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1973. – 19 с.

87. Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1965.

88. Суяров И. Шахс олмошларининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. – №2. – Б. 33-37.

89. Теория нейтрализации. Сборник статей. – Тамбов: Тамбовский гос. пед. ин-т. – 1980. – 116 с.

90. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 352 с.

91. Трубецкой Н.С. Отношение между определяемым, определением и определенностью / Избранные труды по филологии. – М., 1987. – С. 37-43. / www.philology.ru/linguistics1/trubetskoy-87c.htm.

92. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 398 б.

93. Тухсанов М. Макротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987.

94. Убайдуллаев Б. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Нукус, 2006. – 21 б.

95. Черкасов Л. Н. Теория лингвистических систем и системная фонология. Учеб. пособие. – Ярославль, 1996. – 98 с.

96. Шемелева Т.В. Русское местоимение как часть речи (функционально-семантический и морфемно-словообразовательный аспекты): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 1997. – 27 с.

97. Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейкиснинг ифода-ланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2008. – 21 б.

98. Шипилова Е.А. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, вып. 10 (54). 2007. – С. 63-66.

99. Шомаксудов А., Расулов И., Кўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 115-128.

100. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 169 б.

101. Эшонкулов О. Микдорга ишораси жиҳатидан олмошлар зидланиш белгисининг йўқолиши ва нейтраллашув / Профессор К.Назаров хотирасига бағишланган “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2016.

102. Эшонкулов О. Ўзбек тили олмошлари оппозициясида нейтраллашув / Хорижий тилларни ўқитишнинг бугуни ва эртаси. Халқаро илмий мақолалар гўплами. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2016.

103. Юсупов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Ташкент: Фан, 1991. – 148 с.

104. Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – №3. – Б. 21-24.

105. Юсупова О. Кишилиқ олмошларининг айрим функционал-услубий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №5. – Б. 95-98.

106. Юсупова О. Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 27 б.

107. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 80000дан ортик сўз ва сўз бирикмаси / Бегматов Э., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Мирзаев Т., ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – 2006. Ж. 2. / Е. – М.

108. Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар / Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд, 1981. – Б. 4-21.

109. Ҳақимов Д. *Сиз ва сен* олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №5. – Б. 77-79.

110. Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент. 1993. – 26 б.

111. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akadernashr, 2013. – 174 б.

112. Ҳожиева Ҳ. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №5. – Б. 37-38.

113. Акамацу Т. Peut-on dissocier 'neutralisation' et 'archiphonème'? / La Linguistique 12:2. – Paris: Presses Universitaires de France, 1976. – P. 27-32.

114. Акамацу Т. The theory of neutralization and the archiphoneme in functional phonology. (Current Issues in Linguistic Theory Vol. 43). -Amsterdam and Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988. – 533 p.

115. Corréard G. Rapport / Martinet A. La notion de neutralisation dans la morphologie et la lexique. – Paris: Librairie C. Klincksieck, 1957. – P. 165-182.

116. Devidsen-Nielsen N. Neutralization and Archiphoneme: Two phonological concepts and their history. – Copenhagen: Akademisk Forlag/ Wilhelm Fink Verlag, 1978. – 210 p.

117. Martinet A. La notion de neutralisation dans la morphologie et le lexique II Travaux de l'Institut de linguistique 2. – Paris: Librairie C. Klincksieck, 1957. – P. 21-76.

118. Martinet A. Neutralisation et syncrétisme II La Linguistique 4. – Paris: Presses Universitaires de France, 1968. – P. 1-20.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши.....	3
I. Лисоний зиддият, синтактик ва морфологик нейтраллашув ҳақидаги назарий қарашлар.....	5
1.1. Лисоний зиддият ва нейтраллашув ҳодисасининг талқини ва ўрганилиши.....	5
1.2. Синтактик ва морфологик нейтраллашув масаласига муносабат.....	16
II. Ўзбек тили олмошларида зидлик муносабати.....	31
2.1. Олмошлар тадқиқининг бугунги ҳолати: талқин ва муносабат.....	31
2.1. Олмошлар парадигмаси аъзолари ички турларида зидланиш.....	42
2.2. Олмошлар парадигмаси аъзоларининг ўзаро зидланиши....	54
III. Ўзбек тили олмошларида нейтраллашув.....	74
3.1. Олмошлар зидланиш белгисининг нейтраллашуви.....	74
3.1.2. Шахсларга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	76
3.1.3. Нарса-предметларга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	83
3.1.4. Белгига ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	87
3.1.5. Миқдорга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	91
3.1.6. Ўринга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	93
3.1.7. Пайтга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	94
3.1.8. Ҳаракат-ҳолатга ишора қилувчи олмошлар зидланишида нейтраллашув.....	92
Умумий хулосалар.....	97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	100

КБК: 81.14

Л 32

УДК: 82.(14+22)

ISBN 978-9943-381-4-07

Лутфуллаева Д., Эшонкулов О. ЛИСОНИЙ ЗИДДИЯТ ВА НЕЙТРАЛЛАШУВ / Монография / – Тошкент: NAVRO'Z, 2018. – 110 б.

Масъул муҳаррир:

И.Йўлдошев

филология фанлари доктори, профессор

«NAVRO'Z» нашриёти

Нашриёт лицензияси № АІ 170. 23.12.2009 йил.

Тошкент, Амир Темур кўчаси 19 уй.

Адади 150 нусха. Бичими 60x84 1/16

Босма табағи 6,9. «Times New Roman» гарнитураси.

Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.